

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

П. Т. ХУДОЙБЕРГЕНОВА

М О Н О Г Р А Ф И Я

Бўш вақтнинг ижтимоий қиммати

Тошкент - 2025

Тузувчи: Тошкент давлат стоматология институти

Ижтимоий фанлар ва биоэтика курси билан кафедраси

доценти ф.ф.н.

П.Т.Худойбергенова

Такризчи: Тошкент Тиббиёт Академияси ижтимоий фанлар кафедраси

ф.ф.д.проф.

ф.ф.д. , проф. Д.Т.Норкулов

Тошкент давлат стоматология институти

Ижтимоий фанлари ва биоэтика курси билан кафедраси

ф.ф.д., доцент.

Д.Г. Саттарова

Ижтимоий фанлар кафедрасининг йиғилишида кўриб чиқилди ва тасдиқланди. “ ” апрел 2025 йил. Баённома №.

Ижтимоий гуманитар фанлар соҳаси бўйича муаммоли йиғилишида кўриб чиқилди ва тасдиқланди. “ ” апрел 2025 йил. Баённома №.

Марказий муаммоли йиғилишида кўриб чиқилди ва тасдиқланди. “ ” апрел 2025 йил. Баённома №.

ТДСИ Илмий кенгашида кўриб чиқилди ва тасдиқланди. “ ” апрел 2025 йил. Баённома №.

Илмий кенгаш котиби: Юлдашов А.А.

Аннотация

Маълумки, талаба ёшлар ҳаёти ва турмушида илмий китоблар, газета ва бадиий адабиёт кенг ўрин олган. Бу воситалар билан чекланиб қолган талаба ёшларнинг билим доиралари пасайиб бормоқда. Кўпгина ёшлар телевизор, интернет ва турли ҳар хил кинолар билан бандлар. Бу эса ёшларни бўш вақтдан самарали фойдалана олмаётганлигидан далолат беради. Маълумки, ёшлар ҳаёт стратегиясини шакллантириш масаласи бу мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Ёшлар ҳаёт стратегияси деганда, бу уларнинг орзу ва интилишлари, мақсад ва қизиқишларини амалга ошириш учун олдиндан ҳаётини режалаштириш, мақсад ва орзуларга эришиш йўлида қатъий курашиш усул ва йўлларини танлаш ва ишлаб чиқиш, шунингдек тузилган режа асосида ҳаракатлар кетма-кетлигини амалга оширилишини ҳисобга олсак, бу борада социологлар, психологлар, иқтисодчилар 1-5, 10 йиллик режалар тузиш ва босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатишган Президентимиз **Ш. Мирзиёев “Такрор айтаман, тараққиёт ва юксалишга фақат илм, фақат таълим ва тарбия, фақат китоб орқали эришиш мумкин”,- деб алоҳида изох бердилар.** Ёшлар ҳаётда ўзи мустақил қарор чиқариши, жамиятдаги тезкор ўзгаришларга мослашиши, ўз ўрнини топишида **илм** ҳаётнинг кузгуси эканлигини аңлатишимиздан иборатдир.

КИРИШ

XXI аср глобал ўзгариш, динамизм ва тезлашув билан ажралиб туради. Технологиялар, таълим ва даромаднинг ўзгариши инсоннинг турмуш тарзига, шунингдек вақтдан фойдаланишга таъсир қилади. Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир ёшнинг бўш вақтини оқилона уюштириши катта аҳамиятга эга. Зеро, бўш вақтни оқилона уюштириш талабаларнинг маданий савияси ва дунёқараши ўсишининг, ахлоқий ва эстетик тарбиялашнинг муҳим шартларидар биридир. Чунки бўш вақт талабаларнинг ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Жамиятимиз тараққиёти натижасида ёшларнинг бўш вақтидан самарали фойдаланиши мураккаблашиб бормоқда. Бу эса талаба ёшларни ақлий ривожлантиришни, касб, билим ва малакаларини оширишни, маънавий эҳтиёжларини қондириб боришни тақозо этади. Бу муаммоларни ҳал қилиш эса бўш вақтдан самарали фойдаланишни ташкил этиш билан боғлиқ.

РЕЖА

- 1.Бўш вақтнинг ижтимоий қиммати, онтологик моҳияти.**
- 2. Ўзбекона турмуш тарзида бўш вақтдан фойдаланиш хусусиятлари**
- 3. Ёшларни буш вақтдан тугри фойдаланмаслик ва муаммолари**
- 4.Миллий турмуш тарзининг қайта тикланишида ва тараққиётида маънавиятнинг ўрни**

Вақт инсон умрининг, ҳаётининг фаолияти ва турмуш тарзининг хронологик қимматини белгиловчи категориядир. Бўш (ёки дам олиш) вақт - бу шахс, гуруҳ ёки умуман жамият ижтимоий вақтининг бир қисми бўлиб, у инсоннинг жисмоний ва маънавий саломатлигини сақлаш, тиклаш ва ривожлантириш, унинг интеллектуал яхшиланиши учун ишлатилади. "Вақт- борлиқнинг асосий яшаш шаклларида бири бўлиб, у воқеа ва ҳодисаларнинг рўй бериш кетма-кетлиги ваизчиллиги тартибини, давомийлигини ифодалайди".[1]

Вақт иш вақти, ишдан ташқари вақт ва бўш вақтга ажратилади. Иш вақти жамият учун зарур моддий ва маънавий бойликлар яратишга, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга, илмий техника тараққиёти ва тарихан ўзгариб боровчи эҳтиёжларга сарфланади. Ишдан кейинги вақт ижтимоий эҳтиёжларга сарфланадиган вақтдир. Масалан, бола тарбияси, бозорга бориш ва б. Ушбу ижтимоий вақтдан кейин кишиларнинг ўз ихтиёрига қолган вақт бўш вақтдир. Бўш вақт кундалик, ҳафталик, ойлик дам олиш кунларини ва турли байрам кунларини ўз ичига олади. Бу вақт алоқа ва севимли машғулотларга бўлган эҳтиёжни қондириш, уй ва маиший муаммоларни ҳал қилиш, очиқ ҳавода юриш ва ҳ.к. Мутахассис Л.А.Акимова дам олишнинг қуйидаги вазифаларини кўрсатиб беради: ижтимоий-маърифий; ривожланиш; кўнгил очиш; компенсацион; маданият ва ижодкорлик; ижтимоий йўналтирилган; соғлиқни тиклаш, яъни қайта тайёрланиш ва тайёрлаш (психофизик кучларни тўлдириш, инсоннинг соғлиғи ва ижодий салоҳиятини тиклаш) [3]. Бўш (ёки дам олиш) вақт - бу шахс, гуруҳ ёки умуман жамият ижтимоий вақтининг бир қисми бўлиб, у инсоннинг жисмоний ва маънавий саломатлигини сақлаш, тиклаш ва ривожлантириш, унинг интеллектуал яхшиланиши учун ишлатилади. Бу вақт алоқа ва севимли машғулотларга бўлган эҳтиёжни қондириш, уй ва маиший муаммоларни ҳал қилиш, очиқ ҳавода юриш ва ҳ.к. Мутахассис Л.А.Акимова дам олишнинг қуйидаги вазифаларини кўрсатиб беради: ижтимоий-маърифий; ривожланиш; кўнгил очиш; компенсацион; маданият ва ижодкорлик; ижтимоий йўналтирилган; соғлиқни тиклаш, яъни қайта тайёрланиш ва тайёрлаш (психофизик кучларни тўлдириш, инсоннинг соғлиғи ва ижодий салоҳиятини тиклаш) [4]. “Бўш вақт” – ёшларнинг ўқишдан ташқари вақтининг бир қисми. Ижтимоий ҳаётда талаба ёшларнинг умумий вақтини икки қисмга – ўқиш вақти ва ўқишдан ташқари вақтга бўлиш мумкин. Ўқишдан ташқари вақтда баъзи талабаларнинг кино, театрларга жуфт-жуфт бўлиб киришлари, хиёбонларда бесамар юришлари, кўча-куйларда сигареталар чекиб юришларини кўриб, умрнинг зое кетаётганлигини англамаётганлигини кўрсак, баъзи талабалар эса пул топиш

мақсадида хусусий ташкилотлар, кафе, ресторан, бозорларда иш фаолиятини олиб бораётганлигини кўриш мумкин. Иккала ҳолатда ҳам талабанинг асосий мақсади ўқишдан қолиб кетишини кузатиш мумкин. Америка ёзувчиси Джеймс Купер, шунингдек, бекорчилик ҳам олиш эмас, балки вақтни йўқотиш деган ғояни илгари суради. [5] Лекин ёшларнинг буш вақтини ота-она томонидан назорат қилмаслик ва тугри ташкил қилмаслик ёмон иллатнинг пайдо бўлишига ёшлар орасида оммалашиши жуда хавфлидир. Ёшлар ўртасида бу иллатнинг кўпайиб кетишини ўсмирларнинг ҳар хил нарсаларга қизиқувчанлиги, тез таъсирга берилувчанлиги, уларнинг ушбу касаллик туфайли келиб чиқаётган асоратларни билмаслиги ҳамда аҳоли орасида гиёҳванд восита ёки гиёҳвандлик касаллиги тўғрисидаги ахборотларнинг камлиги билан тушунтириш мумкин. Маълумотларга кўра, сўнгги беш йилда республика ҳудудида гиёҳвандлик, психотроп ва кучли таъсир қилувчи воситалар ноқонуний муомаласи учун жавобгарликка тортилган шахслар орасида ёшлар 74 фоизга ошган. Наркологик ҳисобга олинган 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган гиёҳвандлик воситалари истеъмолчилари 60 фоизга кўпайган. (шу жумладан, талабалар 21 фоизга, мактаб ўқувчилари 6 баробарга) ошган. 5 728 нафар ёшлар (жумладан, 117 нафар талаба ва 45 нафар мактаб ўқувчиси) жавобгарликка тортилган. Наркологик ҳисобга олинган 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган гиёҳвандлик воситалари истеъмолчилари 60 фоизга кўпайиб, 986 нафарга етган. [7] Энди савол туғилади: хўш, ёшларни гиёҳвандлик моддалари таъсирига тушиб қолишига нима сабаб бўлмоқда? Охириги вақтларда бу иллатга ружу қўйиш ҳолатлари нега борган сари кўпаймоқда. Фикримизча, айримлар тўқликка шўхлик қилса, бошқалар ўзи билмаган ҳолда – алдовлар натижасида унинг қурбонига айланиб қоляпти. Ёшларнинг ажал гирдобига тушиб қолишида кўпинча оиладаги муҳит ёки эътиборсизлик ҳам сабаб бўлмоқда. Бу дардга мубтало бўлганлар орасида ёшлар билан бирга, аёллар ҳам борлиги кишини ўйлантиради. Мамлакатимизда ёшларга жуда кўплаб шароит ва имкониятлар яратилган бўлиб, асосий масала ундан унумли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

"Объект қанчалик катта тезликда ҳаракатланса, унда вақтнинг ўтиши, нисбатан тинч турган объектларга қараганда шунчалик секин ўтади".[8] Демак, инсон умри ва турмуш тарзи қанчалик тез, сермазмун фаолиятда ўтса, у сокин, бефойда ўтаётган умрдан ижтимоий фойдалиги, мазмунлиги билан фарқ қилади. Инсон вақтнинг қадрига етмоғи лозим. Айниқса, бўш вақтдан унумли фойдаланиш жуда муҳимдир. Зеро вақтнинг қиймати бебаҳодир Ибн Аббос (р.а) дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **“Икки неъмат борки, кўп инсонлар улардан маҳрумдир, Улар: Соғлиқ ва бўш вақтдир”**. (Имом Бухорий ривояти.) Баъзи кишилар бўш вақтдан тўғри фойдалансалар, айримлар вақтини ижтимоий тармоқларда бекордан бекорга ўтказадилар. Бунинг ўрнига вақтларини илм олишга, яхши амаллар қилишга сарфлаганларида яхши бўлар эди. Аллоҳ таоло ўтаётган вақтларимизни ғанимат билиб, уни дунё ва охираат фойдасига ишлатишни насиб қилсин!

“Бўш вақт” – ёшларнинг ўқишдан ташқари вақтининг бир қисми. Ижтимоий ҳаётда талаба ёшларнинг умумий вақтини икки қисмга – ўқиш вақти ва ўқишдан ташқари вақтга бўлиш мумкин. Ўқишдан ташқари вақтда баъзи талабаларнинг кино, театрларга жуфт-жуфт бўлиб киришлари, хиёбонларда бесамар юришлари, кўча-куйларда сигареталар чекиб юришларини кўриб, умрнинг зое кетаётганлигини англамаётганлигини кўрсак, баъзи талабалар эса пул топиш мақсадида хусусий ташкилотлар, кафе, ресторан, бозорларда иш фаолиятини олиб бораётганлигини кўриш мумкин. Иккала ҳолатда ҳам талабанинг асосий мақсади ўқишдан қолиб кетишини кузатиш мумкин. Америка ёзувчиси Джеймс Купер, шунингдек, **бекорчилик дам олиш эмас, балки вақтни йўқотиш** деган ғояни илгари суради. [9] Мамлакатимизда ёшларга жуда кўплаб шароит ва имкониятлар яратилган бўлиб, асосий масала ундан унумли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бўш вақт умумий вақтнинг, умрнинг муҳим қисми сифатида ижтимоий аҳамиятга эгадир. Бир қарашдагина бўш вақт фақат шахснинг ўз ихтиёрига

қолган вақтдек кўринади, аслида эса у шахснинг ижтимоий хислатларини шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Бўш вақт турмуш тарзида миллий, этномаданий хусусиятларнинг намоён бўлиши билан ҳам боғлиқдир. Агар ижтимоий иқтисодий муносабатларга сарфланадиган вақт умуминсоний, умумпланетар хусусият касб этиб бораётган бўлса, бўш вақт ҳар бир халқ, миллатнинг тарихий-маданий белгиларини тўла намоён бўлишига имкон бераётган ягона макон бўлиб қолмоқда.

Бўш вақтнинг ижтимоий моҳияти ва ундан фойдаланиш хусусиятларини турмуш тарзи билан боғлиқлиги:

биринчидан, бўш вақтнинг ўзи нима;

иккинчидан, бўш вақтнинг миллий турмуш тарзи билан боғлиқлиги нималарда акс этади;

учинчидан, бўш вақтнинг инсон умри турмуш тарзи учун ижтимоий қиммати, онтологик моҳияти нимада;

тўртинчидан, бўш вақт структурасида, кишиларнинг қизиқишларида қандай ўзгаришлар содир бўлмоқда;

бешинчидан, миллий тикланиш нуқтаи назардан ўзбекона турмуш тарзида бўш вақтдан фойдаланиш ;

олтинчидан, бўш вақтда миллий ва умуминсоний белгилар, тажрибаларга асосланиш қандай кечмоқда;

еттинчидан, миллий турмуш тарзида цивилизация қадриятларини, нормаларини тўла шаклланишида дуч келаётган муаммолар нималардан иборат деган саволларга жавоб беришни талаб этади.

Вақтнинг қиммати энг аввало ижтимоий тараққиётда акс этади. [10] Худди шунингдек, у индивид, шахснинг муносабатида, вақтга субъектив қарашларида ҳам намоён бўлади. Энг муҳими вақтнинг ижтимоий қиммати, аҳамияти шахсни ўраб турган маданий муҳитнинг таъсири, ушбу таъсирнинг шахе, гуруҳ, жамоа турмуш тарзида акс этишидадир. Шунинг учун вақт категорияси материянинг шунчаки ҳаракатларининг, ўзгаришларининг

кўрсаткичи эмас, унда ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим хусусиятлари, индивид, шахе, жамоа ҳаётида содир бўлаётган тарихий-маданий ва психологик ўзгаришлар намоён бўлади. Бу бўш вақтнинг моҳиятига ҳам тааллуқлидир. Демак, жамиятнинг, кишиларнинг бўш вақтдан фойдаланишини ўрганиб, уларнинг нафақат вақтга, худди шунингдек, ижтимоий тараққиётга ўзларининг моддий ва маънавий ривожланишига ҳам муносабати қандай эканини англаш мумкин.

Факатгина соғлом, узини яхши хис этадиган, оптимист, психик жихатдан чидамли аклий ва жисмоний иш қобилиятига эга, фаол яшайдиган одам касбий ва турмуш қийинчиликларини енга олади. Соғлом турмуш тарзини ташкил этиш факатгина иқтисодий таъмииланиш жихатида эмас, балки соғлиқни сақлаш инсонларни маънавий, маърифий маданий савиясини оширишни ҳам тақозо этади. Олимларнинг таъкидлашича “донолик, қомиллик ва жамиятнинг тараққиёти кўп ҳолларда интеллектуал ва алоқий потенциал билан белгиланади”. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлигини сақлаш, мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тўғри ташкил этиш масалалари юзасидан жула кўп чора ва тадбирлар амалга оширилмоқда. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов 1999 йилни “Оналар ва болалар” йили, 2000 йилни “Соғлом авлод” йили, 2005 йилни “Қариёлар йили”. 2006 йилни “Ҳомийлар ва шифокорлар” йили деб эълон қилиши аҳоли соғлигини сақлашга қаратилган чоратадбирлардан ҳисобланади. Президент қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси давлат дастурини ишлаб чиқди. Дастурларда аҳолига тиббий хизмат сифатини яхшилаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини тўғри ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, йигит-қизларни бўлажак оила ҳаётига тайёрлаш, аҳолига тиббий билимлар бериш ва бошқа масалалар... “Соғлом авлодни тарбиялаш бўлжам давлат пойдеворини фаровон ҳаёт асосини қуришдир” дейди. И.А.Каримов, инсон танасининг ҳақиқий гўзаллиги бу унинг жисмоний етуклиги, интелекти ва соғлиғидир, деб айтиб ўтган[11]. Соғлом инсон бу ҳаммадан аввал уни психик ва физиологик сифатлари

оптимал иш қобилияти социал фаолиятини саклашдан иборат. Соғлом турмуш тарзи дастурини ошириш болалар ва усмирларни ўз соғлигини маъсулият хиссида тарбиялашга каратишдаи бошлаш керак

Бўш вақт турмуш тарзини мазмунан бой, ранг-баранг қилади, инсоннинг ҳаётга қизиқишини ва уни кадрлашини орттиради. Инсоннинг меҳнат вақти билан бўш вақти тадрижий боғлиқ жараёнлар ҳисобланади. Инсон бўш вақтида қанчалик мазмунли ва мароқли яхши дам олса, ҳордиқ чиқарса, ишлаб чиқаришда шунчалик фаол қатнашади. Бугун илмий техниканинг жадал ривожланиши, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, компютерлаштириш, роботлаштириш, интернет тизимлари бўш вақтнинг салмоғини, миқдорини оширмоқда.

Махсус тадқиқотларга кўра, шаҳар аҳолисининг бўш вақти ҳафталик умумий иш вақти ҳажмининг 17-18 %ни ташкил этади. Шундан кейин бўш вақт ҳажмини ўлчаш амалга оширилмади. Агар ҳозирги вақтда ўринларнинг қисқарганидан, ишсизлик жуда секинлик билан ҳал қилинаётган муаммо эканлигидан келиб чиқсак, аҳоли бўш вақти 20-25 % га кўтарилди деб тахмин қилсак бўлади. (Бу аҳоли бўш вақти структураси ва ҳажмини махсус тадқиқ қилишни тақозо этади). [12].

Бўш вақт шахс ихтиёридаги вақтдир, уни ўтказиш эса шахснинг имкониятлари, эҳтиёжлари ва қизиқишларига боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан бўш вақт ва шахс муаммолари социологик ёки социал-педагогик тадқиқотлар мавзуи бўлиб келади. Кейинги йилларда эса уни ижтимоий фалсафий воқелик сифатида ўрганишга ҳам амалга оширилмоқда. Энг муҳими шундаки, бўш вақтнинг миллий анъаналари, урф-одатлар ва турмуш тарзи билан боғлаб тадқиқ этиш вужудга келмоқда.

В.А.Алимасов ўзининг докторлик диссертациясида миллий қадриятлар ва бўш вақтни ўрганиб, ўтказган социологик тадқиқотлари асосида қуйидагиларни билдиради. Сўралган 1020 эксперт респондентлардан шаҳарда 98,7 % ва қишлоқда 87,4 % аҳолида миллий чолгу асбобларини чалишга қизиқиши ошиб бораётганини қайд этишган. Худди шунингдек, улар кишилар

бўш вақтларини асосан очик ҳаво (маҳалла, чойхона, боғлар, қир, адирлар)да ўтказишга интилишларини билдиришган.

Тадқиқотчи мустақиллик йилларида аҳоли бўш вақтини ўтказишда 70-80 йилларига нисбатан қуйидаги ўзгаришлар содир бўлаётганини кўрсатади. Биринчидан, аҳоли ўртасида миллий байрамлар, анъаналар ва санъатга бўлган кизиқиш кескин (шаҳарда 98 %, қишлоқда 96,7 %) ошган. Мустақиллик туфайли тарихий-маданий кадриятларни қайта тиклаш имкони пайдо бўлганидан кишилар ўз халқининг ўтмишини, ота-боболари амал қилган турмуш тарзидаги ижобий анъаналарни тўла ўрганишга ҳоҳиш билдиришган. Иккинчидан, бўш вақтни ўтказиш рационаллашуви кузатилади. Кишиларнинг бўш вақтда ўзининг турмуши, оиласи учун зарур бўлган халқ амалий санъати турларидан фойдаланишга интилиши кучаймоқда. Демак, бўш вақтнинг фаол дам олиш турига айланиши кузатилади. Энг муҳими унда халқ амалий санъати (наққошлик, пичоқчилик, дурадгорлик, заргарлик, дўппичилик, зардўстлик, гиламчилик ва б .) қайта тикланаётгани, ҳатто ушбу халқ ҳунармандчилиги бўйича махсус ўқув юртлари (Тошкент, Андижон, Бухоро), устоз-шогирд анъанавий мактаблари пайдо бўлаётгани аниқланади. Учинчидан, миллий турмуш тарзини, анъанавий урф-одатлар ва бўш вақтни замонавий, энг аввало европача усуллар билан тўлдиришга интилиш мавжуд. Эксперт-респондентларнинг 78 % кишилар турмуш тарзига, маданий ҳаётига компьютер ўйинлари, гольф, теннис, пони отларда чопиш, дизайн, рок-муסיқа, голография, инсталляция, видеарт, перфоманс каби замонавий санъат ва дам олиш усуллари кириб келаётганини қайд этилади. [12]

Ўзбекона турмуш тарзида миллий байрамлар ва урф-одатлар чуқур ўрин олганини У.Ҳ.Қорабаев тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди. У ёзади: «Халқни байрам қилишига қараб, унинг тараққиёт даражасини билиш қийин эмас. Жумладан, байрамлар элнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий аҳволи ҳақида ёрқин тасаввур бера олади. Чунки байрамлар ижтимоий ҳаётнинг энг яхши томонларини акс эттирадиган кўзгудир. Ҳар томонлама ривожланган халқнинг байрамлари ҳам файзли бўлади» Умуман халқ байрамлари негизда

кишиларнинг маданий, маиший ва эстетик эҳтиёжи, тарихий-маданий тажрибаларини авлодларга етказиш мақсади, турмуш тарзини гўзаллаштириш, ранг-баранглаштириш истаги ётади. Мустақиллик йиларида Наврўз, Қурбон ҳайити, Рўза ҳайити, умумхалқ байрамлари қайта тикланди, табиат, оила, истиклол ва буюк аجدодларимиз таваллудларини нишонлашга қаратилган 40 дан зиёд байрамлар ўтказилди, уларнинг айримлари маданий ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланди. Байрамларни социал психологик хусусиятлари ва бўш вақт билан боғлиқлиги шаҳе маънавий ҳаётига таъсир этади, уни ўз қобилиятларини ривожлантиришга, вақтдан унумли фойдаланишга, ижтимоий манфаатлар ва кайфиятга мос тарзда ўз ҳаётини, турмуш тарзини ташкил этишга ундаиди². Халқимизнинг жаҳон цивилизацияси билан интеграцияси натижасида замонавий байрамлар ҳаётимизга кириб келди. Масалан, халқимиз янги йилни байрам қилмасди, чунки бир йил 365 кунга эмас, 354 кунга тенг эди ва бу фарқ аниқ бир кунни янги йил бошланиши, дейишга йўл қўймас эди. Биз узимизнинг, ота-онамизнинг ва фарзандларимизнинг диққат эътиборига муносиб кунни, яъни валодат кунини билмас эдик ва нишонламасак, чунки фарзанд бу йил 22 февралда туғилган бўлса, келаси йил унинг валодат куни ўн бир кун қисқароқ бўлиб 11 февралга тўғри келарди. Биз 8-мартни, ўқув йили бошланишини, фарзандларимизнинг мактабга борганини ёки олий ўқув юртига кирганини, уни тамом қилганини ва ҳақозоларни нишонламасак эдик, чунки улкамизда умуммажбурий таълим тизими ва ҳозирги замон даражасидаги олий ўқув юртлари йўқ эди. Демак, байрамлар сони бошқа номусулмон халқларига нисбатан анча кам эди. Шу боис қадимги ўзбекона турмуш тарзидаги энг асосий тўй ва маракалар, ўғил тўйи, ўғил уйлантириш, қиз чиқариш, Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайити (суннат), вафот этганларнинг маракаларини ўтказишдан иборат эди. Аммо улар ичида ҳанузгача давом этиб келаётган анъаналар йўқ эмас. Масалан, «гап», «йигитлар базми», «қизлар базми» ана шу миллий анъаналардан биридир.

Бўш вақтнинг моҳияти кишиларда нафақат миллий урф-одатлар ва байрамларга қизиқиш уйғотишда, шу билан бирга шахснинг психофизиологик ҳолатини қайта тиклашдадир. Айнан ушбу функцияси орқали бўш вақт шахс маънавияти, руҳияти, маданиятига таъсир этади, унга ижтимоий меҳнат жараёнида сарфланган психофизиологик куч-қувватни қайта тиклашга ёрдам беради. Шунинг учун илмий адабиётларда кишиларнинг маънавий-маданий қизиқишларини ва ушбу қизиқишларини қондиришга йўналтирилган эркин фаолият турларини ўрганишга муҳим эътибор берилади. [14]. Айнан бўш вақтда кечадиган эркин фаолият турлари турмуш тарзида бўш вақтнинг аҳамиятини ва замонавий ҳаёт тарзи, цивилизация ютуқлари билан қанчалик муштарак эканини аниқлаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида бўш вақтда кечадиган эркин фаолият фаоллик турларини маълум бир тартибда классификациялаш (гуруҳлаш)ни тақозо қилади. Уларни биз:

- а) иқтисодий эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган фаоллик;
- б) ижтимоий-сиёсий фаоллик;
- в) маданий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган фаоллик;
- г) информация олишга йўналтирилган фаоллик;
- д) физкультура ва спорт билан шугулланиш;
- е) нофаол дам олиш каби гуруҳларга ажратиб қараш мавзунини кенгроқ очиб беришга ёрдам беради деб ўйлаймиз.

Иқтисодий эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган фаолиятда мажбурийлик ва ихтиёрийлик элементлари тенг иштирок этади. Иқтисодий эҳтиёж инсон мавжудлигининг, тирикчилигининг асосий шартини сифатида меҳнат, иш вақтини мажбурий қилади. Бироқ бозор муносабатларига ўтиш, кишининг ўз меҳнати самарасига кўра турмуш кечириши унинг ҳаёт тарзига айланаётган ҳозирги пайтда ушбу фаолиятда иш вақти билан бўш вақт ўртасидаги чегара яққол кўзга ташланмайди. Бундан ташқари, кишининг қандай иқтисодий фаолият билан шугулланиши унинг ихтиёридадир. Демак, бўш вақт ушбу бозор муносабатлари шароитидаги иқтисодий фаолият (иш вақти) нинг таркибий қисми сифатида келади. Айни пайтда бўш вақт ва ундан

турмуш тарзини яхшилашда, такомиллаштиришда фойдаланиш муаммоси тобора мураккаблашиб, жиддий иқтисодий, ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий, руҳий аҳамият касб этаётгани, техника, ахборот, фан, маданият ва турмуш тарзининг ўсгани, такомиллашгани сари, шахс ҳаётига, руҳиятига ва маънавиятига таъсирини ўрганишга зарурият ҳам пайдо бўлмоқда.

Социолог олима С.Н.Иконникова бўш вақтдан фойдаланувчи кишиларни олти типга ажратади.

Биринчи типдаги кишилар бўш вақтини ўта қадрлаб, ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг ҳар бир соат ва дақиқалари улар ҳисобида бўлиб, қизиқарли ва муҳим нарсас, ҳодисалар уларнинг назаридан четда қолмайди. Бундай кишилар қизиқарли китоблар, спектакллар, кинофильм, концерт, кўргазмалардан хабардор бўлишга интиладилар. Мабодо маданий ҳаётдаги биронта янги воқеа, ҳодиса билан танишишга вақтлари етмай қолса улар қаттиқ афсусланадилар.

Иккинчи типдаги кишиларнинг диққатини асосий фаолиятидан ташқари, унга алоқадор бўлмаган касбни эгаллашга ҳам қаратилган бўлиб, улар барча бўш вақтларини уни спорт, бадий ҳаваскорлик ёки ижоднинг бошқа турларини астойдил ўрганишга бағишлайдилар.

Учинчи типдаги кишилар бўш вақтини ўз касбини янада тўлиқроқ билишга бағишлашади. Улар асосий иш вақтида бажариш қийин бўлган фаолиятлар билан бўш вақтда ҳам шуғулланишади, ўз касбий маҳоратларини ўстиришга, янгилик яратишга ҳаракат қилишади, ихтиро қилишга интилишади. Бу типдаги кишиларга кўпроқ олимлар, рассомлар, артистлар, ёзувчилар киради. Уларнинг орасида қишлоқ хўжалиги ходимлари, ишчи, рационализатор ва техник ходимларни ҳам учрайди.

Тўртинчи типдаги кишилар бўш вақтини асосан уйда ўтказишга интиладилар. Улар театр, кино, клуб, парк, маданият муассасаларига бориб дам олишга эринадилар, телевизорни эса эртадан кечгача томоша қилишлари мумкин.

Бешинчи типдаги кишилар бўш вақтини таниш-билишлари, дўстлари, ҳамкасблари даврасида суҳбат, мулоқот билан ўтказишга ҳаракат қилишади. Бундай кишилар ёлғиз қолишса, ҳеч нарса билан қизиқишмайди, тасодифий гуруҳларга тушиб қолганларида эса ҳар қандай бемақсад фаолиятга қўшилиб кетаверишади. Улар ёлғиз қолганларида зерикашади, мустақил ҳеч нарса билан шуғуллана олишмайди

Олтинчи типдаги кишилар ҳеч нарса билан қизиқмайдилар, вақтини умуман қадрламайдилар, умрининг бенаф ўтиб кетаётганига ҳам афсусланмайдилар. Бундай маънавий қашшоқ кишиларга овқат, кийим-кечак бўлса бас, бошқа нарсаларнинг ҳаммаси улар учун орзуғулик аҳамиятга эга эмас, уларни ҳеч ким безовта қилмаса бас.

«Инсон организми шундай тузилганки, унда хилма хил- /ақлий, жисмоний, эмоционал фаолият турлари такрорланиб туради. Биринчиси- ақлий фаолият: кўпроқ олимлар, ижодий ходимлар, илмий- техник ходимлар ишида намоён бўлади. Иккинчиси-жисмоний фаолият: у асосан ишчилар, колхозчи деҳқонлар, спортчи ва изматчилар ишида намоён бўлади. Учинчиси- эмоционал (ёки эмоционал ақлий) фаолият: у ўқитувчилар, врачлар, актёрлар, санъаткорлар ва бошқа касб эгалари ишида намоён бўлади» [8].

Мана шу уч хил фаолият кундалик ҳаётда қанчалик кўп алмашиб турса, шахс ҳаёти шунчалик қизиқарли кечади, бундай кишиларда психофизиологик чарчоқ ўрнини тезда тетиклик, келажакка ва ўз кучига ишонч эгаллайди.

Бўш вақтни сермазмун ўтказишда халқимизга хос миллий анъаналар, воситалар, шакллар мавжудки, улардан самарали фойдаланиш ўзбекона миллий турмуш тарзини бойитишга ёрдам беради. . **Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов “Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”**

[15] *деб бежиз таъкидламаганлар.*

Ҳиндистон ўлкасининг озодлигига, равнақига, тараққиётига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган буюк инсон Маҳатма Гандига “Глобаллашув жараёнига Сизнинг муносабатингиз қандай?” деб, савол билан мурожаат қилишганда, у шундай жавоб қайтарган экан: “Мен ташқаридаги бўрондан кўркиб, деразамни ёпиб қўя олмайман, чунки менга тоза ҳаво керак. Шу билан бирга, тоза ҳаво керак экан деб деразамни катта очиб ҳам қўя олмайман, чунки мени уйимни чанг-тўзон босиб кетишини хоҳламайман”.

Шундай экан бугунги кунда ёшларимизни ташки бузгунчи оммавий маданиятдан химоя қилишимиз учун кучайтириш ва азалий бўлган, минг йиллик синовлардан ўтган қадриятларимиз, урф-одатларимизни мукаммал билиш ва амал қилиши даркор. Мабодо шундай вазиятга, ҳолатга тушиб қолса, ҳеч бўлмаганда “Бу кўринишдаги “маданиятни ким, қандай мақсадда ва нима учун узатаяпти?”, деган саволларни ўзига ўзи бериши, унга асосли жавоб топишга ҳаракат қилиши керак бўлади. Ана шундагина турли ғоялар, шубҳали “маданиятлар” таъсирига тушиб қолиш, тақдим этилаётган маълумотларга кўр-кўрона эргашишнинг олди олинади. Шаклланган ахборот истеъмоли маданияти миллий манфаатларимиз ва қадриятларимизга зид бўлган хабар, маълумотлар ва “маданият”га нисбатан ўзига хос қалқон ролини ўтайди, шахс дунёқараши ва ҳулкидаги собитликни таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак — бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас. Шундай экан биз бугунги кунда ёшларимизни таълим тарбиясига ва бўш вақтдан тўғри фойдаланишга ёшликдан тўғри йўналтиришимиз керак.

Оталарнинг ҳам бола тарбиясига ажратадиган вақти юқори эмас. Уларнинг кўпчилигида «бўш вақт» деган тушунча ҳали шаклланмаган.

Аждодларимиз бўш вақтларида бола тарбиясига катта аҳамият берганлар, улар фарзандларини бирон касбга, ўғил болаларини эса дурадгорлик, мисгарлик, ҳунармандчиликга, қизларини эса бичиш-тикиш, тўқиш, пазандалик каби касбларга ўргатганлар. Ушбу анъаналар айрим вилоятларда қайта тикланмоқда. Масалан, Фаргоналик қизларнинг дўппи тикиши, Бухоролик қизларимизнинг сўзаналар тўқиши ва йигитларнинг ота касбини давом эттираётгани мисол бўлиши мумкин. Кулолчилик, чинничилик, кийгиз-гилам, палос, бўз-мато тўқувчилик, пичоқчилик, кўгирчоқлар ва ўйинчоқлар ясаш анъаналари қайта тикланмоқда. Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида исломдан олдин ва ислом кириб келган даврларда Бухоро шаҳрида турли касб-кор, ҳунармандлар маҳаллалари бўлганини қайд этган. Ҳунармандчилик анъаналари бугун Риштон, Поп, Қўқон, Асака, Марҳамат, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива, Тошкентда қайта тикланмоқда. Демак, бўш вақтдан рационал, миллий анъаналар ва тажрибаларга мувофиқ фойдаланиш қарор топмоқда. Узбекона турмуш тарзида шу билан бирга дам олиш ва бўш вақт ўтказишнинг замонавий усулларида фойдаланиш ҳам кенгайиб бормоқда.

Тўғри, кишиларнинг бўш вақтга эга бўлиши Ўзбекистон Республикасининг махсус қонунлари орқали кафолатланган. Бироқ қишлоқ хўжалигидаги 20 мингдан зиёд кичик корхоналар, деҳқон, фермер хўжаликлари, оилавий ширкатларда уларнинг меҳнати гоҳо мавсумий ва қатъий чегараланмагани боис уларда бўш вақт қанча эканлигини ўрнатиш мушкул. Аммо ўтказилган баъзи тадқиқотлар қишлоқ аҳолисининг бўш вақти шаҳар аҳолисидан 15-20 % кам эканлигини кўрсатади. Ёки бўлмаса кишиларнинг бўш вақтларида шугулладиган эркин маданий фаолиятини олайлик. Мутахассисларнинг таъкидлашича, 80-йилларда маданият муассасаларида кишиларнинг бўш вақтини уюштиришга қаратилган маданий фаолият турлари 6-7 бўлган, холос.³ Ҳозир уларнинг турлари 30 дан зиёд. Агар уларнинг устига нодавлат маданий-

маърифий муассасаларида ва халқ ижоди уйларида ташкил этилаётган маданий хизмат турларини ҳам қўшсак маданий фаолият турлари 200 дан ошади.

Шу билан бирга давлат қаромоғидан маданият ўчоқларининг қисқариб, улар ўрнига ўзини - ўзи маблағ билан таъминловчи, аҳолининг аниқ эҳтиёжларини қондиришга қаратилган нодавлат маданият ўчоқлари, дам олиш масканлари, физкультура ва спорт майдончалари вужудга келаётганини кўрамиз.

Худди шундай ҳолни маданий-маиший хизматлар кўрсатиш соҳасида ҳам кузатамиз. Масалан, 1986 йилга келиб республикамизда 20379 та бичиш-тикиш устахоналари (ателье), кир ювиш цехлари, сартарошхоналарига эга маданий-маиший комплекслар, саройлар мавжуд эди. Мустақиллик илларида улар давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусий маиший хизмат кўрсатиш ўчоқларига айлантирилди. Ҳозирги кунда уларнинг сони, бизнинг ҳисоб-китобга кура, 67 мингдан зиёддир.

Информация ижтимоий тараққиётнинг йўналишини белгилаб берувчи омилга айланган. Бўш вақтда у бевосита (мулоқот) ва билвосита (китоб, газета, телевидение, телефон, интернет ва б.) орқали шахснинг информацияга бўлган эҳтиёжларини қондиради. Бугун республикамизда 600дан зиёд газета, 166 та журнал чоп этилади, 70 та телерадиокомпания ва 60 та нашриётлар фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, кишиларимиз чет эллардан келаётган нашрларни ўқиш, чет эл радиотелепрограммаларини эшитиш имкониятларига ҳам эга. Умуман информация кишига сўз эркинлигини, демократик ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва шу асосда ўз турмуш тарзини шакллантириш учун зарур. «Хурфидарлик-эркин, ҳур яшаш, ўз манфаат ва қизиқишларига мое турмуш тарзини, ҳақиқатан деб билган қарашларини, ижтимоий муносабатларнинг илғор йўналишда ривожланишига ёрдам берувчи ёндашувларни қўллаб-қувватлаш демакдир».

Талаба ёшларнинг информацияга бўлган эҳтиёжларини ва уларни қондириш йўллариини ўрганиш учун биз 1-ТошДавТИда 370 респондент ўртасида савол-жавоб ўтказдик. Унда

куйидагилар маълум бўлди. Кейинги йилларда, ота-оналарнинг пул топиш, оилани моддий таъминлаш билан банд бўлиб, бола тарбиясига, унинг бўш вақтига сусткашлик билан қараши оддий ҳол бўлиб қолмоқда. Бугун ишчи аёлларнинг умумий иш вақти 7 соат 57 дақиқага, ишга бориб келиш, танаффус ва тушлик эса 1 соату 38 дақиқага тенг. Турмуш учун зарур буюмларни сотиб олишга улар иш кунларида 46 дақиқа, дам олиш кунларида эса 1 соат 13 дақиқа вақтини сарфлайди. Уйкуга кетган 8 соатдан бошқа юқоридаги сарфланган вақтларни ҳисоблаганда, аёлларнинг 2 соату 24 дақиқа вақти бўш қолар экан. Бу бўш вақтининг 18 дақиқаси китоб ўқиш учун ажратилади. Болалар тарбиясига ишчи аёллар 17 дақиқа, телевизор кўрсатуви ва радио эшиш учун 1 соат 9 дақиқа вақт сарфлаши кузатилади. Шуниси қизиқки, кўпгина аёллар шу вақтда яна бичиш, тикиш ва овқат тайёрлаш билан машғул бўлар экан. Аёллар малакаларини ошириш учун 7 дақиқа, меҳмон кутиш ва меҳмонга бориш, кинотеатрларга тушиш учун 8 дақиқа вақт ажрата олар экан. Аёлларнинг бир ҳафталик бўш вақти 2,5 соатни ташкил қилар экан. Баъзи ҳолларда ота оналар фарзанларини кимларгадир қолдириб чет элларда пул топиш учун кетиши ва бола тарбияси назоратдан четда қолиши бу катта ноҳуш ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Айникса, XX асрнинг охири - XXI асрнинг бошларида дунё халқларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётда, шупингдек, табиатда юз бераётган глобал узгаришлар бугунги жамиятни “Ахборотлашган жамият” деб аташга асос бўлмоқда. Бу саволга узбек тилида нашр этилган адабиётларда: “Ахборотлашган жамият — ижтимоий иқтисодий ривожланиш, энг аввало, ахборотни ишлаб чиқариш, унга “ишлов бериш”, саклаш ва жамият аъзоларига етказиш билан боғлиқ буладиган жамият” “ахборотлашган жамият, ижтимоий-иқтисодий йуналишда меҳнат килувчиларнинг, фан ва мадания вакилларининг ахборот, айникса, унинг олий шакли бўлмиш, дунёвий билимлар мажмуини шакллантириш, яратиш, саклаш, қайта ишлаш ва халқаро бозорда сотишни амалга ошириш билан машғул бўлган жамиятдир”. “Ахборотлашган жамият — қупчиллик ишловчиларнинг ахборот, айникса,

унинг олий шакли булмиш билимларни ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни амалга ошириш билан боғлиқ булган жамиятдир” - деган таърифлар берилган. **Ахборотлашган** жамиятни ижтимоий феномен тарзда тушунтириб бериш масалалари Д.Белл, А.Тоффлер, М. Кастельс, У.Ростоу, П.Дракер, Ж.Гелбрейт, Ф.Уэбстер, И.Масуда каби олимларнинг асарларида муфассал баён килинган. «Ахборотлашган жамият» атамаси дастлаб Японияда вужудга келган. Япон файласуф олими Ю .Хаяши 1969 йилда Япония ҳукумати га “Япония ахборотлашган жамият бардамлиги сиёсатига чизгилар”, [16] 1971 йили “Ахборотлашган жамият режаси” каби тадқиқотларни тақдим этди. 1971 йилдан бошлаб мазкур тушунча илмий жамоатчилик томонидан кенг қулланила бошлади. Демак, ахборотлашган жамият тушунчасини биринчи бўлиб фанга Токио технологик университетининг профессори Ю .Хаяши киритган. Унинг фикрича, моддий маҳсулот эмас, ахборотлашув маҳсулоти жамиятнинг шакллантирувчи ва ривожлантирувчи кучига айланади. Тўғри, ахборотлашган жамиятнинг моҳият-мазмунини ҳақида олимлар томонидан турли хил қарашлар, гоялар, назариялар илгари сурилган. Шулар ичида М.Кастельснинг фикри диққатга сазовордир. Унингча, **Ахборотлашган жамият моҳиятини бир-бирига боғлиқ қуйидаги жараёнлар белгилайди: ахборот ва билимлар ижтимоий-иқтисодий, технологик ва маданий ривожланишнинг ҳақиқий узак қудратига, унинг қимматли манбаига айланади; ишлаб чиқариш омили булмиш хомашё, меҳнат, маблағ ресурсларига тенглаштирилган ахборот ва билим бозорлари шакллана бошлайди; ахборот етказиб бериш ва ундан фойдаланишни таъминловчи соҳалар аҳамияти шиддатли тарзда оша боради.** [17]

Бугунги кун тараққиётини жаҳон ахборот тармоғи-интернетсиз тасаввур қилиш мушкул. Интернет-ахборот ва ҳужжатларнинг ўзаро алмашинишини таъминлайдиган компьютер тармоқларини бирлаштирган халқаро тизимдир.

Инсоният глобаллашув ва ахборотлаштириш деб аталган янгича алоқа ва ҳамкорлик тизимлари йулга қуйилган ва тобора жадал суръатларда кенгайиб

бораётган тараккиёт боскичига чикди. Натижада “глобаллашув” ва “ахборотлашув” тушунчалари факат иктисодий ҳаётни эмас, балки ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий ва бошқа деярли барча соҳалардаги умуминсоний жараёнларни камраб олувчи тушунчага айланди. Глобаллашув инсоният тарихи ва тараккиётидаги объектив зарурият булиб, уни четлаб утиш мумкин эмас, у халқларнинг, давлатларнинг, миллий маданият ва иктисодиётларининг яқинлашувини тезлаштиради. Уларнинг ривожланиши учун янги имкониятлар яратади, шунинг учун ҳам фуқаролик жамияти даврида ахборот коммуникациялар тизимидаги глобаллашув тобора илгарилаб бораётган ижтимоий воқелиқдир. Глобаллашув туфайли одамлар бир лахзада узини кизиктирадиган ахборотни дархол олиш, унга эғалик қилиш имкониятига эга. Интернет ва ундан фойдаланшнинг ижобий ва салбий томонлари. Мафкуравий гегемонликка интилаётган кучлар ахборот технология коммуникациялар, жумладан интернет орқали мамлакатимизга мафкуравий хуружларларни амалга оширмоқда. Ижтимоий тармоқнинг мақсади интернетда узаро кизиқишлар ёки фаолиятга эга шахслар билан мулоқот қуришдан иборат. Фойдаланувчиларининг сони буйича ҳозирда Facebook ижтимоий тармоғи 500 000000 фойдаланувчиси билан етакчилик қилмоқда. Ундан кейинги уринларда MySpace (255000000 фойдаланувчи), Одноклассники (205000000 ортиқ), Twitter (200000000 фойдаланувчи), Windows Live Spaces (120 000 000 фойдаланувчи) ижтимоий тармоқларни келтириш мумкин. Аммо ҳамма нарсанинг яхши ва ёмони бўлганидек, бу қулайликлар билан бирга интернетдан самарали ва мақсадли фойдаланувчилардан ташқари ундан вақтни бекорга ўтказиш, турли қўнғилочар ҳамда беҳаё сайтлардан фойдаланувчилар ҳам қўпайиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби интернетдан фойдаланувчиларнинг, айниқса, ёшларнинг тизимдан мақсадли фойдаланиш қўнғилмалари ва маданиятини тулиқ шаклланмаганлиги деб айтиш мумкин. Эътибор бериб, келтирилган веб саҳифалар таҳдиди қўйидаги салбий қўнғилликлар: фойдаланувчиларнинг айримлари ўз номлари билан рўйхатдан ўтказмаслиги; номқўнғил фото

суръатлар куйиши; узаро мулокатларда хурматсизлик килиши; бемаъни гаплар ёзиши, баъзан нотугри маълумотлардан фойдаланиши; сахифалар ижтимоий булишига карамасдан сиёсий мулокатлар урнатиши каби ҳолатларнинг учраб туришини курсатмокда. Интернет кириб келмасдан олдин ҳам инсонларнинг онги ва калбини эгаллаш ва улардан фойдаланиш ҳаракатлари кучая бошлаганди. 1974 й. Жонс культ куринишдаги ташкилот бўлган халқ ибодатхонасини Гайанага – кичикроқ лотин америкаси мамлакатига кўчирди. Секта СанФранцисколик мингдан зиёд камбағалларни ўз сафига жалб қилди. АҚШ конгресси текширув-лари олдидан секта аъзолари устидан ўзининг психотеррорини яшириш мақсадида Жонс товламачилик, ишонтириш ва бошқа таъсир усулларида фойдаланиб издошларига ўз ихтиёрлари билан заҳар (хушбўйлаштирилган земляника эссенцияси) ичишга «изн берди». 910 нафардан зиёд киши хотиржам заҳар ичдилар ва ҳаётдан кўз юмдилар. Шунингдек, Тижорат ДКТлари ҳам мавжуд бўлиб, унинг аъзолари манипулятив психология услубларини ишлатган ҳолда инсонларни чалғитиб, бойликка интилишишади. Тижорат ДКТлар фаолият кўрсатаётган мамлакатларидаги иқтисодиётга катта иқтисодий зарар етказади. Масалан, Ўзбекистонда фаолият олиб борган «Quest.net» компанияси бир ярим йил ичида замонавий психотехнологиялардан фойдаланиб ўз сафига 25 мингдан зиёд ёшларни жалб қилди, уларга психоэмоционал, маънавий ва моддий зарар етказди. Давлатга етказилган зарар 20 млрд. сўм баҳоланди. Хулоса қилиб айтганда барча ДКТлар маънавий-ахлоқий барқарорлик, инсоннинг психоэмоционал ва ижтимоий-моддий ҳолатига вайронкор таъсир кўрсатади. Улар ўз жиноий фаолиятларини таълим, моддий таъминланганлик, соғлиқни сақлаш, диншунослик ва фалсафа соҳаларидаги хайрли мақсадлар ортига яширишга уринадилар.

Интернет кенг имкониятлар эшигини очди. Уйдан кўчага чиқмай туриб глобал тармоқ орқали дунё кутубхоналари бўйлаб сайр қилиб, курраи заминнинг нариги чеккасида жойлашган олий таълим муассасасининг масофавий (виртуал) талабаси бўлиш, ҳатто электрон хизматларни (матнларни

таржима қилиш, видео ва аудиоматериалларни тайёрлаб бериш, китоб ва рисолаларни саҳифалаш ва ҳоказо) шартнома орқали бажариш, пул ишлаб топиш мумкин. Хуллас, интернетнинг ижобий жиҳатлари бисёр.

Ижтимоий тармоқлар ёки мессенжерларнинг, Онлайн конференциялар ўтказиш, онлайн малака ошириш, яқинлар ва таниш-билишлар билан тез, арзон видео ёки аудиоматериал қилиш.

Мана шу жиҳатлари билан интернет кейинги пайтларда жозибадорликда телевидение, радио ва бошқа ахборот воситаларини ортида қолдирмоқда.

Лекин интернет кўплаб фойдали жиҳатлари билан бирга **салбий оқибатларини** ҳам намойён қилмоқда. Аҳолида айниқса ёшларда ахборот истеъмоли маданиятининг сустлиги, турли хабарлар оқимидан кераклигини ажратиб олишда билим, малака ва кўникманинг етишмаслиги баъзиларнинг ғаразли кимса ва оқимлар таъсирига тушиб қолишларига, интернет қарамлиги касаллигига йўлиқишларига сабаб бўлмоқда. Хитой Халқ Республикасида интернетга қарамлик касаллик сифатида эътироф этилиб, уни **даволовчи махсус шифохоналар ташкил** этилгани сўзимизнинг исботидир.

Ҳозирги кунда Америка тиббиёт уюшмаси видеоўйинларга берилиб кетишни ҳам расман ақлий заифлик касалликлари қаторига киритиш арафасида. Шифокорларнинг фикрича, бу касаллик кунига икки соатдан ортиқ ўйин ўйнайдиган ҳар қандай киши саломатлигига хавф солади. Бу интернетдан кўнгилхушлик излайдиганларга ҳам тегишли албатта. Компьютер ўйинларининг керагидан ортиқ машҳур бўлиб, оммалашиб кетгани ва ёшларга салбий таъсири тиббиётчиларни кўпдан бери ташвишга солиб келаётган муаммолардан биридир. Ҳозир дунёдаги жуда кўп минтақалар, жумладан, Европа мамлакатларида интернетга қўллик ҳасталигини даволайдиган махсус шифохоналар кўпаймоқда.

Маълум қилинишига кўра, тадқиқотчи Ҳилмий Хидир Сорий “интернет орқали боғланишнинг ижтимоий муносабатларга таъсири” мавзуида 471 киши ўртасида ўтказган сўровлар натижаларига кўра, интернетга мутелик оқибатида

ижтимоий ва руҳий ёлғизлик муаммоси кўпаяётгани аниқланган. Саросима, тушкунлик, хавотир, фарзандларнинг интернет билан машғуллиги сабабли ёш оилалардаги келишмовчиликлар, ёшларнинг оила аъзолари билан алоқалари беқарорлашуви ушбу муаммонинг асосий аломатлари сифатида кўрсатилмоқда. Бунга Айдарбек Тулеповнинг “Интернетдаги тахдидлардан ҳимоя” асарида келтирилган воқияни мисол қилиб келтириш мумкин.

Жанубий Кореяда ҳарбий-стратегик ўйинлар қулига айланган 28 ёшли йигит оламдан ўтади. Маълум қилинишига кўра, у уч кун давомида ўйинхонадан чиқмаган экан. Фақат ҳожатхонага чиқиш ва гоҳида озгина мизғиб олиш учун ўйин столидан нари кетган, холос. Бунгача ўғли неча кундан буён бедарак кетганидан хавотирга тушган она ёрдам сўраб, боласининг собиқ ҳаскасбларига мурожаат қилади. Ўғил ўйинларга берилиб кетгани оқибатида бир ой олдин ишдан ҳайдалган эди. Собиқ ҳамкасблар “ўйин бандаси”ни жуда осон топишади. У яқин орадаги ўйинхонада эди. Ўйинлар қули дарҳол уйига етиб бориши кераклиги ҳақидаги илтимосларга: “Ўйиннинг шу босқичини охирига етказиб қўяй, албатта бораман”, - деб жавоб беради. Бироқ бу гапидан бир неча дақиқа ўтиб, у юрак хуружидан ўлади. Ташхисга кўра, юрак хуружи қаттиқ чарчоқ ҳолатининг ҳаддан ортиқ чўзилиб кетиши сабаб юзага келган эди.

Компьютерда соатлаб, кунлаб ўтириб, турли вертуал кўштирноқ ичидаги мукофотчаларни, ютуқларни “қўлга киритган” киши учун улар чинакамига қимматли маъно касб эта бошлайди. Мана шундай балл ва ютуқлар “содиқ” ўйинчилар орасида сотилади, харид қилинади. Бундай ишга эса аямай пул сарфланади. Масалан, “Project Entropia” ўйинига муккасидан кетган австралиялик Дэвид Стор исмли талаба 35 минг АҚШ доллари эвазига вертуал орол сотиб олади. Бу оролда эски қалъа, бир қанча чўмилиш ва турли махлуқларни овлаш учун махсус жойлар мавжуд. Лекин бу жойлар фақат тасаввурда, компьютер экранидагина, холос.

Жуда кўп ўйинлар одамларни, ҳайвонларни шафқатсизларча ўлдириш, қон тўкиш сахналари асосига қурилган. Бундай аянчли лавҳалар нафақат ёшларнинг, ҳатто ёши катталарнинг онгига ҳам жуда кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. “GTA”, “Снайпир”, “Қотил” ва бошқа ана шулар каби ўйинларга берилганларнинг баъзилари кейинчалик ҳақиқий қотилларга айланишгани фикримизга яққол далил бўлади.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали тез-тез эшитиб қоламиз: Ғарб мамлакатларида мактаб ўқувчилари, ўсмир йигит-қизлар ўз ота-оналари, ўқитувчилари, тенгдошлари ўлимига сабаб бўлишмоқда. Бундай даҳшатли воқеалар Ғарб болаларига вертуал олам бераётган **“тарбия”**нинг заҳарли меваси экани аччиқ ҳақиқатдир.

Компьютер ўйинлари каби беҳуда ва талофатли ишларга шўнғишни Ислом дини қоралайди. Чунки бунинг натижасида боланинг имон-эътиқоди заифлашиб, шайтоннинг қулига айланади ва унинг найранглари бўйича иш қилади. Оқибатда ўзи ҳам ҳалок бўлади. Шунинг учун ёшларнинг имон-эътиқоди, иродаси мустаҳкам бўлса, турли бемаъни ишларга чалғимайди. Аммо компьютер ва интернет тутқунига айланган инсон бутун умрини тубанликка сарфлайди. Гўёки яратилишдан мақсад йўқдек. Ахир Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг: **“Ёки сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни беҳуда яратдиг-у, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизми?!”** (Муъминун, 115), - деган ояти шунчаки дунёга келтирилмаганимизни айтиб турибди. Шундай экан, бу ҳақда тафаккур қилиб, ақл юритишимиз лозим.

Глобал тармоқ натижасида юзага келган энг катта муаммо, бу, албатта, қарамлик, тобелик касаллигидир. Ёшларнинг кўп вақтини интернетда ўтказишлари глобал муаммога айланиб улгурган. Бола қунига биттадан ур-йикит, фахш, зўравонлик, уруш манзарасидан таъсирланган тақдирда ҳам то 14 ёшга тўлгунча камида 4000 та даҳшатли кадрни кўриши мумкин.

Умуман, интернетга қарамликнинг энг оғир жиҳати реал оламни, инсонийлик бурчи ва вазифаларини унутишдир. Инсон ҳақиқий ҳаётда яшаши, ҳалол

меҳнат қилиши, илм олиши, зиммасидаги вазифаларини сидқидилдан бажариши, элу юртига фидойилик билан хизмат қилиши, атрофдагиларга фойда келтириши зарур. Интернетда кўп вақтини ўтказадиган инсоннинг руҳиятида мавҳумлик ва ўз қобиғига ўралиб олиш ҳолати кузатилади. Бу эса уни келажакда **“учинчи кучлар”** томонидан **манқуртлашиши, зомбилаштирилиши** учун замин яратади. Бугунги кунда бузғунчи гуруҳлар ёшлар онгига таъсир қилишда асосан интернетдан фойдаланаётганлари бежиз эмас. Интернетнинг яна бир салбий жиҳати-кишилардаги худбинлик, манманлик, замонавий тилда ифода этганда, эгосентризм иллатининг кучайишига сабаб бўлишидир.

Бугунги дунё ёшлари-сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Бугун интернет маданияти, виртуал маданият, ахборот маданияти, маълумотлардан тўғри фойдаланиш маданияти каби тушунчалар ҳаётимиздан ўрин эгаллади. Ёшларда интернет оламида ўз ўрнини тўғри белгилаш ва фойдаланувчилар билан тўғри муомала қилишга ургатиш шарт. Интернетда гриффингдан ташқари ўсмир ёшлар учун яна бир қанча хавфлар ҳам бор. Яъни болалар ва интернет муаммоси тобора чуқурлашиб бораётган бир пайтда, экстремистик характердаги секта ва уюшмалар сайтларининг фойдаланишга очиклиги, виртуал фирибгарликка кенг йўл қўйилганини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Болаларнинг қизиқувчан табиати уларни юқорида тилга олинган турдаги сайтларга етаклаши, бу веб-саҳифаларда уларнинг руҳий ёки жисмоний соғлигига ҳавф солувчи маълумотларни кўришига олиб келиши табиий. Электрон почта манзиллари орқали олинган хабарлар кучли руҳий таъсир ўтказиб, болаларни интернет доирасида ва ундан ташқарида ҳам жиноятга ундаши кучайиб бормоқда.

Ҳозирда интернетда мавжуд салбий ва зарарли сайтлар, яъни ўз-ўзини ўлдириш – худкушликнинг осон йўллари тарғиб қилувчи сайтлар қарийб 10 мингга яқинлашганлиги, шундан зиёд террорчилик ва экстремистик сайтлар,

карийб беш минг эротик сайтлар ва шунга ўхшаш бир қанча тарбияга зид сайтлар кўпайганлигини кўришимиз мумкин.

Бугун мафкуравий хуружлар глобал интернет ва ОАВ орқали турли кўриниши ва йўналишларида намоён бўлмоқда. АҚШнинг собиқ Президенти Ж.Картер: “Тарғиботлар сарфланган 1 доллар курулганига сарфланган 10 доллардан самаралироқ”, – деб бежиз таъкидламаган. Ахборот урушида инсон онги, миллат руҳияти нишонга айланади. Бу урушда бинолар зарар кўрмаса-да одамлар ўлдирилмаса-да, моддий бўйликларга шикаст етмасада, унинг мафкуравий, маънавий, руҳий зарари бекиёсдир. [18]

Ислом Каримов сўзи билан айтганда, “агарки биз бундай хатарларга қарши ўз вақтида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасак, турли зарарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни гирдобига тортиб кетишини, оқибатда уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланиб қолиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Мана шу аччиқ ҳақиқатни юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар қайси ота-она, энг муҳими, ҳар қайси йигит-қиз чуқур англаб олишини истардим”.

Кучли мафкуравий таъсир воситаларига айланган интернет тизими бугун кўпгина ёшларни ўз домига тортмоқда. Глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда, унинг ёшлар маънавиятига мафкуравий таъсири, хавф-хатарлари тўғрисида ҳам сўз юритишга тўғри келади. Маълумотларга кўра, бугунги ёшларнинг 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида интернетга мурожаат қилишади. Интернетнинг қуйидаги салбий таъсирларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

- ёт, бузғунчи ғояларнинг кириб келиши (диний экстремизм, миллатчилик, ирқчилик мисолида);
- ғарб яшаш тарзига хос, лекин ўзбек минталитетига зид ғоялар, қарашларнинг ёшларга таъсири (кийиниш, чекиш, татуировкалар ва хоказо);

- порнографик ахборотлар ва текширилмаган ахборотлар (фитна, уйдирма, бўҳтонлар)нинг тарқалаётганлиги вояга етаётган ёш авлоднинг тарбиясига, хулқ-одобига зарар етказиши табиий.

Кўз ўнгимизда фарзандларимиз кутубхонага эмас, балки, интернет кафеларга бормоқдалар, бир четда чанг босиб ётган мумтоз куй-қўшиқлар ёзилган граммапластинкани эмас, кичкина уяли алоқа телефонида махсус мослама орқали замонавий эстрада ва яллаларни тингламоқда. Уяли алоқа компанияларининг арзон бонуслари сабабли эндиликда ўсмирлар қўл телефонлари орқали интернет сайтларига кирмоқдалар. Бугун нафақат кичкина фарзандларимизнинг, балки ўсмирларнинг ҳам тарбия жараёни мураккаб бир ҳолатдадир. Интернет сайтларидаги маҳсулотларни танқид қилиш осон. Уларга муқобил миллий, болалар ва ўсмирларга мос, уларнинг қизиқиш оламларига хос маҳсулотларни биз ҳам ишлаб чиқарсак бўлади. Бугун агар фарзандингиз китоб ўқимаса, расмни китоб келтирсангиз ва тушунтирсангизки, шу расмдаги воқеани китобга ёзган, десангиз, у албатта ўқийди. Худди шу нарсани компьютер оламига кўчирсангиз, у шубҳасиз бошқа чалғитувчи сайтларга кирмайди. Чунки, одатда бирор нимани тақиқлашдан аввал унга муқобил бошқа яхши нарса таклиф қилинади.

Президентимиз сўзлари билан айтганда, “Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмақда.

АҚШнинг таниқли сиёсатшуноси Збигнев Бжезинский шундай ёзади:“...Маданият соҳасида Америка жаҳон ёшлари орасида алоҳида жозибадорлиги билан ажралиб туради. Бу эса АҚШга жаҳоннинг ҳеч бир давлатига насиб қилмаган сиёсий таъсирни таъминлайди. Айниқса, Американинг телевизион дастурлари ва фильмлари жаҳон бозорининг тўртдан уч қисмини эгаллайди. Унинг оммабоп мусиқаси, америкаликларнинг қизиқишлари, овқатланишларидаги одатлари ва ҳатто, кийинишларига бутун дунёда тақлид қиладилар.” [19] Бу борадаги тарғибот воситалари эса анчагина: реклама, матбуот, интернет, кино, телевидение ва бошқа шу

кабилар. Масалан, Интернетдаги ижтимоий тармоқларнинг ҳозирда энг йириги ҳисобланадиган “Фейсбук” (Facebook)да 850 миллионта профиллар – фойдаланувчиларнинг шахсий саҳифалари қайд этилган бўлиб, Буюк Британияда нашр этиладиган The Economist журнаlining маълумотларига кўра, у жаҳон мамлакатларининг аксариятида урф бўлган ҳамда унинг 2011 йилдаги соф даромади 1 миллиард АҚШ долларидан ортиб кетган. Компаниянинг бозордаги нархи 75-100 миллиард АҚШ долларигача баҳоланмоқда. 1 “Фейсбук” муаллифи ва раҳбари 27 ёшли Марк Цукерберг эса ҳозирда жаҳондаги энг ёш миллиардер ҳисобланади. Унинг ихтироси миллионлаб кишиларнинг “онлайн паспорти”га айланиб улгурди “Фейсбук” ижтимоий тармоғидан фойдаланувчилар сони бўйича (жорий йилнинг май ойи маълумотларига кўра 200000) Ўзбекистон дунёда 134 ўринда турар экан.

АҚШ 155 892 160 (1)

Ҳиндистон 45 019 840 (2)

Россия 6 017 100 (29)

Қозоғистон 452 200 (100)

Афғонистон 257 440 (115)

Қирғизистон 75 340 (154)

Тожикистан 34 600 (170)

Туркманистон 5 860 (205)

-ахборотга эга бўлиш имконияти;

- таълим олиш имконияти;

- мулоқот имконияти;

- ўз-ўзини ифода этиш имконияти;

- ижодий ривожланиш;

- иш топиш имконияти;

-1 ижтимоийлашув ва б. интернетнинг ижобий жиҳатлари бўлса,

- порнография;

-депрессив ёшлар оқими;

- наркотиклар;
- танишувлар сайти, алдов, ишончсизлик;
- секталар; - экстремизм, ирқчилик, фашизм ва бошқаларни унинг салбий жиҳатларига киритиш мумкин

Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очик ва эркин демократик жамият куриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Ёшларнинг келажақдаги тақдири ва истиқболи ҳақида ўйлар эканмиз, интернетнинг моҳияти унинг тараққиёти, инсоният ҳаётига таъсир ўтказиш омилларини, ахборот хавфсизлиги муаммоларини чуқурроқ ўрганишни, ноҳолис ахборотларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришни тақазо этади.

Бугунги кунга келиб дунё аҳолисининг деярли 35% (2 миллиард 400 миллиондан ортиқ) қисми интернетга уланиш имконига эга. Мутахассислар томонидан 2020 йилга бориб бу курсаткич 50% ни ташкил этиши айтиб утилмоқда. Мутахассисларнинг тадқиқотлари натижасига қура ҳозирда интернет тармоғидаги маълумотларнинг 70-75 % и инсон учун зарар келтирувчи гоёлар ҳисобланади Мутахассислар утказган махсус тадқиқотлар натижаларига қура, барча мавжуд сайтларнинг, тахминан, 12 фоизи парнографик хусусиятларга эга, 44,0% зуравонлик ва ёвузлик куринишига, 41,0% жангари, турли отишмалар ва портлашларга асосланган мавзуга бағишланган. Шунингдек, бугунги кунда, инсонийликка бутунлай зид, ёвузликка асосланган шайтоний секталар фаолияти ҳам жадаллашмоқда. Шундай экан, узбек халқини танлаган йулидан чалғитиш учун интернет орқали қилинаётган мафкуравий хуружларни қуйидагича таснифлаш мумкин. Биринчидан, жамиятимиз аъзоларининг онги ва тафаккурига таъсир қилишга

каратилган хуружлар. Маълумки, халкимизнинг асрлар давомида шаклланиб келаётган миллий онги ва дунёкарашида ҳамда хулк-атвор нормаларида ота-онага, узи яшаётган маҳалла жамоасига, катга ёшдаги кишиларга чуқур ҳурмат билан қараш, муайян воқеа ва ҳодисаларга босиклик, мулоҳаза ва андиша билан муносабатда бўлиш, жамоа фикрига нисбатан алоҳида эҳтиром қурсатиш каби ҳислатлар устуворлик қилади. Қолаверса, айнан мана шу қадриятлар ҷамиятимиз маънавиятининг тамал тошини ташкил қилади. Бундай вазиятни яхши урганган ғанимларимиз бизга қарши маънавий хуружларни амалга оширишда халкимизнинг мана шундай улутвор қадриятларига мутлақо тесқари ва бегона бўлган, асосан, “индивидуализм”, “эгоизм”, “космополитизм”, “зуравонлик”, “диний мутаассиблик” ғояларини иложи борича қиройли ниқобларга ураб, ҷамиятимизга олиб қиришга уринмокда. Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, ҷамиятимиздаги бунёдқорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора қучга қираётган давлатимизни ағдариш, танлаган йулимиздан қайтаришдир. Одамларимизнинг юрагига ваҳима ва қурқув солиш ҳисобидан уларнинг эртанги қунга бўлган ишонқини йуқотиш, бир-бирига қарши қуйиш, юртимизда, минтақамизда ўз манфаати, ўз сиёсатини утқазидан иборат”. Иккинчидан, миллий урф-одатларимизга бўлаётган хуружлар. Маълумки, халкимизда ўзига ҳос миллий одатлар, анъаналар шаклланган. Жамоа бўлиб яшаш, қариндош-уруғларга меҳрибонлик, туй ва маърақалар, байрамлар, тарбия масалаларида, ҳашарларда ижтимоий ҳамқорликнинг бошқаларда ўчрамайдиган ўзига ҳос юқори даражасининг намоён бўлиши шулар жумласидан. Халкимизнинг бу урф-одатлари асрлар давомида ҷамият мустаҳкамлигининг асоси бўлиб хизмат қилиб келмокда. Миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизнинг мамлақатимиз таракқиёти ўчун нақадар улқан аҳамиятини сезган таҳдидқилар бу борада ҳам муайян хуружларни амалга оширмокда. Шу мақсадга эришиш ўчун улар глобал алоқа тизимлари ва бошқа воситалар орқали маънавий қашшоқликка, тарқидунёқиликка, одамларга нисбатан оқибатсизлик ва шафқатсизликка олиб

келувчи гоёларни ҳамда урф-одат нормаларини зур бериб тарғиб қилмоқда. Булар орасида, айниқса, одамовилик, ота-онага нисбатан беписанд қараш, шахсий ҳаётни улуғлаш каби гоё ва қарашлар устуворлик қилмоқда. Учипчидан, миллий маданиятимизга бўлаётган ҳуружлар. Сир эмаски, халқимизнинг миллий маданияти узининг қадимийлиги, бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Марказий Осиё тарихида ақд-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билим қонлиқни узида муҷассам этган алломалар қуп бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ал-Ҳоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур ва бошқа қуплаб буюқ аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улқан ҳисса қушдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номи, жаҳон цивилизацияси таракқиётига қушган буюқ ҳиссаси ҳозирги қунда бутун дунёга маълум. Маънавий-мафқуравий ҳуруж уюштираётган қушлар жамятимиз аъзоларини миллий маданий бойлиқлар ва имқониятлардан беғоналаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Шу сабабли Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 19 мартда Ёшларга аътиборни қушайтириш, **Бўш вақтдан** тўғри ташқил этиш учун, ёш авлоқни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга қенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш қўниқмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида қитобхонлиқни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишлари янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илғари суриб, 3 апрелда ушбу ташаббусни амалиётга жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтқазилиб, ҳар бир ташаббус бўйича чора-тадбирлар дастурлари лойиҳалари ишлаб чиқилди.[20] Ҳудудларда 5 та муҳим ташаббус бўйича қенг қўламли ишлар амалга оширилиб, айниқса қитобхонлиқ бўйича қўрик танловларнинг ўтқазилиши (Олий ўрин учун автомобиль муқофоти ва қолган ўринларга пул муқофоти ҳамда қитоблар совғаси) ва оммавий ахборот воситаларида ёритиб

борилиши натижасида ёшларнинг китобни ўқишга бўлган қизиқиши ортаётганилигини кўриш мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев Анқарада Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Халқ кутубхонасининг очилиш маросимида шундай таъкидлади: **“Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай енгилмас куч манбаи эса аввало инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти – китоб ва кутубхоналарда”**. [21]

Ҳозирги босқичда таълим давлат сиёсатидаги энг муҳим йўналишлардан бирига айланди. Унинг мамлакат равнақида тутган ўрнини тан олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Сўнгги йилларда мамлакат таълим соҳасида сезиларли ютуқларга эришди. Бу ютуқлар тизимни модернизация қилиш, таълим сифатини яхшилаш ва кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, шунингдек, давлатнинг барча фуқаролари учун таълим олиш имкониятини кенгайтиришга қаратилган.

Шу билан бирга, китоб ўқишни тарғиб қилиш ва аҳолининг китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, 2017 йил 13 сентябрда қабул қилинган Президентнинг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида аҳолини самарали ахборот-кутубхона хизмати билан таъминлаш тизимини яратиш бўйича аниқ мақсадлар белгиланган бўлиб, бу соҳани янги ривожланиш босқичига ўтишига хизмат қилди ҳамда ижтимоий-ахборот маданияти даражасини юксалишида кутубхоналарнинг ролини кучайтирди, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширувчи замонавий инновацион ва таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини берди.

Бундан ташқари, Президентнинг 2019 йил 7 июндаги “�збекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлиб, унинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш бўйича аҳолининг ижтимоий кафолатларини сифатли таъминлаш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;
- замонавий талаблардан келиб чиқиб ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш;
- ҳудудларда аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг барқарор ривожланишига кўмаклашиш;
- ахборот-кутубхона муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;
- кутубхона соҳасида давлат-хусусий шерикликни, хусусий ва электрон кутубхоналар тармоғини ривожлантириш;
- кутубхоналар ишининг самарадорлигини ошириш ва фойдаланувчиларга тезкор хизмат кўрсатиш (шу жумладан пуллик хизматлар) учун электрон китоблар тарқатишга ихтисослашган интернет-ресурслар билан ҳамкорликни кенгайтириш;
- ахборот-кутубхона муассасаларининг хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот-кутубхона фондларини миллий ва жаҳон маданий мероси сифатида сақлаш;
- жамиятнинг ахборот маданиятини шакллантириш ва ошириш, миллий тарих ва маданиятга барқарор қизиқиш уйғотиш, китобхонлик маданиятини ошириш ва тарғиб қилиш;

- ахборот-кутубхона муассасаларини малакали мутахассислар билан тўлдириш.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши мамлакатда хизматлар кўламини кенгайтириб, электрон ресурсларга кириш ва маданий-тарбиявий тадбирлар ўтказиш, шунингдек, ходимларнинг малакасини ошириш ва фойдаланувчиларга замонавий хизмат кўрсатиш усуллари жорий этишни ўз ичига олади. Бундан ташқари, бу ўзгаришлар ахборот жамиятини ривожлантириш ва таълим ҳамда маданиятга сармоя киритиш орқали иқтисодий ўсишга ёрдам бериш билан бирга, саводли ва маълумотли жамиятни шакллантиришга ёрдам беради, бу эса мамлакат ривожига муҳим қадамдир. 2020 йил 14 декабрдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2020-2025 йилларга мўлжалланган китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури тасдиқланди. Ушбу дастур аҳолининг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига мос келадиган сифатли китоблар нашр этиш; нашриётлар ва рассомлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, болалар адабиётини нашр этиш; маҳаллий ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилиш; китоблар савдосини ташкил этишни соддалаштириш; янги нашр қилинаётган китобларни етказиб бериш тизимини такомиллаштириш ва ахборот манбаларини тарқатиш; халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, хорижий асарларни онлайн буюртма қилиш, уларни етказиб бериш ва тарқатишни ўз ичига олади. Ўз навбатида, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналарини оммалаштиришга, аҳолида китоб ўқишга бўлган муҳаббатни уйғотиш ва барча учун кутубхона ва ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида асосий мақсадлар сифатида ёш китобсеварлар сонини беш миллионга етказиш, ҳар йили 100 та бадиий асар ва болалар ҳамда ўсмирлар учун 50 та китоб яратиш, “Ўзбек адабиёти хазинасидан” кўп жилдлик ва “Жаҳон болалар адабиёти дурдоналари” 100

жилдлигини ўзбек тилида нашр этиш ҳамда қарийб 40 миллионга яқин китоб фондини рақамлаштириш белгиланган. [22]

2023 йил 28 ноябрда Президентнинг “Ёшлар учун минг китоб” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори имзоланди, бу лойиҳа ёш авлоднинг интеллектуал ва илмий салоҳиятини оширишга кўмаклашувчи жаҳонда машҳур китобларни ўзбек тилига таржима қилиш тизимини яратишга қаратилган.

“Ёшларни китоб ўқишга бўлган қизиқишини кучайтиришга, уларнинг китоб билан дўст бўлишга, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим”-Ш.Мирзиёев. [23]

Ҳар бир инсон дастлабки тарбияни, яъни маънавий озукани оилада ота-онадан олади. Кейин эса мактабга боради. Жамоада ўзини қандай тутишни ўрганади. Маънавий озукани олишнинг, чин инсон бўлиб етишишнинг бирдан бир йўли бу китоб мутолааси ҳисобланади. Инсон камолоти ва билимининг манбаи китоб билан боғлиқ. У инсонни комиллик сари етаклайди. Дарҳақиқат, бу маънавий сарчашма фарзандларимизнинг дунёқарашини бойитади, нутқини ўстириб, хотирасини мустаҳкамлайди.

Китоб маслаҳатчи, садоқатли ҳамроҳ, энг яқин дўст ва бебаҳо бойлик ҳисобланади. Бола тарбиясида унинг ўрни муҳим. Миллатнинг маънавий-руҳий дунёсини китобга муносабати, китобхонлик даражасига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган аجدодларимиз эришган бетакрор ютуқларнинг сабаби ҳам китоб мутолаасидир. Шу боис юртимизда аҳолининг китобхонлик маданиятини юксалтириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойишида белгилаб берилган вазифалар ўзининг долзарблиги билан муҳим аҳамият касб этади. Чунки китоб мутолааси

ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш, китоб сотишга ихтисослашган корхоналар томонидан таълим муассасалари, кутубхоналар ва маҳаллаларда янги китоблар тақдимотини ўтказиш, мутолаа маданиятини ошириш, шу жумладан, оммавий-ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот қилишга қаратилган таъсирчан фаолият олиб бориш орқали аҳолининг китобхонлик маданиятини юксалтириш бўйича тегишли вазифалар ва йўналишлар белгилаб берилди. Жумладан, Тошкент шаҳар «Билим» ахборот-кутубхона марказининг фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими мутахассислари томонидан “Кўчма кутубхона”, “Мобил кутубхона”, “Китоб чемадончасининг саёҳати” каби лойиҳалари доирасида “Бир соатдан оилавий китоб ўқиш”, “Мен китоб ўқишни севаман”, “Мен фарзандимга китоб совға қиламан”, “Биз оилавий ўқиймиз” каби акциялар ташкил этилган. Ушбу акцияларни ўтказиш доирасида оилада соғлом маънавий муҳит яратиш, ҳар бир оилада маънавий онг, ҳар томонлама етук камолга эга бўлган инсонларни тарбиялаш билан бирга имконияти чекланган инсонларни уйларига бориб, улар билан суҳбатлашиб, янги келган адабиётлар билан таништири жараёнида қизиқишларини инобатга олган ҳолда ўқиш учун китоблар тавсия этилади.

Маълумки, ўқувчилар қалбида юксак маънавиятни шакллантиришда китоб ва китобхонликнинг аҳамияти беқиёсдир. Китоб асрларни-асрларга, замонларни-замонларга, ришталарни-ришталарга уловчи восита. Шунинг учун ҳар бир инсон, ҳар бир китобхонда китоб ўқиш, ахборот олиш маданиятини янада ривожлантиришимиз керак. Китоб ўқиш маданияти жуда кенг тушунча ва мураккаб муаммо бўлиб, тахминан қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади:

- китоб танлаб олиш;
- китобни қандай ўқишни билиш;
- китоб ўқиганда нималарга эътибор бериш ва нималарни эсда сақлаб қолиш;

- керакли маълумотларни қаердан, қандай, қайси воситалардан фойдаланиб топиш;
- олинган билимни ёки хабарни қандай етказиб бериш;
- қайта ўқиш-китобхонлик кўникмасини шакллантириш;
- кутубхонада каталог ва картотекалар билан ишлай билиш;
- китобни тез ва секин ўқишни фарқлай олиш;
- китобни ўқиб, унинг фусункор оламига кира билиш;
- китобни мустақил ўқий билиш.

Демак, биз соҳа мутахассислари олдига ҳам юксак масъулият юклайди. Шунинг учун китобхонлар билан доимий равишда савол жавоблар, кўргазма олдида суҳбат ва энг асосийси ОАВ билан ҳамкорликда турли тадбирлар ташкил этиш орқали тарғибот ишларини янада таъсирчанлигини оширишимиз керак. Аҳоли, айниқса, ёшлар орасида бадий жихатдан юксак, интеллектуал савияни ўстиришга хизмат қиладиган китобларга бўлган талабни ўрганиш, шу жумладан, бадий, маърифий, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиришга доир адабиётларнинг умумий буюртма рўйхатини шакллантириш тизимини такомиллаштириш айти куннинг долзарб вазифаси ҳисобланиб, ёшлар ўртасида китобхонликни юксалтиришда энг таъсирчан омиллардандир.

Президентимизнинг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши айти вақтида қабул қилинган зарурий ҳужжат бўлдики, унда белгиланган вазифаларнинг бандма-банд бажарилиши жамиятимиз маънавий-маърифий ҳаётида туб бурилиш ясади дейишимизга тўла асос бера олади. Матбуот ва ахборот ҳамда ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги ягона

давлат сиёсатини юритувчи ваколатли давлат органини белгиланганлиги, бутун мамлакат бўйлаб нашр этилаётган китобларнинг (*электрон шакли билан биргаликда*) ўз вақтида китобхонларга етказиб берилишини таъминлаш билан бирга мамлакатимиз аҳолиси ва айниқса ёшларимиз орасида китоб мутолааси ва китобхонлик даражасининг янада ортишига мустахкам ҳуқуқий замин яратди.


Китоб мутолааси глобал ахборотлашув шароитида мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Китобхонликка қизиқиш юқори бўлган юртларда жамият ҳаётининг деярли барча соҳалари тараққий этганлигини кузатиш мумкин. Дунёнинг илғор мамлакатлари тараққиёти ўзагида илмий, фалсафий, бадий китоблар турганига шубҳа йўқ. Ривожланган мамлакатларнинг бирор фуқароси бугун ҳам китобини қўлидан қўйган эмас [1]. Масалан, сўнгги йилларда китоб мутолааси бўйича кўрсаткичи юқори бўлган Японияни Иккинчи жаҳон урушидан кейин қандай оғир аҳволга тушиб қолганлигини ҳаммамиз яхши биламиз. 1950 йиллар бошидан Япония иқтисодиёти тез суръатлар билан ривожланди. 1960 йилларнинг охирига келиб, “япон мўъжизаси” атамаси пайдо бўлди ва у ялпи миллий маҳсулот ва саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича капиталистик дунёда 2-ўринга чиқди. 1990 йилларда Япония жаҳон миқёсидаги энг катта сармоядор давлатга айланди [2]. Ёки Жанубий Кореяни олайлик. Иқтисодиёти жўшқин ривожланаётган индустриал аграр мамлакат. Кейинги 30 йил мобайнида иқтисодий ўсиш суръати жиҳатидан дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келади. Миллий маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 43 минг доллардан ортди. Юксак технологияларга асосланган ҳамда экспортга маҳсулот тайёрловчи тармоқлар ва оғир саноат илдам ривожланди ҳамда дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторидан жой эгаллади [2]. Юқорида тилга олинган ўлкаларда ерости бойликлари, табиий хомашё

манбалари, минерал ресурслари айтишга арзигулик даражада кўп эмас. Хўш, бу давлатлар ниманинг эвазига қисқа давр ичида ривожланишга эриша олди?

Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида сўнгги йилларда аҳолиси тез-тез газета, журнал ва турли адабий китоблар мутолааси билан шуғулланадиган мамлакатларни бугунги кунда ҳар соҳада ривожланган давлатлар билан қиёслаш орқали таҳлил қилишни мақсад қилиб олдик. НОП Ворлд Султуре Сcore (Халқаро маданиятни баҳолаш индекси) ташкилоти томонидан ҳар йили дунёда энг кўп китоб ўқийдиган аҳолисига эга давлатлар рейтинги маълум қилинади. Тадқиқот натижалари дунёнинг кўплаб мамлакатларида минглаб кишилар орасида турли мезонлар бўйича ўтказилган ижтимоий сўровнома натижасида аниқланади. Ушбу тадқиқот институти томонидан 2016 йилда аҳолининг бир ҳафтада неча соат китоб ўқишга вақт сарфлашига қараб рўйхат тузиб чиқилди. Статистик рўйхатда кучли йигирма етти давлатлар номи келтирилган бўлиб, унда Марказий Осиё мамлакатлари ўрин эгалламаган.

Тадқиқот натижаларига кўра, ҳиндистонликлар ҳафтасига 10,42 соатни китоб ўқишга сарфлаш билан 1-ўринни, таиландликлар 9,24 соат билан 2-ўринни ва хитойликлар 8 соат вақт кўрсаткичи билан 3-ўринни эгаллаб, аҳолиси энг кўп китоб ўқувчи давлатлар рейтингида пешқадам бўлганлар (1-илова)

2016 йилда аҳолиси энг куп мутоала килган давлатлар руйхати



2017 йилда ўтказилган сўровларда китобларни мунтазам равишда ўқийдиган мамлакатлар аҳолиси орасида хитойликлар яна пешқадам бўлдилар. 17 мамлакатда интернет фойдаланувчилари ўртасида ўтказилган сўров шуни кўрсатдики, хитойлик респондентларнинг 36 фоизи ҳар куни ёки кўп кунларда китоб

ўқишларини ва 34 фоизи ҳафтасига камида бир марта мутолаа билан шуғулланишларини ҳамда 16 фоизи бир ойда ҳеч бўлмаганда бир марта китоб ўқишларини билдирганлар (1-илова) [24].

U.S.News & World Репорт журнали 2020 йилги ҳисоботида дунёнинг энг яхши мамлакатлари рейтингини эълон қилди. Мазкур рейтинг usnews.com сайтида ҳисобот шаклида ҳамда рейтингга киритилган давлатларнинг асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлари билан келтирилган ҳолатда тақдим этилди.

Мамлакат бойлиги ва муваффақиятининг орқасида имкониятлар яратадиган иқтисодий ва ижтимоий сиёсат, атроф-муҳит ва истиқболни акллантирадиган куч ва тарихни ҳаракатга келтирадиган салоҳиятли инсонлар туради, деб ёзади ҳисобот муаллифлари.

Мазкур муаллифларнинг фикрига кўра, глобаллашув жараёни мамлакатларнинг ўз чегараларидан ташқарида уларнинг мавжудлигини ва аҳамиятини кенгайтирмоқда. 2020 йилги энг яхши мамлакатлар рейтинги қай тарзда глобал идрок этиш давлатларнинг бир қатор хусусиятларини баҳолашига, савдо-сотиқ, туризмнинг ривожланишига ҳамда инвестицияларни жалб қилишга бевосита таъсир кўрсатадиган мамлакат ҳақидаги таассуротларга асосланади ва ушбу рейтингда мамлакатлар тўққиз мезон бўйича баҳоланади .

Информациянинг бош функцияси мулоқот билан боғлиқдир, чунки «мулоқот ижтимоий-маданий борлиқнинг шахе маънавиятини шакллантирувчи энг муҳим қисмидир». Мулоқот жараёнида шахенинг ташқи оламни билиш, эмоционал-ақлий қобилиятларини рўёбга чиқариш, ўзида маънавий-руҳий куч тўплаш эҳтиёжлари қондирилади.

Ўзбек халқида мулоқот учун чойхонага бориш, маҳаллага чиқиш, гап-гаштакларда қатнашиш анъанаси бўлган. Ушбу мулоқот усулларига кейинги йилларда чойхона-клуб, ошхона-кафе, жўралар гурунги, аёллар (қизлар, гурунги маҳалла йиғини, оталар чойхонаси, қизлар давраси, оилалар йиғини

(у ёки бу тадбирни ўтказиш учун йиғилиб туриш) кабилар ҳам қўшилмоқда. У.Қорабаев гаштакларни «турли муаммолар ҳал этишга ёрдам берувчи ижтимоий уюшмадир»[25] деб ҳисоблайди. Шу билан бирга у «гаштаклар яхши хордиқ чиқаришга ёрдам беради. Гаштакдаги мулоқот, суҳбатлар туфайли унда иштирок этганларнинг дунёқараши бойийди. Даврадагилар ўз ижодий қобилиятларини намойиш қилиш, ривожлантириш имкониятига эга бўлади», деб кўрсатади. Демак, мулоқотни ранг-баранг ва сермазмун қилиш ўз навбатида бўш вақтдан унумли фойдаланишни таъминлайди.

Бўш вақтда физкультура ва спорт билан шуғулланиш анъанавий дам олиш усулларидан биридир. Қадимдан халқимизда байрам ва спорт мусобақалари бир-бирини тўлдириб келган дам олиш усуллари ҳисобланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда физкультура ва спортни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори, «Алпомиш», «Барчиной» нишонларининг таъсис этилиши, «Халқ спорт уйинлари» (1991, 1992, 1993, 1996 й.й. Фориж тумани), Миллий спорт ва халқ ўйинлари олимпиадалари (1994,1996 й.й.Фориж тумани), «Алпомиш» Республика олимпиада ўйинлари, «Тўмарис» чакқон қизлар миллий фестиваллари (1999 йил Жиззах, 2001 йил Шаҳрисабз)нинг уюштирилиши негизида ҳам аҳолининг бўш вақтидан унумли фойдаланган ҳолда соғлом авлодни вояга етказиш мақсади назарда тутилган. Бироқ ушбу вазифани тўла амалга ошириш борасида ютуқлардан кўра муаммолар кўпроқ. Расмий маълумотларга кўра, қишлоқлардаги 7 минг 694 мактабнинг 70 % ўз спорт залларига эга эмас. [26] Бундай ҳоллар барча вилоятларда кўзга ташланади. Мактаб ўқувчиларининг атиги бешдан бири у ёки бу даражада физкультура ва спорт билан шуғулланади. Умуман аҳолининг физкультура ва спорт билан шуғулланиши ҳафтасига бўш вақтнинг 30 минутидан ошган эмас. Катта ёшдаги аҳоли учун спорт иншоотлари қуриш, уларни физкультура ва спортга жалб этишнинг дастури йўқ. Шаҳарларда теннис спортлари қуриш «мода»га айланди, аммо улар бўш вақтни уюштириш анъанага айланмади. Шунинг учун

мутахассислар кишиларда, айниқса ёшлар ўртасида нофаол дам олиш (видик кўриш, кафедра ўтириш ва б.) усуллари кенгрок тарқалаётганини ёки улар кўпроқ пул топиш учун «олди-сотди»га берилиб кетаётганини нохуш ҳол сифатида қайд этадилар. Бу камчиликларнинг олдини олиш мақсадида утган бир ярим йилда соҳага оид 4 та Президент қарори, улар асосида Вазирлар Маҳкамасининг 20 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинди. Тошкент шаҳри туманларида Жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари ташкил этилди, – дейди А.Мурсакулов. – Бугунги кунда бошқармамиз тасарруфида Тошкент шаҳар олий спорт маҳорати мактаби, яккакураш, гимнастика, сув спорти, енгил атлетика ва спорт ўйинларига ихтисослаштирилган ҳамда 19 болалар-ўсмирлар спорт мактаби каби 24 давлат спорт-таълим муассасаси мавжуд. Улар тасарруфида эса 38 спорт иншооти фаолият юритади. Бундан ташқари, спорт машғулотларини ташкил этишда умумтаълим мактабларининг спорт залларидан ҳам унумли фойдаланилмоқда.

Бугунги кунда 1 минг 337 спорт секциясида 6-18 ёшдаги 15 минг 700 га яқин ўғил-қиз спорт билан шуғулланади.

– Бу ёшларнинг халқаро спорт мусобақаларида иштироки ҳақида ҳам тўхталсангиз.

– 2018 йилнинг 18 август – 3 сентябрь кунлари Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида ўтказилган XVIII ёзги Осиё ўйинларида Тошкент шаҳридан 21 спортчи 4 олтин, 12 кумуш ва 5 бронза, III Параосиё ўйинларида эса 9 спортчимиз 9 олтин, 3 кумуш ва 4 бронза медални қўлга киритди.

Ўтган йили 6-18 октябрь кунлари Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳрида ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган III Олимпия ўйинларида Тошкент шаҳридан 3 спортчи 1 кумуш ва 2 бронза медаль соҳиби бўлди. [27]

Жорий йилнинг 19-26 апрель кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ва аёллар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Тошкент шаҳар Яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Нодиржон Мирзааҳмедов фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Бу йил якунига қадар ёшларимизнинг яна 20

фоизини, катта ёшдаги аҳолимизнинг эса яна 30 фоизини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига қамраб олишни мақсад қилганмиз. Демак, 51 мингга яқин ўғил-қиз спорт машғулотларига жалб қилинади.

Албатта, уларга мураббий ҳам керак. Шу мақсадда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг битирувчи талабаларидан 80 дан зиёдини спорт мактабларига ишга таклиф қилмоқчимиз. Қўшимча равишда яна 400 га яқин спорт секцияси фаолиятини йўлга қўямиз. Яна бир гап. Ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган спортчиларни, Осиё ва жаҳон чемпионлари, Олимпия ўйинлари ғолибларини спорт мактаблари, тўғаракларга бириктираяпмиз. Маданият ва истироҳат боғларида 14 ҳаваскор спорт клуби, жамоат бирлашмалари ташкил этилган. Спорт иншоотлари моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг бўш турган ҳудудларида давлат-хусусий шериклик асосида маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорликда сунъий қопламали футбол майдонлари, енгил конструкцияли спорт заллари қурилиши режалаштирилган.

Нофаол дам олиш деганда бўш вақтни ҳаракатсиз, информацияни мушоҳадасиз қабул қилишга қаратилган, на жамият, на шахс тараққиётига таъсир қиладиган бемақсад вақт ўтказиш назарда тутилади. Бундай вақт ўтказиш шахсни маънавий таназзулга, жамият ва давлатни идора этишга, ўзининг сиёсий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга бефарқ қарашга олиб келади. Шахс ҳеч бўлмаганида ўз маҳалласи, туманига тааллуқли ишларда фаол қатнашиши, фарзандларининг ижтимоий фаол кишилар бўлиб етишиши учун ибратли турмуш кечириши лозим. Халқимизда «бир бўлиб, маҳалла кишиларининг ташвиши билан яшаш» қадимдан анъана бўлиб келади. Республикамиз ҳукуматининг маҳаллаларни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлари ҳам ана шу анъанани мустаҳкамлашга қаратилгандир. [29]

Бўш вақтдан унумли фойдаланиш маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг ривожланганига ҳам боғлиқдир. Том маънодаги

маданий-маиший хизмат кўрсатиш, сервис бизда энди шаклланмоқда. Шўролар даврида улар маиший хизмат уйлари ёки жамоат транспортлари кўрсатадиган хизмат турларидан иборат эди. Ваҳоланки, маиший хизмат ялпи ички маҳсулотлар таркибида АҚШда 80%дан, Англия, Канада ва Францияда 70 % дан, Германия, Италия ва Японияда 68 %дан зиёдни ташкил этади. Ўзбекистонда у 40 % атрофидадир.¹ Айниқса қишлоқ жойларида сервис хизмати давр талаблари даражасида эмас. Махсус тадқиқотлар кўрсатадики, аҳоли бўш вақтнинг асосий қисми уй юмушларига, овқат тайёрлаш, кир ювиш, болалар-тарбиясига кетади. Аҳоли харажатларининг атиги 12 % гина маиший-маданий хизматларга сарфланмоқда, АҚШ ва Японияда у 60 %ни, Англияда, Франция, Германияда 50 %ни, Швецияда эса 70 % ташкил этади. [28] Шунинг учун республика олдида маданий-маиший хизматни, сервисни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш вазифа бўлиб турибди. Бу ўринда халқимизда анъана бўлиб келган маиший-маданий хизматни аҳоли жойларига яқинлаштириш, гузарларни сервис марказларига айлантириш йўлларидан бориш лозим. Бўш вақтда эркин фаолият юргизиш ва ўзини маънавий-маданий ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Бўш вақт меҳнат унумдорлигини оширишнинг ҳам муҳим омили ҳисобланади. «Яхши дам - меҳнатга ҳамдам» дейди халқимиз. Киши қанчалик яхши меҳнат қилса, у шунчалик самарали ва мазмунли дам олишга эҳтиёж сезади, яхши ҳордиқ чиқара олмаган киши кўнгилдагидек меҳнат қила олмайди. Шундай экан бўш вақтдан самарали фойдаланиш кишиларнинг меҳнат жараёнида сарф бўлган куч-қувватларини тиклаш, соғлиқларини мустаҳкамлаш, руҳиятларини тетиклаштириш демакдир.

Ўзбекона миллий турмуш тарзига хос қадимий анъаналардан бири чойхўрликдир. Ўлкамиз қадимдан чой етиштирувчи Хитой ва Ҳиндистон билан энг яқин алоқада бўлган. Халқимизнинг ислом анъаналарига садоқатли бўлгани боис, спиртли ичимликларни истеъмол қилган эмас, шунинг учун чойхўрлик турмуш тарзининг атрибутига айланган. Бунга табиий муҳит, иссиқ иқлим ҳам таъсир этган. Икки инсон ёки кўпчилик учрашганида ҳамма нарса

мулоқот, суҳбат, мулоҳаза чой атрофида бўлган. Энг азиз меҳмонни , кимматли инсонни ўзбек «бир пиёла чойимизга меҳмон бўлинг»-деб уйига чорлайди. Чой дамлаш, чой қуйиш, чой узатиш, меҳмон кўнглидаги чойни топа билиш миллий белгилардан бирига айланган. Афсуски, Европа турмуш тарзининг таъсирида кейинги йилларда чой маданиятига эътибор пасайди. Ушбу анъанани тиклаш, турмуш тарзимизнинг атрибутига, бетакрор миллий удумга айлантириш пайти келди. Ушбу миллий анъананинг ижобий томони шундаки, у шахсни бўш вақтини безорилик, ўғрилиқ, гиёҳвандлик каби ғайриахлоқий истакларга берилишдан асрайди. Тўғри, баъзан ёшлар чойхонага боришар экан, унга узун кечаларни сарфлайдилар. Бу эса уларнинг ўз бўш вақтидан ўқиш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш билан боғлиқ қатор муаммоларни ҳал қилишда фойдалана олмасликларини кўрсатади. Шунинг учун оиладаги асосий харажатлар фарзандларга тил ўрганишга, компьютер, факс ва хоқозолари сотиб олишга, ишбилармонлик билан шугулланишга ва улар билан боғлиқ технологик тараққиёт билан қизиқишга сарфланиши лозим. «Гап» оиладаги, маҳалла-қўй, ишхонадаги дўстлик муносабатларига путур етказмаслиги, шахсга худбинлик, кеккайиш ва овқатхўрликка берилиш каби салбий омилларни келтириб чиқармаслиги керак. Мустакил оила ҳаётига тайёргарлик куриш даврида ёшлар узларининг жамоа олдидаги одоби. узини тута билиши, дид-фаросати, шарм-хаёлилиги, ширинсуханлиги, ишбилармонлиги билан янада куринадилар. Йигит-қизларнинг онгида, тафаккурида, бутун бир вужуди-ю, борлигда чуқур узгаришлар юз бериб, шу даврга мос ва хос булган хусусиятлар намоён була бошлайди. Талабалик даври - инсон умрининг энг диққатга сазовор, муҳим ва шу билан бирга энг маъсулиятли давридир. Шуидай қилиб, сиз вояга етиб, мустакил турмушга кадам қуйишга шайланяпти, келажак ҳаёт режаларини тузади.

Айрим ёшлар уз холига қуйиб қуйилганда шахвоний хис-

туйгуларга берилиб. тамаки чека бошлайдилар хагго баъзи наркопик моддаларни истеъмол килишга кизикадилар. Бунинг окибагида одоб-ахлоқ нормаларига зил хатти-харакатлар кила бошлайдилар, ахлокий бузук видеофильмларни иштиёк билан томоша килабошлайдилар. Баъзан бузук йулларга кириб кетадилар. Талаба зарарли одатларга урганиб колмасликлари учун оилада. талабалар уйида, олийгохларда таълим-тарбия жараёнида уларни яхшиликка ундаш, чекмайдиган гиёхванд моддаларни истеъмол килмайдиган килиб тарбиялаш зарур. Хозирги вақтда олийгохларнинг таълим-тарбиясида кайта куришда ёшларни маънавий-маърифий жихатдан комил инсонни тарбиялаш муҳим вазифа килиб куйилган. Наркотик моддаларни истеъмол килиш натижасида ахлоқ нормалари бузилади, безорилик, жиноят килиб чикали. Ёш йигит ёки гиёхванд булиб колиши аввалам бор узига сунг атрофдагиларга боғлиқ. Наркоман булиб колитпликпинг сабаблари анчагина хисобланади. успирин йигит ёки кизниж кайф килишга хавас килиш, тенгкурларининг таъсири гурухларга кушилиб, колиши, онладаги айрим нохушликлар оиладаги камчилнклар. ишкий мухаббатдаги кунгилсизлик булиб колишдаги асосий омиллардир. Айрим ёшлар узини назорат кила олмай. айрим кийинчиликларга бардош бераолмай гиёхвандлик йулига кириб кетадилар. Халкимизда «Яхши билан юрсанг етасан муродга, ёмон билан юрсанг коласан уятга» деган нақл бор. Шуниинг учун. ота-оналар, гурух мураббийларн, профссор уқитувчилар ишни охирига, егказмайдиган. узлаштириши яхши булмаган. кунимсиз ёшларни назораг килиб боришлари керак. Шуни айтиш ксракки. баъзан

бундай хусусиятларга зга ёшларга ҳечким эътибор бермайди. унинг ҳурмати ҳоёига қуймайдилар, улар тус қаровсизликда қоладилар. Бундай йигит- қизларни нарқоман гуруҳи яхши қарши оладилар, меҳрибонлик қиладилар. Шу тариқа улар нарқоманлар билан яқинлашиб қетадилар. Янги уқишга қелган талабани ҳаётий қийинчиликлар, етишмовчилик, уртоқлари томонидан қамситилиши уни нарқотик моддаларни истеъмол қилувчи гуруҳга қушилиб қетишига сабаб булиши мумкин. Ота-оналар уз фарзандини ҳулкидаги озгина узғаришни ҳам сабабларини урганиб боришлари қерак. Олийғохдарда турли фанларни уқитиш жараёнида талабалардаги зарарли одатларни йуқотиш ҳақида тизимли равишда иш олиб бориш билан бнрга олийғохдан ташқари машғулотларда мунотазам иш олиб бориш зарур.

Глобаллашув туфайли одамлар бир лаҳзада узини қизиктирадиган ахборотни дарҳол олиш, унга эғалик қилиш имқониятнга эга. Ушбу жараён мазмуни туғрисида И.А.Қаримов: “Бугунги қунда қомонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тигиз, шу қадар тезқорқи, энди илғаридек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йуқ, деб беқарво қараб булмайди. Ана шундай қайфиятга берилган ҳалқ ёқи миллат тараккиётдан юз йиллар орқада қолиб қетиши ҳеч ран эмас”, - деган эди. Шундай қилиб, ахборотлашган жамият - бу табиат ва жамиятда содир булаётган нарсa, ҳодиса, воқеа, жараёнлар ҳақида ахборотларни йигиш, яратиш, сақлаш, қайта ишлаш, тизимлаштириш, узатиш ва қабул қилиш, истеъмол, айирбошлаш, тақсимлашга асосланган моддий ва маънавий ишлаб қиқариш жараёнларини уйғун ҳолда тезқор ҳаракатга қелтирувчи интеллектуал муносабатлар қаминига қўрилаётган қишилар жамиятидир.

Н.Винер: “Ахборот - ташқи оламга қуниқиш жараёнида ундан олинган мазмунни ифодалашдир”, (Бу ерда ахборот ташқи оламни ақс эттириш

(гносеологик жихат) ва адаптация (унга куникиш) деб ифодаланади), Л.Попов: “Ахборот коммуникация ва алоқа жараёнидаги ноаникликнинг бартараф килиниши”, - деб ҳисоблайди. (Бу таърифда асосан ахборотнинг фалсафий-психологик (коммуникация, алоқа) томонига эътибор қаратилади) Р.Эшби: “Ахборот - структураларнинг меъёри, янгилик, оригиналлик” [30] , С.Моль: “Ахборот - танлаш эҳти моллиги”- деган таърифларни беришган. Булар ичида ахборотнинг энг содда классик таърифи бу - маълумот беришдир.

Юқоридагилардан ҳам қуриниб турибдики, ахборот мазмуни ва тушунчасига берилган таърифлар хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Умуман олганда бугунги кунда ахборот тушунчасини кундалик ҳаётда қўллаётган кишилар: - ахборот - унга мослашиш жараёнида ташқи дунёдан олинган мундарижани аниқлашдир. Ахборот - жараён давомида номаълумликни бартараф этадиган коммуникациядир, хилма-хиллигини етказишдир, ахборот оригиналлик, янгиликдир. Ахборот хилма-хилликни акс этиришдир. Қуриниб турибдики, ахборот тушунчаси бугунги кунда глобал маъно касб этмоқда. У инсон тафаккурига таъсир утказувчи, инсоният ҳаёти ва тақдирини у ёки бу томонга буриб юборувчи, гоҳ салбий, гоҳ ижобий моҳият касб этувчи воситага айланди. Дарвоқе, мавжуд оламда юз бераётган ҳодиса, воқеа, жараёнлар қанчалик тез ва изчил кечса, улар ҳақидаги информациялар оқими ҳам шунчалик қўп ва хилма-хил бўлади. Ҳозирги даврга келиб, халқаро ижтимоий-сиёсий, ғоявий-мафкуравий муносабатларнинг юқорида қўрсатилган жараёнлари қўйидаги умумий ҳулосаларга асос бўлиши мумкин:

- тинчлик умуминсоний ғоя ва қадрият эканлиги тўғрисидаги ижтимоий фикр глобал аҳамият касб этмоқда;

- оламшумул муаммоларни ҳал этишда, баҳсли вазиятлар ечимида музоқаралар ва дипломатик мурося ягона маъқул усул эканлиги тан олина бошланди;

- ҳар бир давлатнинг миллий манфаати жаҳон ҳамжамияти манфаати билан уйғунлашгандагина маълум ютуққа эришиш мумкинлиги аниқ бўлиб қолмоқда.

Бу тармок 1972 йилда АКШ мудофаа вазирлигининг лойихаси асосида вужудга келган бўлиб, у XX асрнинг буюк кашфиётларидан бири ҳисобланади. Умуман олганда интернет вақтни ва маблағни тежашга ёрдам беришидан ташқари ахборотларни жуда тез узатиш ва қабул қилиш, керакли маълумотларни тез излаб топиш, узоғимизни яқин қилиш, онлайн суҳбатлар қуриш, дунё воқеалари билан қисқа фурсатларда хабардор бўлиш каби қуплаб имкониятларни яратиб беради. Ҳозирги кунда интернет тизимининг ижтимоий тармоклари хизматлари кенг оммалашиб бормоқда. Ижтимоий тармокнинг мақсади интернетда узаро қизиқишлар ёки фаолиятга эга шахслар билан мулоқот қуришдан иборат. Фойдаланувчиларининг сони буйича ҳозирда Фейсбук ижтимоий тармоғи 500 000 000 фойдаланувчиси билан етакчилик қилмоқда. Ундан кейинги уринларда Мейспейс (255 000 000 фойдаланувчи), Одноклассники (205 000 000 ортиқ), Твиттер (200 000 000 фойдаланувчи), Windows Live Спейс (120 000 000 фойдаланувчи) ижтимоий тармоқларни келтириш мумкин. Аммо ҳамма нарсанинг яхши ва ёмони бўлганидек, бу қулайликлар билан бирга интернетдан самарали ва мақсадли фойдаланувчилардан ташқари ундан вақтни бекорга ўтказиш, турли қунғилочар ҳамда беҳаё сайтлардан фойдаланувчилар ҳам қупайиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби интернетдан фойдаланувчиларнинг, айниқса, ёшларнинг тизимдан мақсадли фойдаланиш қуникмалари ва маданиятини тулик шаклланмаганлиги деб айтиш мумкин. Ўйибор бериб, келтирилган веб саҳифалар таҳдили қуйидаги салбий қамчиликлар: фойдаланувчиларнинг айримлари ўз номлари билан рўйхатдан ўтқазмаслиги; номқбул фото суръатлар қуйиши; узаро мулоқатларда ҳурматсизлик қилиши; беҳаёни гаплар ёзиши, баъзан нотўғри маълумотлардан фойдаланиши; саҳифалар ижтимоий бўлишига қарамасдан қийсий мулоқатлар ўрнатиши каби ҳолатларнинг ўқраб туришини қурсатмоқда

Интернет - инсоният ақлий салоҳияти эришган энг буюк кашфиётлардан бири бўлди. Бугунги кунга қелиб дунё аҳолисининг деярли 35% (2 миллиард 400

миллиондан ортик) қисми интернетга уланиш имконига эга. Мутахассислар томонидан 2020 йилга бориб бу курсаткич 50% ни ташкил этиши айтиб утилмоқда. Мутахассисларнинг тадқиқотлари натижасига кура ҳозирда интернет тармогидаги маълумотларнинг 70-75 % и инсон учун зарар келтирувчи гоёлар ҳисобланади. Мутахассислар утказган махсус тадқиқотлар натижаларига кура, барча мавжуд сайтларнинг, тахминан, 12 фоизи парнографик хусусиятларга эга, 44,0% зуравонлик ва ёвузлик қуринишига, 41,0% жангари, турли отишмалар ва портлашларга асосланган мавзуга бағишланган. Шунингдек, бугунги кунда, инсонийликка бутунлай зид, ёвузликка асосланган шайтоний секталар фаолияти ҳам жадаллашмоқда. III ундай экан, ўзбек халқини танлаган йулидан чалғитиш учун интернет орқали қилинаётган мафкуравий ҳуружларни қуйидагича таснифлаш мумкин. Биринчидан, жамиятимиз аъзоларининг онги ва тафаккурига таъсир қилишга қаратилган ҳуружлар. Маълумки, халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келаётган миллий онги ва дунёқарашида ҳамда ҳулқ-атвор нормаларида ота-онага, ўзи яшаётган маҳалла жамоасига, қатга ёшдаги кишиларга чуқур ҳурмат билан қараш, муайян воқеа ва ҳодисаларга босиклик, мулоҳаза ва андиша билан муносабатда бўлиш, жамоа фикрига нисбатан алоҳида эҳтиром қурсатиш каби ҳислатлар устуворлик қилади. Колаверса, айнан мана шу қадриятлар жамиятимиз маънавиятининг тамал тошини ташкил қилади. Бундай вазиятни яхши урганган ганимларимиз бизга қарши маънавий ҳуружларни амалга оширишда халқимизнинг мана шундай улугвор қадриятларига мутлақо тесқари ва бегона бўлган, асосан, “индивидуализм”, “эгоизм”, “космополитизм”, “зуравонлик”, “диний мутаассиблик” гоёларини иложи борида чиройли никобларга ураб, жамиятимизга олиб киришга уринмоқда. Ганимларимизнинг халқимиз миллий онгига таъсир қурсатишдан қўзланган асосий мақсади давлатимиз асосчиси И.А. Қаримов ҳулоса қилганидек: “Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора қучга қираётган давлатимизни ағдариш, танлаган йулимиздан қайтаришдир. Одамларимизнинг юрагига ваҳима

ва куркув солиш хисобидан уларнинг эртанги кунга булган ишончини йукотиш, бир-бирига карши куйиш, юртимизда, минтакамизда уз манфаати, уз сиёсатини утказишдан иборат”. Иккинчидан, миллий урф-одатларимизга булаётган хуружлар. Маълумки, халкимизда узига хос миллий одатлар, анъаналар шаклланган. Жамоа булиб яшаш, кариндош-уруғларга меҳрибонлик, туй ва маъракалар, байрамлар, тарбия масалаларида, хашарларда ижтимоий ҳамкорликнинг бошқаларда учрамайдиган узига хос юкори даражасининг намоён булиши шулар жумласидан. Халкимизнинг бу урф-одатлари асрлар давомида жамият мустахкамлигининг асоси булиб хизмат килиб келмокда. Миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизнинг мамлакатимиз тараккиёти учун нақадар улкан аҳамиятини сезган таҳдидчилар бу борада ҳам муайян хуружларни амалга оширмокда. Шу мақсадга эришиш учун улар глобал алоқа тизимлари ва бошқа воситалар орқали маънавий кашшокликка, таркидунёчиликка, одамларга нисбатан оқибатсизлик ва шафкатсизликка олиб келувчи гояларни ҳамда урф-одат нормаларини зур бериб тарғиб килмокда. Булар орасида, айниқса, одамовилик, ота-онага нисбатан беписанд караш, шахсий ҳаётни улуглаш каби гоя ва карашлар устуворлик килмокда. Учипчидан, миллий маданиятимизга булаётган хуружлар. Сир эмаски, халкимизнинг миллий маданияти узининг қадимийлиги, бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Марказий Осиё тарихида ақд-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёкараш билан комусий билим донликни узида мужассам этган алломалар қуп булган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Накшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, АлХоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Захириддин Бобур ва бошқа қуплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан хисса қушдилар, халкимизнинг миллий ифтихори булиб қолдилар. Уларнинг номи, жаҳон цивилизацияси тараккиётига қушган буюк хиссаси ҳозирги кунда бутун дунёга маълум. Маънавий-мафкуравий хуруж уюштираётган қучлар жамиятимиз аъзоларини миллий маданий бойликлар ва имкониятлардан бегоналаштиришга ҳаракат килмокда. Шу мақеадда улар Интернет тармоғидан, кинофильмлар ва санъат

турларидан фойдалаишган холда нихоятда оҳанрабо, лекин инсон тафаккурини ривожлантиришга эмас, аксинча унинг саёзлашувига хизмат қилувчи намуналарни жамиятимизга олиб киришга интиломда. Бундай санъат ва маданият намуналарида беҳаёлик, мантиксизлик гоёларининг тарғиботи етакчилик қилмоқда. Ваҳдланки, бу мамлакатларнинг узлари миллатларни парокандаликка олиб борадиган, инсоният учун шармандали вазиятларни демократия, инсон ҳуқуқлари каби олий қадриятлар шиори остида тарғаб қилмоқда. Мана шундай ҳолатлардан келиб чиқиб ҳулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросида самарали ва мустаҳкам маънавий иммунитетни шакллантириш кечиктириб бўлмайдиган вазифага айланди. И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Бир халқни узига тобе қилишни истаган қучлар, аввало, уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади. Шунга ўхшаш зарарли таъсирлар давом этаверса, миллат ўзлигини йукотиши, минг йиллик анъаналарини бой бериб, оломонга айланиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Табиий савол тўғрисида: бундай мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш керак? Бунинг йули - одамларимиз, авваламбор, ёшларимизнинг иймон-этикодини мустаҳкамлаш, иродасини бақуввағ қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, отабоболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш. Уларнинг, мен ўзбек фарзандиман деб, гурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир”. Бугун қучли давлатларнинг тарғибот ва ташвиқотлари натижасида ўзининг дунё мамлакатлари ўзларининг юқори малакали мутахассисларидан ажралмоқдалар. Оддийгина рақамларга мурожаат қилганимизда бунинг ҳасилини курашимиз. Ҳарб оммавий ахборот воситаларининг доимий тарзда олиб борадиган Миллий гоё стратегиясини тарғибот ва ташвиқотлари натижасида қамбағал Африка мамлакатлари учун юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж юқори бўлиб турган бир пайтда, олий ва юқори малакали ходимларнинг ҳ.а.р. ўқитасидан биттаси ривожланган давлатларга кетиб қолмоқда. Ҳар йили Африкадан ўртача 23 000 илмий ходим ва ўқитувчи чиқиб

кетмоқда. Кейинги беш йил мобайнида китъа давлатлари 60 мингдан ортиқ урта ва юқори бугиндаги бошқарув ходимларидан махрум бўлди

- Интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш - мафкуравий хуружларга қарши кураш омили. Ахборот коммуникация технологиялари орқали қилинаётган мафкуравий хуружларга қарши мафкуравий курашни кучайтиришда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш ва юксалтиришни тақозо этади.

Япония менежментининг олтин қондасига қўра, инсондан қимматроқ бойлик йўқ. Ҳуш, давлат япон кишисида қандай қадрият ва сифатларни қарор топтиришга ҳаракат қилади? Аслида меҳнатсеварлик, интизомлилик ва жамоавийлик япон миллий характериға хос хусусиятлар саналади. Бироқ давлат бу билан қаноатланмай, уз фуқароларида ушбу сифатларни мустаҳкамлаш ва кучайтириш вазифасини маорифға юқлайди. Натижада, мактабларда гуруҳий бирдамликни тарбиялашға алоҳида эътибор қаратилади. Бунда коллективнинг ютуғи ҳам, мағлубияти ҳам гуруҳнинг ҳар битта аъзосига боғлиқ эканлиги ҳақидаги ғоя сингдирилади. Муҳими, боладан умумий ишда уз ролини аниқ билиш ва шунга яраша масъулиятни ҳис қилиш талаб этилади. Бундай тарбия курган фуқаро жамоа муаммоларини узининг шахсий муаммолари сифатида қабул қилади. Олимларнинг фикрича, айнан шундай ахлокий бирдамлик (япончада «айдагарасюги») туфайли мамлакат мисли қурилмаган ютукға эришди.

- Меҳнат япон кишиси учун ахлокий қадрият саналади. Унинг қадрият даражасига кутарилишида “ахлокий тарбия” тизимининг роли беқийс. Гап шундаки, япон кишисига мактабдаёқ қуйидаги ғоялар сингдирилади: "Фақат тиришқоқлик ва меҳнат билан муваффақиятға эришиш мумкин", "уз устингда тинимсиз ишла – шунда бировдан кам бўлмайсан". Бу каби ғоялар таъсирида улғайган япон кишиси узининг барча ҳаракатларини қуйидаги мантиққа бўйсундиради:

"Бор имкониятларингни ишға сол!"

Шундай қилиб, давлат уз фуқароларида тиришқоқлик ва ҳафсала, қунт ва

ғайратни мақсадли равишда қарор топтиради. Интизомдан жамият манфаатларида фойдаланиш борасида эса японларнинг айниқча бошқаларга ғарқ була олади. “Ахлоқий тарбия” натижасида Японияда фуқаролар меҳнат интизомининг бузилишини шунчаки салбий иллат деб ҳисобламай, балки уни Ватанга хиёнат деб қабул қиладилар. Японияда фуқаро тарбияси замон эҳтиёжлари ва жамият манфаатларига мослаштириб борилади. Айнан шу туфайли япон фуқаролари жамият тараққиётини ғаракатлантирувчи қудратли қуч саналадилар. Қуриниб турибдики, миллат келажагини уйлайдиган ҳеч бир давлат фуқаро тарбияси масаласини эътиборсиз қолдира олмайди. [31/

Миллий ғоя ва Ўзбекистон тажрибаси кутарилган масаланинг муҳимлиги Ўзбекистонда ҳам бу борада амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилишга ундайди. Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, бизда “фуқаро тарбияси” ҳақида кам гапирилади. Лекин бизда бу вазифа уз ҳолига ташлаб қуйилган эмас. Ўзбекистонда фуқаро тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси бўлиб, асосан икки йўналишда: Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида ва миллий истиқлол ғоясини сингдириш воситасида амалга оширилмоқда. Қуриниб турибдики, бизда ҳам фуқаро тарбиясини амалга оширувчи маскан сифатида мактаб танланган. Чунки мактабда бола билим олишдан ташқари шахс сифатида ҳам шаклланади. Демак, маорифга миллатни тарбиялашдек масъулиятли вазифа юкланган. Зеро, донишманд бобомиз Юсуф Хос Ҳожиб ёмон, ёмонликни ҳар кун таҳқирла, яхши, яхшиликни ҳар кун тақдирла, деб бежиз айтмаган. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидаги **“Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”**, деган кўрсатмаларга жиддий эътибор қаратиш зарур.

Ҳақиқатдан ҳам, таълим ва тарбия масаласи ўта муҳим. Айниқса, бугун ахборот тарқатиш чегара билмас даражага етган бир пайтда, биз ушбу масалага бефарқ қарасак, фарзандларимизнинг таълим ва тарбиясига беэътибор бўлсак, улар маънавиятида миллий қиёфани асраш чораларини

кўрмасак, эртага биргина “бу нотўғри, бу мумкин эмас”, деган тушунтиришларимиз мисқолча ҳам наф бермаслиги аниқ. Маънавий тарбияга салбий таъсир – бу эртанги кунимизга, миллатимиз келажагига хиёнат деб баҳоланмоғи жоиз.

Бугун ёшларимизни чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси қилиб тарбиялаш муаммоси олдимизда кўндаланг турган бир пайтда уларни интернет тармоқларида ташвиқ этилаётган ёт ғоя, урф-одат ва анъаналар ҳамда жаҳолат ва фаҳш намойишининг салбий таъсиридан асраш мутафаккир бобомиз айтганидек ростдан-да “ё ҳаёт – ё мамот” масаласидир. Таълим тизимида тарғибот-ташвиқотдан мақсад – фақат билим бериш эмас, балки кишини бирор ҳаракатга ундашдан иборат эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Бугунги кунда ёшлар талим тарбиясида буш вақтдан тугри фойдаланишни ургатишда Оила, маҳалла ва таълим жараёни билан биргаликда олиб бориш керак. Ҳар қандай инсон учун бир сутка 24 соатдан иборат, лекин ҳар ким ҳам етарлича бахтли омадли эмас. Кимлардир муваффақиятли, кимлардир эса муваффақиятсиз, кимларнингдир ҳаёт сифати юқори кимларнидир ҳаёти сифатсиз, кимлардир ҳар кунги 24 соатлик вақт капиталидан фойдаланиб ҳаётда истаган нарсасига эришади, кимлардир эса вақт ресурсларини бекорга сарф этиб оқибатда ҳеч нимасиз қолади. Тошкент давлат транспорт университети талабалари ўртасида ўтказилган сўров натижаларини таҳлил қилсак (2021 йил), талабалар асосан кўп вақтларини ижтимоий тармоқларда ўтказишларини қайд этганлар. Ижтимоий тармоқларда ҳар бир талаба учун кунига ўртача 7 соат вақт кетиши, ўқув фаолияти учун бироз камроқ вақт талаб қилаётгани ва унга талабалар кунига 5,5 соат вақт сарфлашини айтиб ўтдилар. Талабалар турар жойларида яшайдиган кўпгина талабалар кунига 1,5 соат китоб ўқиш учун вақт ажратиши маълум бўлди. Гигиеник муолажалар учун ўртача талабаларнинг кунига ўртача атиги 15-30 дақиқани ташкил этади. Замонавий қизларнинг аксарияти ўзларини тартибга келтириш учун кўп вақт сарфлашади. Ўртача ҳар бир қиз бунга ҳар куни тахминан 1 соат сарфлайди.

Кўплаб талабалар ухлашни яхши кўрадилар, ҳар бир талаба учун ухлаш учун кунига ўртача 11 соат керак бўлади. Афсуски, ҳамма талабалар спорт билан шуғулланишни қайд этишмади. Замонавий талаба ҳафтасига атиги 3 соат спорт билан шуғулланади. Ихтиёрий ҳаракатларда ҳафтада уч соатдан кам (ўртача 2,5 соат) ва ундан ҳам кам қатнашадилар. Маълумки, талаба ёшлар ҳаёти ва турмушида илмий китоблар, газета ва бадий адабиёт кенг ўрин олган. Бу воситалар билан чекланиб қолган талаба ёшларнинг билим доиралари пасайиб бормоқда. Кўпгина ёшлар телевизор, интернет ва турли ҳар хил кинолар билан бандлар. Бу эса ёшларни бўш вақтдан самарали фойдалана олмаётганлигидан далолат беради.

Шу сабабли Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг **2019 йил 19 мартда Ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ижтимоий, Хусусан бу борада Президент Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришни кун тартибига қўймоқда. Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини жорий этиш керак. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи “Ўзбекистон ёшлари – 2025” концепциясини ишлаб чиқиши, унда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказишнинг амалий чора-тадбирлари белгиланиши зарур [5]”**лиги кўрсатилди. Демак, ёшлар билан боғлиқ масала ҳар қачонгига нисбатан янада долзарблашди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонида ёшларнинг «Олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш» 46-мақсад сифатида, «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали эркин ва

иждий фикрлайдиган ёшларни нуфузли хорижий олийгоҳларга ўқишга юбориш кўламини 2 бараварга ошириш, бунда ёшларнинг 50 фоизини техник, аниқ фанлар ва ИТ соҳаларига ўқитиш» 50- мақсад «Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш» эса 70-мақсади [32] эътиборга молик. Бугунги кунда ушбу фонд орқали хорижий таълим дастурлари кесимида номзодлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Маълумки, ёшлар ҳаёт стратегиясини шакллантириш масаласи бу мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Ёшлар ҳаёт стратегияси деганда, бу уларнинг орзу ва интилишлари, мақсад ва қизиқишларини амалга ошириш учун олдиндан ҳаётини режалаштириш, мақсад ва орзуларга эришиш йўлида қатъий курашиш усул ва йўлларини танлаш ва ишлаб чиқиш, шунингдек тузилган режа асосида ҳаракатлар кетма-кетлигини амалга оширилишини ҳисобга олсак, бу борада социологлар, психологлар, иқтисодчилар 1-5, 10 йиллик режалар тузиш ва босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатишган [33,34]. Шунингдек, ҳозирги кунда тайм менежмент – вақтни бошқариш санъатидан фойдаланган ҳолда ҳаётда аниқ мақсадларни қўйиш, режалар тузиш, тайм менежментнинг самарали усулларида фойдаланган ҳолда муваффақиятли, ҳаётдан ва ўзидан қониқишни ўргатувчи курслар ташкил қилинмоқда. Лекин, Блогер Майо Ошин ўзининг Медиумдаги устунчасида нима учун тайм-менежмент вақтни бефойда сарфлаш эканини тушунтириб берди. Самаралироқ ишлаш учун қувватни ақл билан йўналтириш кераклигини тушунтирди [35].

Гиёҳвандлик Оврупада ва. Осиё мамлакатлари (Ироқ, Покистон, Хиндистон, Египет ва б) да наша чекиш опий қабул қилиш кенг тарқалмоқда. Ксйинчалик опийдан героин ажратиб олинди. Героин опинга Караганда 48 марта қучли. Қупгина қаииталистик мамлакатлар гиёҳванд моддаларни таъобатда қуллаш урнига уни қимматга сотиш ни афзал қурадилар. Гиёҳванд моддалардан тушаётган жуда катта пуллар шу давлатнинг катта лавозимдаги қишиларини ҳам қнзик-тирмай қолмади. Урта Осиёда ҳам наша чекиш, гиёҳванд модда

кукнорини истеъмол килиш кенг таркалган ади. www.ziyouz.com кутубхонаси Собик совет даврида гиёхвандликдан биримчи уринни Туркманистон, иккинчи урнини Грузия, учинчи уринни Ўзбекистон эгаллар эди. XX асрда гиёхванд моддаларни истеъмол килиш, уми сотиш жуда тез ривожланиб кетди. 1976 йил март ойида Мексика полицияси АКШ чегараси яқинида 12,5 млн долларлик 39 тонна Марихуаннани кулга туширган. 1974 йилда АКШда ёнидан Марихуанна чиқарган ёки сотиш билан шугулланган 400 мингдан ортик ёш йигитлар камокка олинган. Швецияда 18 ёшли успиринларнинг ҳар 100 тасидан 26 таси гиёхванд моддани истеъмол қилар экан. АКШ даги гиёхвандларнинг 49200 таси героин қабул қилар эканлар. Японияда сунгги 7 йил ичида наркоманларнинг сони ёшлар орасида 10 марта қупайган Героин ва унинг хом аншёлариини ишлаб чиқаришда Таиланд-Бирма-Лаос машҳур «олтин учбурчак» ҳисобланади. Покистон-Афғонистон Эрон машҳур «олтин яримой» ҳисобланади. Наркотик моддаларга урганиб қолиш ёшлар усмирлар орасида қуп учрамоқда. Энди Урта Осиё минтақасига келсак, наркотик моддаларни жумладан, опин етиштирувчиларнинг сони кейинги йилларда қуяйганлиги ва шунинг учун наркоманлар сонининг қупайганлиги сир эмас. Наркотик моддлар билан шугулланиш ва гарқатиш борасида Афғонистон асосий уринни эгалламоқда. Дунёда етиштирилган кукнори усимлигини 70 фоизи Афғонистонга тугри келмоқда. Афғонистон 1999 йилда 8 минг тонна кукнори етишгирган ва сотган. Сир эмас Афғонистонда етиштирилган гиёхванд моддалар Тожикистон ва Ўзбекистон орқали Россия ва Оврупа мамлакатларига тарқатилмоқда. Бундай ишга қул урганлар наркотик моддалар қора

дори, марихуанна, ташишлар одам боласини, инсониятни, жамиятни. оилани вайрон килишни билиб туриб ҳам айрим кимсалар конунбузарлик, шармандалик йулларидан кайтмай туриб турли яширин йуллардан фойдаланиб иш курмокдалар. Узбекистонда 1992 йилдан то 1999 йилнинг бошларигача булган даяр ичида 100 дан зиёд холатларда 30 тонналап ортик наркотик моддалир ушланиб колинган. Яна бир маълумотга кура. Сурхондарё. Тожикистон божхоналарида текширув олиб борилганда маълум булдики, 1998 www.ziyouz.com кутубхонаси йилда 1000 кг. 1999 йилнинг январь ойининг узида 800 кг. наркотик моддалар ушлаб колинган. 1998 йилда Сурхондарё вилоятида тскширувлар утказиш матижасига кура наркотик моддалар билан шугулланувчи 365 киши ушланиб, улардан 90 кг кора дори кулга туширилган. Узбекистонда гиёхвандлик билан курашиш учун «Соглом авлод учун» дастури ишлаб чикилган. Республикада наркологик диспансерлар ташкил этилган. Хар йили «кора дори» операцияси утказилади. Якинда Тошкентда БМТ наркомания программаси юзасидан ваколатхонаси очилди. Узбекистонда наркоманиянинг олдини олиш максадида турли хил анжуманлар утказилиб гурилади. Гиёхванд моддалар икки хил усулда олинади. Турли усимликлардан олинадиган гиёхванд моддалар 2. Турли кимёвий моддалардан сунъий усулда олинадиган наркотик препаратлар Кукнори, канон ва бошка усимликлар таркибида наркотик моддалар сакланади. Бангидевона усимлиги таркибида ҳам кайф килдирувчи наркотик модда сакланади. Бундан ташкари тамаки таркибида ҳам наркотик модда бор. Кукнори усимлигининг 100 дан ортик тури маълум булиб, Узбекистонда 5 хил тури учрайди.

Кукнорининг мойли, ухлатувчи, опийли тури куп экилади. Ухлатувчи кукнори усимлиги узун ук илдизли, бир йиллик усимлик уруги майда таркибида 48-50 фоиз ёғ бор. Мойли кукнори уругидан озик-овкат саноати ва техникада ишлатиладиган мой олинади, Мойли кукнори Украина. Татаристои, Бошкиристон, Гарбий Оврупа ва бошка мамлакагларда экилади. Опийли кукнори опий (афюн) опий олиш учун экишади. Олийли кукнори аеосан Осиё мамлакатларида. Эронда, Хиндистонда. Козогистонда, Покистонда экишади. Бу турдаги кукнори Афгонистонда куп экилади. Афгонистон 2000 йилда 8 тонна экиб етиштирғап булиб. мамлакатнинг асосий даромади кукнори хисобланади. Кукнорини араблар «афюн» деб номлаганлар. Узбеклар «кора дори» дейншади. Канон бир йиллик усимлик булиб ундан турли нрепаратлар тайёрланади. 1.«Марихуана» — канон усимлигннинг куритилган ски куритилмаган утга ухшаш усимлик махсулотидир. 2.Наша - усимлик уруги захарли, усимлик таркибида наркотик модда сакланади. Жахон согликни саклаш ташкилоти (ВОЗ) таъбиржа кура наркотик моддалар куйидаги мезон улчов билан белгиланади: И.Эйфория -хуш кайфликни келтириб чикарувчи, ёлгондан булса хам одамга хуш ёкимлилик ато этувчи: Унга урганиб колишлик (жисмоний ва рухий урганиб колиб, яна ва яна кабул килишликка мойиллик келтириб чикарувчи): Уни мунтазам кабул килганда одамни рухан ва жисмонан издан чикариб инсонийлик киёфасини йуколишига олиб келупчи: Одам орасида тез таркалишга сабаб булувчи: Маданиятли кишилар ушбу моддани-иреиаратни кабул килишлик одат тусига кириб колмаслиги (бу уринда тамаки ва алкоголь биринчи уринга чикиб олди). Наркотик моддалар организмга таъсир этишига

караб куйидаги гурухларга булинади: 1. Седатив воситалар яъни тинчлантирувчи препаратлар: опин, наркотик моддалар ва ухлатувчи воситалар. Шахсда психопатия ривожланади. Наркоман дустлар, уртокларидан жудо булади. Сунг ногирон булиб қолади. Морфий препаратлари билан наркоманиянинг келиб чиқиши. Танаси кукара бошлайди, қонли ичи кетади, бадани кичишади, терисига кизил тошма тошади, чуқур уйкуга кетиш бошланади. Наркотик моддаларни сурункали қабул қилиш натижасида осмонда ўқиб юргандек ҳис этади, қузига турли нарсалар қуринади. Бундай касаллар қупол, агрессив, баджаҳил, раҳмсиз буладилар олтин ой қабул қилганларда психоз вужудга келади.

Ғиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар. 270-модда. Тақикланган опинларни етиштириш. Тақикланган экинларни, яъни қукнори ёки мойли қукнори. қаннабис усимлиги сҳуд таркибида ғиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар www.ziyouz.com қутубхонаси бўлган экинларни қонунга ҳилоф равишда экиш эш қам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача аҳлок тузатиш шнлари ёҳуд ўч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланадилар. Илгари ғиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан : Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; ўртача қатталиқдаги экин майдонида содир этилган бўлса, энг қам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз баравар миқдорида жарима ёки олти йилгача қамок ёҳуд ўч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Гиёхвандлик воситалари ёки моддаларни конунга хилоф равишда, угирлик ёки фирибгарлик йули билан эгаллаш уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача камок. Ёхуд молмулки мусодара килиниб ёки мусодара килинмай беш йилгача озодликдан махрум килиш билан жазоланади

Бугун мамлакатимизда ҳар бир соҳада кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиб, жамиятдаги долзарб муаммоларни бартараф этиш борасидаги ишлар жадал олиб борилмоқда, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши ва таълим-тарбия олиши учун шарт-шароит яратилмоқда. Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимизнинг асрлар давомида интилиб келган орзу-мақсадлари ва замон талабларини, дунёвий тараққиёт мезонларини ҳисобга олган ҳолда, жамият ҳаётида ёшлар масаласига ва уларнинг ҳар томонлама ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Шавкат Миромонович 2016 йилда муваққат Президент бўлган пайтларида биринчи бўлиб имзо чеккан ва тасдиқлаган ҳужжат, айнан “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун эди. Бу эса давлатимиз раҳбарининг сиёсати айнан ёшлар масаласидан бошланганини билдиради. Қолаверса, 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Президент фармони бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди ва юртимизда 30 июнь — “Ёшлар куни” деб эълон қилинди.

Бугун юртимизда ёшлар сони 19 миллиондан ошиқ бўлиб, аҳолимизнинг катта қисмини ташкил этмоқда. Мамлакатда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ҳамда бу тизим замон талабларига ҳамоханг равишда такомиллаштириб борилмоқда. Ўтган йилнинг ўзидаёқ, ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган 47 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та Фармони, 10 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 32 та қарор ва фармойиши). Ушбу ҳужжатлар асосида ёшлар учун жорий этилган 44 та имтиёз ва қулайликлар “Ёшлар

портали”га киритилиб, бир қатор амалий натижаларга эришилди.[36] Қолаверса, 2017 йили БМТ Бош ассамблеясининг 72 сессиясида Президентимиз томонидан айна даврда инсоният тарихидаги энг кўп ёшлар қатлами билан яшаётганимизни инобатга олган ҳолда, “Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенциясини қабул қилиш” таклифи илгари сурилгани ҳам халқаро ҳамжамият томонидан илиқ қаршиланди. Жумладан, ушбу анжуманда давлатимиз раҳбари “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат” – деб таъкидлаб ўтдилар.

Маълумки, 2021 йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб номланди. Президентимиз парламентга Мурожаатномасида ёшларни бир неча бор тилга олиб, уларни қўллаб-қувватлаш борасида катта ишлар қилинишини таъкидладилар ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган амалий ишлар амалга оширилмоқда, деб ишонч билан айтиш мумкин. Бу йилги ўзгаришларнинг ўзига хос жиҳати ёшларга давлат томонидан кўмак ва қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган янги узлуксиз ва яхлит тизимнинг жорий этилиши бўлади. Бу тизим йигит-қизларни замонавий, талабчан касбларга ўқитиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, аҳолини иш ва уй-жой билан таъминлаш, кафолатланган ижтимоий ҳимоя билан таъминлашни ўз ичига олади.

Сўнгги 5 йил ичида, ушбу ишлар самарасини ҳар биримиз кундалик ҳаётимизда гувоҳ бўлмоқдамиз. Айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига бўлган эътибор йилдан йил сайин ортиб бормоқда. Биргина «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» рўйхати бўйича берилаётган имтиёз ҳамда кўмакларни мисол қилсак ҳам бўлади. Шу пайтгача аҳолини ёрдамга муҳтож қатламига бу қадар эътибор берилмагани ва уларнинг мавжуд муаммолари ўрганилмаганлигини барчамиз яхши биламиз. Ёрдам тўлови, бизнес ва тадбиркорлик учун имтиёзли кредитлар ажратилиши, ҳайдовчиликни ўрганиш учун ва муддатли ҳарбий хизмат тўловларининг давлат томонидан

қоплаб берилиши ёшларга чин маънода катта ёрдам бермоқда. Минглаб ёшларга ҳар томонлама қўмак берилмоқда.

Уларни қийнаётган муаммолар ўрганилмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенат ҳузурида Ёшлар парламенти институти ташкил этилди. Ушбу платформа шубҳасиз ёшларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга ва уларнинг ўз муаммолари ҳамда манфаатларини ифода этишга ёрдам беради. Қисқа фурсат ичида айниқса, таълим соҳасида амалга оширилган ислохотларни алоҳида эътироф этиш лозим. Хусусан, мактабгача таълим вазирлигининг ташкил этилиши, Олий таълим тизимида яна 80 дан ортиқ янги олий ўқув юртлари ташкил этилиши ва уларга қабул қилиниш тизимидаги ўзгаришлар, талаба бўлиш учун мавжуд имкониятларнинг кенгайганлиги, аҳоли ўртача даромадининг ўсиши ва ҳоказоларни санашимиз мумкин.

Жорий йилдан мамлакатимиз хотин-қизларининг магистратура босқичида таҳсил олишлари учун алоҳида грант ўринларининг яратилишини ҳам алоҳида таъкидлашимиз лозим. Қолаверса илк маротаба ҳар бир хорижий таълим муассасаси филиалларида давлат гранти ҳисобига бепул таълим олиш имконияти йўлга қўйилди. Албатта, ушбу жараёнлар ўз-ўзидан содир бўлмайди. Унинг ортида давлат ва ҳукумат хизматчиларининг катта меҳнати ва машаққати турибди.

Маънавий-маърифий соҳага алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, мактаблар, ўрта махсус ва олий таълим даргоҳларида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада барча Олий таълим муассасалари, Маҳалла фуқаролари йиғинлари ва бошқа бир нечта ташкилотлар билан ҳамкорликда турли чора-тадбирлар кўрилди. Шу жумладан, Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ёшлар масаласида алоҳида чора-тадбирлар ва дастурларни амалга оширди. Чилонзор туманида жойлашган 126, 200, 217, 163, 195А, 232-сонли мактаб ўқувчилари ҳамда “Дўмбиробод”, “Катта дўмбиробод” ва “Наққошлик”

МФЙ ёшлари учун институт томонидан 5 муҳим ташаббус доирасида 12 хил тўғараклар, турли хил беллашувлар, спорт мусобақалари ва интеллектуал тадбирлар ташкил этилди. Институтимиз бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш ниятида.

Халқимиз фаровонлиги, юртимизни янада ривожлантиришдан келиб чиқиб, “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойил асосида ислохотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида, аҳолининг фикр ва таклифлари асосида 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Тараққиёт стратегияси” ишлаб чиқилди. 7 та устувор йўналиш ва 100 та мақсаддан иборат “Тараққиёт стратегияси” кейинги 5 йил ичида юртимизда жуда катта ўзгаришларга олиб келишига ишончим комил. Айниқса, ушбу стратегиянинг 4 ва 5-йўналишлари ёшларимизнинг ижтимоий ва маънавий-маърифий юксалиши учун хизмат қилади. Маънавият соҳасига оид чоратадбирлар муҳокама қилинар экан, 12 мингдан зиёд кутубхона имкониятларидан самарали фойдаланиш, “Китобсевар миллат” умуммиллий ғоясини рўёбга чиқариш, жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, маданият ва санъат соҳаларини янада ривожлантириш, Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишни кучайтириш ҳамда мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида биргаликда жипслашиш муҳимлиги стратегияда қайд этилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугун юртимизда амалга оширилаётган барча ишларнинг замирида халқ манфаати ва жамият фаровонлигини таъминлаш эканлигини англашимиз мумкин. Ёшлар масаласи эса бу йўналишдаги энг муҳимларидан бири ҳисобланади. Шунга қарамай бу йўналишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим деб ҳисоблайман:

Биринчидан, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масаласига кўпроқ эътибор қаратишимиз лозим. Бугунги кунда аксарият зарарли одатларнинг ёшларимиз орасида кенг тарқалиши ҳавотирли тус олмоқда айниқса, қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинлар ўйнаш, кераксиз машғулотлар билан вақт ўтказиш ҳамда бошқа зарарли одатларни мисол қилсак бўлади. Бунинг олдини олиш учун аввало, ёшларимизни давлат ижтимоий

дастурларига кўпроқ жалб қилиш лозим. Шу орқали уларнинг бўш вақтини фойдали ва мазмунли тўлдиришдан ташқари улардаги фуқаролик бурч тушунчасини янада шаклланишига туртки бўлади.

Иккинчидан, бугунги кунда ёшларнинг маънавияти ҳамда дунёқарашига бевосита ижтимоий тармоқлар ва медиа воситалари катта таъсир кўрсатмоқда, шу боис ҳам уларга интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданиятини, келаётган ахборотларни таҳлил қила олиш қобилиятини шакллантириш ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш мақсадида медиасаводхонлик курсларини ташкил этиш ва кўпайтириш мақсадга мувофиқдир;

Учинчидан, афсуски, аксарият ёшлар ўзларининг келажагини олдиндан кўра олиш, таҳлил қилиш ва мақсад қўйишда қийналмоқдалар. Шу боис, ёшларимизни ўз олдига мақсад қўя олишни, мактаб давридан касбга тайёрлаш, касбга бўлган қизиқиш ва қобилиятларини аниқлаш, йўналтириш ва керакли кўникмаларга ўргатишимиз лозим. Чунки, ўз олдига аниқ мақсад қўя олган инсон, ўз устида тинимсиз ишлашда давом этади. Унинг бўш вақти кам бўлади, ўзининг истаклари ва амбициялари ортидан эргашади. Бу эса ўз ўрнида уларнинг турли хил ёт ғоялар ва фитналар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишда катта ёрдам беради.

Ёшларга оид сиёсат соҳасида амалга оширилган ишларни таҳлил қилар эканмиз, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва ёшлар ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатидан яхшилаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ёшлар мамлакатимизнинг барча муҳим тармоқларига жалб этилиб, вазирлик ва идораларда ишламоқда. Ёшлар билан ишлаш бўйича ҳам алоҳида ташкилотлар тузилиб, уларнинг билим олиши, ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароит яратилмоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси яқин келажакда ўзини оқлаши шубҳасиз, чунки Ўзбекистон ёшлар мамлакати, Ватаннинг янада гуллаб-яшнаши учун айнан улар масъулдир. Бизнинг ёшларимиз ушбу шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланишига ва келажакда етук шахс ҳамда жамиятга фойдаси тегадиган

мутахассис бўлиб етишишларига ишонаман. Шундай экан, барчамиз ушбу соҳага муносиб ҳисса қўшишимиз ва бир-биримизга кўмакдош бўлишимиз лозим.

3.3. Миллий турмуш тарзининг қайта тикланишида ва тараққиётида маънавиятнинг ўрни

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунларидаёқ И.А. Каримов миллий тараққиётнинг бош кўрсаткичларидан бири маънавият, халқ, миллатнинг маънавий баркомоллиги эканлигини таъкидлади. «Маънавият - инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир.... Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш -Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир.»¹ Президент маънавият тараққиётни халқ, жамият, давлат тараққиётининг мезони қилиб кўрсатар экан, ҳар бир халқ, миллат ўзининг тарихий-маънавий бойликларини ўзлаштирмай, уларни давр талаблари даражасидаги умуминсоний қадриятлар билан бойитмай ривожлантиришга эриша олмаслигини қайд этади. Демак, маънавият кенг камровли, ижтимоий тараққиётнинг барча томонларига тааллуқли ҳодисадир.

Кейинги йилларда «маънавият» тушунчаси ҳақидаги турли фикрлар билдирилмоқда. Уларнинг бир гуруҳида маънавиятга алоҳида руҳий, ҳатто илоҳий ҳолат сифатида қараш устун турса, бошқаларида маънавийни маданиятга хос сифатлар деб қараш кузатилади. Масалан, Ф.Зикриллаев маънавият ва қадриятни «аслида илоҳий» деб айтса, А.Эркаев маънавиятга «инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, софдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, ундан завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний хислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуидир» деб таъриф беради. Бу аслида маданиятшуносликка оид адабиётлардаги маънавий маданиятнинг бир оз ўзгартирилган кўринишидир. Шунинг учун ҳам А.Эркаев маънавият «маънавий маданиятни... қамраб олади»¹ деб очик қайд этади. Бизнинг фикримизча, ушбу ёндашув илмий, фалсафий ва ижтимоий мақсадларга мўъассас келади, шунинг учун биз ушбу мавзуда унга таянамиз.

Маънавиятнинг турмуш тарзи билан боғлиқлиги бир-бирига диалектик боғлиқ шахс-оила-жамият тизимининг ички моҳияти ва функционал хусусиятларидан келиб чиқади. Ушбу тизимлар, погоналарни мудом керакли чегара, доирада ушлаб турадиган, ижтимоий тараққиётда уларни уз қуқуқларига, фаолият доираларига ва бурчларига эга субъектлар сифатида амал қилишини таъминлайдиган нарса маънавият ва унинг компонентларидир.

«Ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини ўзининг миллий гояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади». Демак, Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ўз халқини буюк мақсадларга етаклайдиган, унинг фаровон турмуш қуришга даъват этадиган гояларига, қарашлар концепциясига эга бўлиши табиийдир. Шунинг учун И.А.Каримов дейди: «пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи, илмий асос - бу миллий гоя, миллий мафкурадир».

Гоя «акс эттираётган объект, ҳодиса, жараёни ўрганиш натижасида ҳосил бўлган билимни ихчам ва умумлаштирилган ҳолда ифода этади. Бунда, бир томондан, ҳаётий-амалий фаолият давомида тўпланган тажриба, иккинчи томондан, илмий билимлар эришган натижаларига таянилади».³ Ушбу тасаввурдан келиб чиқиб муаллиф «миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини англашни ўзида мужассамлаштирган, унинг этноижтимоий бирлик сифатидаги туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалайдиган, тараққиётга хизмат қиладиган гояга миллий гоя».⁴ деб таъриф беради. Демак, ушбу таърифни турмуш тарзига татбиқ этсак, миллий истиқлол гояси ўзбекона турмуш тарзининг тарихи, бугуни ва истиқболини ўрганишни, унинг ўзига хос томонларини, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий, маънавий-маданий хусусиятларини тадқиқ этишни тақозо қилади.

«Турмуш тарзи» турар жой, оила, маҳалла билан боғлиқ тушунчадир. Киши умрининг асосий қисми, ҳаётий инитилишларининг асосий

компонентлари, ҳатто айтиш мумкинки, инсонни шакллантирадиган, унинг инсоний сифатларини намоён қиладиган воқелик - бу турмуш тарзидир. Миллий гоё, миллий онг, миллий маданият, ҳуллас, миллатга тааллуқли барча хислатлар, белгилар айнан турмуш тарзида намоён бўлади. Шунинг учун миллий истиқлол гоёси миллий турмуш тарзи билан боғлиқдир. Миллий турмуш тарзининг қайта тикланиши ва тараққиети эса миллий истиқлол гоёси излаб топган, тадқиқ этиб, англаб етган назарий концепцияларига, тараққиёт моделларига таянади.

Миллий истиқлол гоёси маҳалла, аҳоли турар жойларидаги маънавий жараёнларни ўрганишга эътибор бараётгани бежиз эмас. Турмуш тарздан олган қадриятлар, гоёларгина кишилар онгининг, маънавий оламининг ажралмас атрибутига айланади. Масалан, «Республика фуқаролар турмуш тарзида миллий ва умуминсоний қадриятлар мавзuida ўтказилган социологик тадқиқот натижалари ҳам маълум бўладики, респондентларининг 68% маҳалла миллий истиқлол гоёсини шакллантирувчи марказдир» деб жавоб беришган. Респондентлар миллий истиқлол гоёсига оид маънавий-маданий тадбирлар асосан аҳоли турар жойларида, маҳаллада (69%), ўқув юртларида (68%), меҳнат жамоаларида (52%), маданий-маърифий марказларда (47%) ўтказилиши зарур деган фикрларни билдиришган.¹

Демак, миллий истиқлол гоёси ва мафқурасини шакллантириш, уларнинг ҳаётимиз, турмуш тарзимиз, тафаккуримизда аниқ воқеликка айлантириш энг аввало маҳаллага боғлиқдир, чунки маҳаллаларда чинакам шарқона муносабатлар «муомала маданияти, ҳақчил удум ва урф-одатлар сақланиб қолган». Айнан ушбу тарихий-маданий қадриятлар миллий турмуш тарзини қайта тиклаш, маънавий бойитиш ва тараққиётни таъминлаш учун замин, пойдевор бўлади.

Турмуш тарзи учун ўзига хос макон, унинг мавжудлик шартлари - оила ва оилавий муҳитдир. Маҳалла, оила турмуш тарзини шакллантирувчи асосий институтлар сифатида миллий истиқлол гоёсини қарор топишини таъминлайди.

Шу мақсадда маҳалла ва оилалар биргаликда «Ўз маҳаллам-ўз уйим», «Қайнона ва келин», «Тотувлик - уйнинг давлати», «Миллий мафкура ва ёшлар тарбияси» каби суҳбатлар, кечалар ўтказиш баъзи вилоятларда анъанага айланган.¹

Кишилар турли гоёларга эргашиб кетавермайдилар. Улар аввало гоёларни ўз манфаати, эътиқоди, турмуш тарзи билан таққослайдилар. Шунинг учун кишилар эътиқодига, манфаатларига, тарихий-маданий кадриятларига, ахлоқ, одоби, менталитетига, турмуш тарзини такомиллаштириш, ҳаётини фаровонлаштириш мақсадларига хизмат қиладиган гоёларни қўллаб-қувватлайдилар.³ Миллий истиклол гоёси негизида миллат, халқ манфаатлари, фаровон турмуш яратиш мақсади ётгани учун ҳам у жамият томонидан фаол муҳокама қилинмоқда, Янги қарашлар, вазифалар ва йўналишлар билан такомиллаштирилмоқда.

Тарихий-маданий бойликларни ўзлаштириш нафақат ҳар бир киши учун қарз ва фарз, шу билан бирга у шахс маънавиятининг кўрсаткичи ҳамдир. Киши ушбу бойликларни тайёр ҳолда топади, яъни уларда халқ, тарих ўз изини қолдирган. Тарихий-маданий бойликларни ўзлаштириш ёки ўзлаштирмаслик киши ихтиёрида эмас, чунки улар ижтимоий муҳитнинг ўзагини, шахсни камолга етказган шарт-шароитларнинг магзини ташкил этади. Ҳар бир кишида, унинг ихтиёри ва хохишидан қатъий назар, тарихий-маданий бойликлар шакллантирган ижтимоий муҳитнинг таъсири яшайди.

А.Эркаев тарихий-маданий бойликлар шакллантирган даврларни: 1) энг кадимги (архаик) давр ва илк зардўштийлик босқичи; 2) исломгача бўлган диний-мафкуравий пилюрализм босқичи; 3) ислом тамаддунининг гуллаб яшнаши ва теурийлар даврида қайта уйғониш босқичи; 4) анъанавийликнинг қарор топиши ва ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий таназзул босқичи; 5) мустамлакачилик даври маънавияти; 6) истиклол даври маънавияти кабиларга бўлиб қарашни таклиф этади.¹ Ҳар бир даврдаги яратилган маънавий-маданий бойликларга баҳо берар экан, у ҳар бир тарихий босқич ўз маънавияти ва турмуш тарзини яратгани, уларга баҳо берганда ўша давр хусусиятларидан келиб чиқиш

зарурлигини таъкидлайди. Демак, ҳеч қачон ва ҳеч бир турмуш тарзида, маънавиятда тарихий-маданий бойликларнинг мутлақ ҳаммаси акс этавермайди, давр талабларига ва кишиларнинг аниқ эҳтиёжларига мос келадиган қадриятларгина сақланиб қолади. Шу нуқтаи назардан шахс |маънавиятидаги замонавий талаблар ва шахс эҳтиёжларини ифода этадиган \ тарихий-маданий бойликларни ўзлаштириш ва шу асосда ўз ҳаётини ташкил этиш усуллари қандай?

Ҳаёт, айниқса бозор муносабатлари шахедан ижтимоий муносабатларда фаол, дадил қатнашишни талаб қилади. Фаоллик, дадиллик субъектив тушунчалар эмас, улар шахнинг мавжуд муносабатлар тизимида тутган позицияси, уз касб-корини эгаллаганлик даражаси, ён-атроф билан конструктив алоқаларга кира олиш қобилиятидир. Тарихий-маданий қадриятлар ушбу қобилият билан уйғунлашиши, шахнинг позитив ҳулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари билан чатишиб кетиши зарур. Масалан, Навоий ёзади: «Ким, кучук бирла ҳўтикка қилса қанча тарбият, ит бўлур дағи эшак, бўлмасдир асло одамий»¹. Бу ўринда шоир талантсиз ёшга тарбиянг бефойда, қанча ҳаракат қилсанг ҳам у талантли бўлиб қолмайди, деган фикрни илгари суради. Лекин бизнинг умумий таълим, педогогикамиз талантсиз бола йўқ, ҳаммани талантли қилса бўлади, деб ҳисоблайди. Агар биз Навоий сўзларига амал қилсак, кўпгина болаларни мактабдаги таълим-тарбиядан четлаштирган бўлардик, бироқ педогогиканинг талантсиз бола йўқ, ҳар бир бола ўзича талантли, таълим-тарбиянинг вазифаси ана шу талантли рўёбга чиқаришдадир, деган ёндашувини Навоий сўзига татбиқ этсак, ҳар бир кишида ҳайвоний сифатлар ҳам бор, таълим-тарбия ундаги одамий фазилатларни ривожлантиришга қаратилмоғи зарур деган ҳулосага келамиз. Демак, тарихий-маданий қадриятлар давр талаблари таъсирида трансформацияга учраши мумкин. Бундан ташқари инсон, ўз амаллари ва ижтимоий фаолиятини, турмушини қанчалик режалаштирмасин, у қаердадир хато қилиши, адашиши турган ран. Ҳатто бозор муносабатлари хатони, адашишни табиий ҳол қилиб қўяди. Фақат конструктив алоқаларгина хато ва адашишлар эҳтимолини камайтиради. Ушбу алоқалар тарихий-маданий

тажрибаларни ўз мезонларидан ўтказишни, улардаги позитив томонлардан фойдаланишни тақозо этади.

Турмуш тарзида ҳаётни муҳим ушлаб туришга қаратилган урф-одатлар, нормалар, тартиблар кўп. Айнан ушбу жиҳатлари турмуш тарзидан тарихий-маданий қадриятларнинг кенгрок ва чуқуррок ўрин олишига имкон яратади. Масалан, махсус кузатишлардан маълумки, фақат оила ташвиши, турмушюмушлари билангина яшайдиган ижтимоий муаммолар билан қизиқмайдиган, цивилизация ютуқларидан беҳабар кишилар консерватив фикрлашга, шаклланган турмуш тарзини ўзгартирмасликка, ўзи қабул қилган нормаларни, тушунчаларнигина ҳақиқат деб билишга мойил бўлади.¹ Улар турмуш тарзини урф-одатлар, ўзгармас нормалар орқали бошқарадилар.

Умуминсоний ва миллий қадриятлар, нормалар, ахлоқий талабларнинг турмуш тарзида намоён бўлиши шахс маънавиятига чексиз талаблар қўяди. Чунки, умуминсоний қадриятлар ўзининг серқирралиги ва моҳиятига кўра ўта ранг-баранг, чексиздир. Уларга «диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экологик тарбия ва маданиятни ривожлантириш, инсониятнинг сиҳат-саломатлигини сақлаб қолиш, ўзаро ҳамкорликда хавфли касалликларнинг олдини олиш, озиқ-овқатга энергия ва ёқилғи тансиқлигини тугатиш, миллий бойликларни, цивилизацияни асраб-авайлаш, ўзаро низоларнинг олдини олиш, тинчликни сақлаб қолиш ва инсоният тақдирига дахлдор бўлган бошқа қадриятлар киради». Шахс поғонасида ушбу қадриятлар кишининг ижтимоий-маънавий позициясида, кишилиқ дуч келаётган муаммоларнинг қанчалик муҳимлигини идрок этишида ва ниҳоят, инсон ҳаётини сақлаб қолишга қўшган улушида намоён бўлади. Инсон ҳаёти олий қадриятдир, ҳар бир киши ўзини онгли, маънавиятли ва маърифатли деб билган ҳар бир киши умумпланетар муаммолар ҳақида ўйлаши, қўлидан келганича уларни ижобий ҳал этишга ёрдамлашиши керак, бу унинг инсоний бурчидир.³ Демак, маънавият, айниқса умуминсоний қадриятлар билан алоқадорликда у субъектив омил бўлиб қолмайди; ҳар бир киши

умуминсоний кадриятлар билан алоқадорликда у субъектив омил бўлиб қололмайди; ҳар бир киши умуминсоний кадриятларни асраш ва қарор топиши учун турмуш тарзидаги имкониятлар орқали курашиши ҳам лозим. Масалан, қар бир киши ўзи яшаётган ҳовли ёки маҳалла ён-атрофида экологик тозаликни таъминлаш учун курашиши, бошқаларни ушбу ишга жалб этиши мумкин. Минг афсуски, республикамизда бу борада эътиборли мисоллар кам. Биргина 2001 йилда атроф-муҳитни, экологияни бузгани учун 11 мингдан зиёд мансабдор шахслар ва фуқоролар маъмурий жавобгарликка тортилган. Бу 1999 йилга нисбатан 2,4 барабар кўпдир. Табиий муҳитга зарар келтиргани учун 354 корхона, цех, иншоотлар фаолияти тўхтатиб қўйилган.¹ Маънавий-экологик ва ҳукукий-экологик тадбирларни уйғунлаштирган ҳолда, бизнинг фикримизча, бутун республика миқёсида кенг тарғибот ишлари олиб бориш даркор.

Республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар жамиятимизнинг маънавий тараққиётига йўғрилгани билан умуминсоний характер касб этади, айнан ушбу хислат юртимизда турли миллат ва этносларнинг тинч-тотув яшабини таъминлайдиган маънавий-руҳий муҳитни вужудга келтирмоқда. «Ўзбек ҳалқи руҳининг тикланиши, миллат маънавий-ахлоқий идеалларнинг шаклланиши,- деб кўрсатади И.А.Каримов, -чуқур миллийлик билан умуминсонийлик чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодисадир. Ўзбекистонда яшаётган халқлар, ўзига хосликни йўқотмаган ҳолда, умумий руҳиятга, ҳуқ-атвор фалсафасига, турмуш тарзига эга бўлмоқдалар. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтиради».² Бугун республикамизда узбек тилида гаплашиш билан бир қаторда рус тилида гаплашиш анъанаси сақланиб қолмоқда. Республикамизнинг айрим ҳудудларида эса қорақолпоқ, тожик, қozoқ тилларида мулоқот қилишга ҳам дуч келамиз.

Бизнинг фикримизча, тил-маънавий бойлик, аммо турмуш тарзида бир тилнинг мутлоқ ҳукмронлигига эришиб бўлмайди. Кўп миллатли давлатда жамият, маънавий ҳаёт, аynиқса турмуш тарзи, кўп тиллик асосида ривожланади. Турмуш тарзининг нафақат миллий-маданий анъаналарга таяниш зарурлигини,

шу билан бирга кишилар, элатлар, миллатлар маънавий ҳаётида маълум бир яқинлик, консенсус, умумий руҳий муҳит шаклланишини ҳам кўрсатади. Шу билан бирга ўзбек тили миллат тили ва давлат тили экан уни ижтимоий ҳаётдаги, миллатлараро мулоқотдаги ўрнини таъминлашга интилишимиз лозим.

Маънавият-халқларнинг байналминаллашуви асосидир. Умуминсоний маънавий қадриятларни тан олмайдиган ёки улардан ўзининг тор, миллий хусусиятларини устун қўядиган доирада, муҳитда кишилараро аҳиллик, консенсус ҳақида гапириш қийин. Гап қайси давр ва тузум ҳақида кетмасин умуминсоний тараққиёт, умуман ҳар бир давлатнинг, халқнинг цивилизациянинг ривожланиши халқлар ўртасидаги интернационаллашиш жараёнлари орқали содир бўлади.¹ Қ.Хоназаров бу жараёнларнинг атрибутлари цивилизация, бозор муносабатлари ва миллий тараққиётда деб билади. Ҳақиқатан ҳам, бугун ижтимоий тараққиётни, турмуш тарзини цивилизациясиз, бозор муносабатлари ва миллий тараққиёт белгиларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бироқ турмуш тарзи тараққиётида титул миллат ва унинг тили етакчи аҳамиятга эга бўлишини унутиб бўлмайди.

Ўзбекистонда ўзбеклар 75 % ни, қардош қўшни миллатлар 20 % ни ташкил этадики,¹ ушбу ҳол ўзбек тилининг миллий тараққиётдаги ўрни ошиб боришини эсдан чиқармасликка ундайди.

Маънавиятнинг турмуш тарзига таъсири энг аввало жамиятда қарор топган ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий тартибларнинг шахс хатти-ҳаракатларида намоён бўлишида акс этади.

Ўзбекистон Ресубликаси бозор иқтисодиётига асосланган, демократик тамойиллар ва қонун устиворлиги қарор топган фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан бормоқда. Ушбу жамият шахсдан бозор иқтисодиёти қонунларини чуқур ўзлаштириб олишни, демократик тамойилларни ҳаётга жорий этишда ижтимоий фаоллик кўрсатишни, қонун устиворлигини таъминлаш учун сиёсий-ҳуқуқий жараёнларнинг ҳақиқий субъекта сифатида ҳаракат қилишни тақозо этади.

«Фуқаролик жамиятида шахнинг иқтисодий ва сиёсий турмушини эркин, ихтиёрий асосда қуриш таъминланади, умуминсоний ҳуқуқларга алоҳида эътибор берилади, давлат органлари фаолияти юзасида жамоатчилик назорати ўрнатилади. Вақти келиб кучли давлат функциялари аста-секин тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади. Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда, ўз ҳудудларидаги ижтимоий, маданий, маънавий ва ҳўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказишдаги фаолликлари ҳозиргидан кўра анча кучаяди.

Фуқаролик жамиятида ҳар қандай масала, шахсларнинг маънавий-маданий ҳаётидаги муаммоларни ҳам қонунлар, ҳуқуқий меъёрлар асосида адолатли йўл билан ҳал этилади. Қонун фуқаролик жамияти ҳаётидаги барча муносабатларни тартибга солиб туради. Демак, фуқаролик жамиятининг негизи, пойдевори қонун, қонунийликдир.»¹

Турмуш тарзида қонунлар белгилаб берилган нормаларга итоат этиш, умумхалқ манфаатлари билан ўз манфаатларини уйғунлаштириш, жамиятдаги ахлоқий тартибларни тан олиш, сиёсий ҳаётдаги жараёнларда фаол қатнашиш юксак маънавий сифатларни талаб этади. Ҳеч бир жамиятда ушбу сифатларни шакллантириш билан махсус шуғулланувчи институтлар мавжуд эмас, ҳар бир шахс уларда ихтиёрий тарзда қатнашади. Ушбу нормаларга риоя этишни турмуш тарзига хос воқеага айлантиради. Бироқ тажриба бу мураккаб жараёнлар негизидаги асосий мақсад кишилар, айниқса ёшлар томонидан етарли англаб етилмаётганини кўрсатади. С.Жўраевнинг кузатишича, бугун ёшларнинг аксарияти сиёсий-ҳуқуқий жараёнларнинг фаол субъектлари бўлиб етишишлари зарурлигини охиригача тушуниб етганларича йўқ. «Ҳозирликча улар ўзларининг сиёсий-ҳуқуқий жараёнларда иштирок этишини инсон сифатида шакллантиришларида, жамиятда ўз ўринларини топишларида унчалик муҳим бўлмаган бир машгулот деб билмоқдалар.»³ С.Жўраев фикрининг тўғрилигини, яъни аҳоли қатламлари томонидан сиёсий-ҳуқуқий талабларнинг ошиб бораётгани ҳам кўрсатиб турибди.⁴ Демак, маънавий-ҳуқуқий соҳада тинмай изланишлар олиб боришга тўғри келади.

Маърифат, билим, жамият ҳаётини онгли, рационал бошқаришда иштирок этиш ҳам шахс маънавий оламининг энг муҳим қирраларидан биридир. «Одамзот дунёга келганидан буён мудом илм-маърифатга интилиб яшайди. Бунинг замирида, шубҳасизки, ўзига хос маъно бор. Яъни инсоннинг вужудида, юрагида баркамолликка эҳтиёж мавжуд. Бу эҳтиёжнинг чеку чегараси йўқ. Шу боис инсон қанча мукаммаллашса, ҳам ўз-ўзидан қониқмайди, яна баркамол бўлсам, дейди. Мана шу доимий интилиш башариятга янги-янги илмларни беради. Айтиш жоизки, айнан мана шу интилиш инсон калбидаги иродадан, маънавиятдан даракдир.»¹

Турмуш тарзи ҳам билимга, рационал бошқаришга мухтож. Оилага кетадиган сарф-харажатлар, фарзандларнинг ўқиши, кийиниши, ноз-неъматларни истеъмол қилиши, транспорт харажатлари бугун турмуш тарзига рационал ёндашишни тақозо этмоқда. Маърифат, билим киши онгининг, дунёқарашининг шаклланиши учун қанчалик муҳим бўлмасин, улар турмуш тарзини оқилона ташкил қилиш учун ҳам шунчалик зарурдир. Масалан, иқтисодиёт қонунларини билмай, уларни махсус ўрганмай туриб, инстинктга асосланган ҳолда оила ҳаётини ташкил этиб бўлмайди. Меҳнат қилиб пул топган одам уни беҳудага ёки бир кунлик дабдабали тўй, маъракаларга сарфламайди, эртага дуч келадиган сарф-харажатларни, оиласини боқишни ўйлайди.² Демак, маърифат, билим фақат интеллектуал эҳтиёжни қондириш учун эмас, балки шахсга ўз турмушини, ҳаётини рационал ташкил қилиш учун ҳам зарурдир.

Турмуш тарзининг юксаклик белгиси шахннинг маънавий-маданий фаоллигидадир. Мутахассислар ушбу фаоллик тури орқали турмуш тарзининг шахс онги, ҳаёти, дунёқарашига каби омиллар билан диалектик боғлиқлигини, ушбу боғлиқлик ва юксаклик даражасини ўлчаш, билиш мумкин деб ҳисоблайдилар.

Маънавий-маданий фаолият (фаоллик) шахннинг интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш усулидир. Турмуш тарзида у оилавий муносабатлардан тортиб то бўш вақтда бошқаларнинг маънавий ҳаётини гўзаллаштиришга қаратилган

бадий ҳаваскорлик ижоди ёки жамият ва давлат ишларини бошқаришга йўналтирилган фаолият турларигача ўз ичига олади.

Шахс маънавий-маданий фаолиятида кишилараро кечадиган мураккаб муносабатларнинг моҳиятини англаб етади, ижтимоий манфаатларнинг кишилар турмушига таъсирини, инсон руҳияти билан боғлиқ бадий, эстетик, техник ижод турларининг ўзига хос қонунларини идрок қилади ва ўзи ҳам бетакрор ижод намуналари яратишга интилади. Худди шундай жараёнлар унинг ахлоқий ҳаётида, ўзини-ўзи англаб етишида ҳам рўй беради.

Турмуш тарзини оқилона ташкил этиш ва рационал бошқариш негизида ҳам аслида инсоннинг маънавий-маданий фаоллигини ривожлантириш, унинг ички дунёсида яширин ётган, маълум бир сабаблар боис ўзини намоён эта олмаётган сифатларини рўёбга чиқариш ётади. Шунинг учун маънавиятнинг турмуш тарзидаги ўрни шахнинг маънавий-маданий бойликларни нафақат ўзлаштиргани, шу билан бирга бетакрор, ўзига хос маънавий-маданий бойликлар, қадриятлар яратгани билан ҳам белгиланади.

Ушбу йўналишлар у ёки бу даражада оила ва жамият погоналарида давом этади. Тўғри, шахс турмуш тарзи билан оила ва жамият турмуш тарзлари ўртасида фарқлар мавжуд. Улар энг аввало шахс, оила, жамиятнинг турли функционал жиҳатларига ва имкониятларга эга эканлигида кўзга ташланади.

Масалан, оила турмуш тарзи эркак аёл, ота ва оналар ўртасидаги муносабатларнинг, уларнинг оилавий анъаналар, тартиблар, қадриятларга иттифоқ этишини, шахс уз манфаатларини мудом оилавий манфаатларга «қурбон» этишини тақозо қилади. Маълум бир маънода оила шахс хатти-ҳаракатларини регуляция қилиб, керак бўлса, уларни тўғрилаб, зарур нарсалар билан бойитиб боради. Жамият турмуш тарзи эса кенг маънода ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий-маданий муносабатлар асосига қурилади, ушбу муносабатларнинг энг муҳим томонларини ифода этади. Унда миллионлаб оилаларнинг манфаатларини ифода этувчи жиҳатлар ҳаёт тарзи, жамият ҳаётини ифодаловчи стратегик аҳамиятга эга белгилар, типик хусусиятлар жамланган

бўладики, айнан ушбу жиҳатлар миллат, халқ турмуш тарзини прогнозлашга, бошқаришга асос қилиб олинади.¹

Илмий адабиётларда турмуш тарзини прогнозлаштиришда мақсадли прогноз, тадқиқот-прогноз ва норматив прогноз усуллари қўлланилиши кайд этилади. Мақсадли прогноз турмуш тарзини ёки ундаги бирор воқеа ва ҳодисанинг келгусида қандай ҳолатда бўлишини тахмин-башорат қилади. Бу ўринда ўша воқеа ва ҳодисаларнинг ички қонуниятларига эмас, балки субъектларнинг ҳаётий тасаввурлари ва ҳаётий тажрибаларига асосланади. Уни социологлар «том маънодаги прогноз эмас» деб аташади, аммо у прогнозлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.³

Тадқиқот-прогноз воқеа ва ҳодисаларнинг ички қонунларини кузатиш, ўрганиш, таҳлил қилиш, қиёслаш каби илмий изланишларнинг хулосаларига таянади. У эҳтимол-хулосалар чиқариб, объектнинг келгусидаги ҳолатини айтиб беради. Норматив прогноз илмий тадқиқотлар натижаси сифатида ишлаб | чиқилган нормалар, моделлар, андозаларга мувофиқ объектнинг, турмуш тарзининг келгуси ҳолатини башорат қилади. Бошқаришда асосан ушбу норматив прогнозга таянилади.

Маънавий-маданий ҳаётни прогнозлаш жуда мураккаб, ҳатто у «прогноз қилиш мумкин эмас» соҳа ҳисобланади. Аммо унга таъсир этувчи объектларни прогнозлаш мумкин. Бунинг учун: а) ушбу объектлар аниқ бўлиши; б) улар маълум бир дойра, ҳудуд билан чегараланган бўлиши; в) прогноз эҳтимоллари, **кўп** вариантли бўлиши; г) тадқиқот-прогноз доимий, узлуксиз олиб борилиши лозим.¹ Масалан, кишилар турмуш тарзига таъсир этувчи телевизор, радио, магнитофон, плеър каби техника воситаларини исьтемом қилинишига қараб кишиларнинг келгусидаги маиший турмуши ҳақида маълум бир хулосалар чиқариш, уни яна такомиллаштириш ҳақида бошқаришга тааллуқли прогноз-дастурлар ишлаб чиқиш мумкин.

Бу ўринда маънавий-маданиятнинг субъектив ҳарактерга эга воқеа, ҳодиса эканлигини ҳам унутиб бўлмайди. Статистик маълумотлар ҳали кишилар турмуш тарзида ўзгаришлар содир бўлаётганини ҳар доим ҳам аниқ акс эттиравермайди.

Масалан, кейинги ўн йил ичида Ўзбекистонда 170 дан ортиқ диний ташкилотлар рўйхатдан ўтган, 1,7 мингдан зиёд масжидлар, ибодатхоналар ишга тушди таъмирланди.² Шўролар даврида улар бармоқ билан саноқли эди. Аммо ушбу ракамлар барча кишиларимиз маънавий-диний оламида позитив маънодаги ўзгаришлар содир бўлди, деб хулоса чиқаришга асос бўлолмайди. Айрим диний-мистик ва экстремистик гуруҳ қўпоровчилик ва ташвиқий ҳаракатлари бунни кўрсатиб турибди.

Дин, иймон, эътиқод халқимиз турмуш тарзида яшаб келаётган тарихий-маданий қадриятлардан бири ҳисобланади. Диний байрамлар (Қурбон ҳайити, Рўза ҳайити ва бошқалар) ва маросимлар (Хотиралаш куни, майитга жаноза ўқитиш ва бошқалар) нинг қайта тикланаётгани, ҳар йили 4 мингга яқин фуқароларимиз ҳажга бориб келаётгани маънавий-маданий ҳаётга таъсир этмай қолмайди, албатта. «Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур, - деган эди буюк бобомиз Алишер Навоий, - билки, нишони ани иймон эрур.»¹ Иймон, эътиқоди мустаҳкам киши нафс кетидан чопмайди, бошқалар мулкига кўз олайтирмайди, ён-атрофдагилари билан сермуомала, ахлоқли, одобли алоқаларда бўлади.² Бундай кишининг турмуш тарзида ислом динидаги ижобий қадриятлар мустаҳкам ўрин топади, унинг маънавий ҳаётининг таркибий қисмига айланади.

Маънавиятнинг турмуш тарзидаги ўрни шахнинг жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларга, яшаш шарт-шароитларига, муҳитга муносабатларида ҳам намоён бўлади. Кўпинча ушбу муносабатлар шахсларнинг субъектив ж фикрлари, тасаввур ва карашлари сифатида қабул қилинади.

Миллий турмуш тарзининг қайта тикланишида маънавий омиллар билан бир қаторда ижтимоий-маданий институтлар инфраструктураси ҳам муҳим ўрин тутди. Ижтимоий-маданий институтлар инфраструктурасига турар жойлар, маданий-маиший хизмат ўчоқлари, транспорт хизмати муассасалари, телефон, телеграф ва почта, тиббиёт ва ижтимоий-педогогик муассасалар, бозор ва дўконлар тармоқлари киради. Ушбу муассасалар ва институтлар маънавий

ҳаётга бевосита бўлмасада, аҳолининг ишдан кейинги вақтини олиши билан билвосита таъсир кўрсатади.

1986 йили Ўзбекистонда ҳар бир кишига 11,2 кв.метр турар жой тўғри келган бўлса, 1993 йили у 13,6 кв.метр кўтарилди.¹ 2001 йилда республикада 1061,6 минг кв.метр уй-жойлар, 525 минг кв.метр амбулатория, поликлиника, тиббиёт муассасалари қурилган. Инвестицияларнинг умумий ҳажмидан коммунал қурилишга 20,8 млрд.сўм (умумий ҳажмнинг 17,1%), ижтимоий-педогогик объектларни қурилишга 40,0 млрд.сўм (умумий ҳажмнинг 33,0%), тиббиёт объектлари қурилишига 9,5 млрд.сўм (умумий ҳажмнинг 7,8%) сарфланди.

Худди шунингдек, оилаларни сув, газ билан таъминлашга 2,5 млрд.сўм (умумий ҳажмнинг 20,3%), газ қовурлари етказишга 0,4 млрд.сўм (умумий ҳажмнинг 16,7%) сарфланди. Темир йул транспортида 1331, 4 минг тонна, автомобил транпортида эса 1968,8 млн. тонна юк ташилди. Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланаси 2001 йилда 886,3 млн. тоннани ташкил этади. Йўловчи айланмаси таркибида автомобил транспортининг улуши 6,6 млрд. йўловчи - км. дир.³

Аҳолига маънавий-маърифий ва маиший хизмат ҳажми 2002 йилда 2000 йилдагидан 14% га ошиб, 30,8 млрд. сўмга етди. Маиший хизматлар умумий ҳажмида яқка тадбиркорлик улуши 82,1% дан иборат бўлиб, 25,2 млрд. сўмни ташкил этади. Ўша йиллар доирасида республикада 1125 та, шу жумладан, қишлоқ жойларида 725 та ижтимоий-маданий ва маиший объектлар барпо этилди.⁴ Умумий аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 2003 йили 111,8 млрд. сўмдан 2004 йил биринчи ярмида 241,9 млрд. сўмга кўтарилди.⁵ Улар дан нодавлат секторига 68,5% хизмат кўрсатиш тўғри келади.

Рақамлар кўрсатадиган, ижтимоий - маданий ва маиший хизмат кўрсатишда сезиларли силжишлар содир бўлмоқда. Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми, айниқса нодавлат сектори орқали, йилдан йилга ошиб бормоқда. Шубҳасиз, ушбу ўзгаришлар кишиларимиз турмушининг фаровонлашувига, уларга ўз вақтидан унумли фойдаланишга имкониятлар яратиб беради. Шу билан

бирга бугун биз ижтимоий-маданий ва маиший объектлар инфраструктураси ҳақида етарли маълумотларга эга эмасмиз. Масалан, шаҳарларда ушбу объектларнинг сони ва аҳоли турар жойларида жойлашиши қандай? Минг кишига нечта ошхона, клуб, кутубхона, сартарошхона, озиқ-овқат дўконлари, киоска, почта тўғри келади? Қишлоқ жойларидачи? Транспорт қатнови қандай аҳволда? Нечта аҳоли пунктлари янги йўлларга, газ қувурлари, сув етказиб беришга муҳтож? Оилаларнинг маиший-техника воситалари, радио, телевидение, компьютер билан таъминланганлик даражаси қандай? Китоб, газета, журнал ўқиш сониди қандай ўзгаришлар бор?... Хуллас, ушбу ва шунга ўхшаш саволларга жавоб топмай турмуш тарзининг ривожланиш йўллари етарли даражада очиб бериш мумкин эмас.

Маънавиятнинг турмуш тарзидаги ўрни, агар юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқсак, биринчидан, кишиларнинг миллий истиклол ғоясида илгари сурилаётган талабларни, қадриятларни, қарашларни ўзлаштириб олганида, ўзида маънавий-маданий фазилатларни

шакллантирганида, иккинчидан, турмуш тарзининг фаровонлигини таъминловчи воситаларни яратиш жараёнига меҳнатга лаёқатли барча фуқароларни жалб этиб, оиланинг моддий, маиший техникавий асосини юксалтириш шадир.

Юқоридагилардан бобга оид қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси мустақил миллий тараққиёт босқичига ўтгач халқимиз турмуш тарзига жиддий таъсир кўрсатган ижтимоий воқелик:

- бозор муносабатларининг жорий этилганида; хусусий мулкнинг юзага келаётганида;
- кўп укладли иқтисодиётнинг юзага келаётганида; жаҳон тараққиёти эришган ютуқлардан кенг ва эркин фойдаланаётганида;

миллий турмуш тарзи учун зарур моддий, маданий, маънавий бойликлар яратилаётганида;

халқаро маданий-информацион ва технологик алоқаларнинг ривожланаётганида;

- миллий мустақиллик, миллий тараққиёт ва миллий истиклол учун кураш умумхалқ гоёси ҳамда турмуш тарзига айланаётганида акс этади.

Меҳнатга муносабатнинг ўзгариши, хусусий мулкнинг шаклланаётгани ўзбекона турмуш тарзининг уз тарихий-маданий негизларига мувофик ривожланишга ўтганидан далолат беради. Миллий манфаатлар нуқтаи назаридан меҳнат қилиш, ўз турмушининг фаровонлигини таъминлаш меҳнатга муносабатнинг ўзгаришида намоён бўлаётган ҳолдир.

Бўш вақтдан унумли фойдаланиш негизида шахнинг маънавий-маданий эҳтиёжларини тўла қондиришга эришиш ётади. Турмуш тарзида бўш вақт салмоқли ўринни эгалламоқда, шунинг учун ундаги миллий тараққиёт ва шахс камолоти нуқтаи назаридан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш давр талабидир.

Маънавият-миллий истиклолнинг энг асосий кўрсаткичи, мезонидир. Унинг турмуш тарзидаги ўрни бир томондан, субъектив характерга эга қадриятларнинг шаклланишида, иккинчи томонидан, турмуш тарзининг моддий, техникавий ва маиший эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилишидадир. Тўғри, иккинчи томон маънавиятни бевосита эмас, балки билвосита, яъни кишиларда меҳнатга тўғри муносабатни, ижтимоий, иқтисодий ва интеллектуал фаолликни шакллантириш орқали амалга оширади. Пировард натижада у турмуш тарзининг моддий асосини мустаҳкамлашга олиб келади.

Биз ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги максатида «Ёшларга оид давлат сиёсати тугрисида»ги қонунни янги тахрирда қабул қилдик. Шу асосда янгича ёндашувлар ҳдётга фаол жорий этилмоқда. Ёшлар ҳдқида ран кетганда, мен доим бир нарсани уйлайман. Мана, бугунги кунда канча-канча ёшларимиз чет элларда таълим олмоқда, меҳнат қилмоқда. Албатта, уларнинг орасида уз йулини топиб, бегона юртда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаётганлари ҳам қуп. Лекин Ватан соғинчи ҳдр қандай одамни ҳдм

кийнайди. Шунинг учун улар билан доимий алоқа урнатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимизга қайтиш истагида булганларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни кучайтиришимиз зарур. Шу мақсадда Ўзбекистон ёшлари халқаро ассоциациясини тузиш ва унинг самарали фаолият юритиши учун тегишли шароит яратиб беришимиз керак. Ёшларимиз хориждаги тенгдошлари билан илм-фан, маданият, тадбиркорлик, спорт ва бошқа соҳаларда фаол мулоқотда бўлишлари мақсадга мувофиқ. Бу уларнинг ўз салоҳиятини дунё миқёсида намоён этишлари учун катта имконият яратади. Шунинг учун келгуси йили Самарканд шаҳрида Марказий Осиё ёшлари форумини ўтказиш кузда тутилмоқда. Жорий йилда олиб борган ислохотларимизнинг энг муҳим натижаларидан бири - бу, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга бутунлай чек қўйилгани бўлди. Бундай 139 ижобий ўзгаришлар Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқа тузилмалар томонидан эътироф этилгани эътиборга лойиқ, албатта. Биз бундан бўён ҳам инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўқитиш масаласига ўстувор аҳамият қаратамиз. Шу билан бирга, биз учун зарур булган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг қулаб қамраб олиш куя. Бу ҳақда суз юритганда, айтиш лозимки, биз ўлуг боболаримизнинг муносиб давомчилари бўладиган етук инсонларни тарбиялаш масаласига, афсуски, етарлича аҳамият бермадик. Ҳолбуки, интеллектуал ва маданий салоҳиятнинг қандай ноёб бойлик экани, нодир талант эгаларини тарбиялаб қамолга етказиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини ўнатишга ҳаққимиз йук. Ривожланган мамлакатлар бугунги юксак тараққиёт даражасига айнан шунинг ҳисобидан етгани - бу ҳам ҳақиқат. Минг афсуски, мамлакатимизда катта илмий салоҳиятга эга булган айрим олимлар, истеъдодли ёшлар ўрта сифатда хорижий давлатларга кетиб қолдиш ҳолатлари ҳдм йук эмас. Қднча-қанча ўзбек йигитлари, ўзбек қизлари бугун чет эллардаги йирик компания ва банкларда, нуфўзли университетлар, халқаро ташкилотларда катта-катта лавозимларда хизмат қилмоқда. Мен шахсан ўзим хорижий мамлакатларга сафарларим чоғида ўнлаб ана шундай ватандошларимиз билан ўчрашиб,

мулоқотда бўлдим. 140 Чет эллардаги юртдошларимизга консуллик хизматлари ва бошқа хизматлар курсатиш, уларнинг юртимизга бемалол келиб-кетиши, мамлакатимизни тараққий эттиришда иштирок этишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда. Биз бу ишларни келгусида янада кенгайтираемиз. Шу муносабат билан чет элларда яшаётган ва ишлаётган ватандошларимиз билан узаро *амкорлик соҳасида давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқишни таклиф этаман.

Хулоса

Миллий турмуш тарзи ўзига хос тарихий-маданий ҳодиса бўлиб, унда ҳар бир халқ, миллат, этноснинг ўзига хос хусусиятлари, узок ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнида яратган кадриятлари, анъаналари, яшаш тарзи, бошқа халқлар билан интеграцион алоқалари жараёнида ўзлаштирган бойликлари, ён-атроф, дунё ва келажак ҳақидаги қарашлари мужассамлашган бўлади. Қисқа қилиб айтганда, турмуш тарзи - бу халқнинг ўзи, унинг ижтимоий-тарихий ва маънавий-маданий автопортретидир.

Тадқиқотимиз натижалари кўрсатадики, шўролар даврида турмуш тарзини илмий муаммо сифатида ўрганиш амалга оширилган, бу борада илмий-методологик аҳамиятга эга хулосалар чиқарилган, тадқиқот усуллари аниқланган бўлса-да, миллий турмуш тарзи мустақил аҳамиятга эга муаммо сифатида ўрганилмади. Улкан империяда 130 дан ошиқ миллат ва элатлар яшашига қарамай, тадқиқотлар «социалистик турмуш тарзи»ни улуғлашга «ягона совет халқи» ва «социалистик маданиятни» тез ва шу онда шакллантириш йўлларини ўрганишга бағишланди. Ўша даврда ижтимоий ҳаёт ва илмий изланишлар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатган коммунистик идеология ва маъмурий буйруқбозлик бошқариши миллий турмуш тарзини мустақил илмий муаммо сифатида тадқиқ этишга имкон бермади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейингина миллий, шу жумладан, ўзбекона турмуш тарзининг этногенезисини, мавжуд муаммоларини, тараққиёт йўллари ва хусусиятларини ўрганиш имкони тугилди.

Миллий турмуш тарзини ўрганиш: а) турмуш тарзининг социодинамик ва этногенетик хусусиятларини; б) ўзбекона турмуш тарзида содир бўлаётган ўзгаришларни; в) миллий турмуш тарзининг ички белгиларини, унинг миллий, тарихий-маданий қадриятларни ривожлантиришдаги ўрнини; г) миллий истиклол гоёсининг миллий турмуш тарзини қайта тиклашдаги функционал жиҳатларини; д) маънавий-маданий омилларининг турмуш тарзига ва у орқали шахс камолотига таъсирини тадқиқ этишни тақозо қилди. Ушбу ранг-баранг ва серқирра муаммони бир диссертация доирасида ўрганиш амри маҳолдир. Бу борада нафақат файласуфлар ва социологлар, шу билан бирга иқтисодчилар, демографлар, этнографлар, маданиятшунослар, антропологлар ижтимоий бошқариш ва прогнозлаштириш билан шугулланувчи мутахассисларнинг биргаликда, кенг қамровли, комплекс изланишларни ўтказишлари талаб этилади.

Миллий турмуш тарзига икки блок: 1) умумсоциал ва умумҳаётий манбалар; 2) миллий, этномаданий манбалар таъсир этади. Ушбу манбалар миллий турмуш тарзининг социодинамик ва этномаданий хусусиятларини белгилаб, уни ижтимоий тараққиёт талабларига, қонунларига мослашиб, трансформацияга учраб, ўзгариб боришини таъминлайди, бироқ миллий турмуш тарзи ичида шундай ўзгармас ўзак, ядро борки, айнан улар турмуш тарзининг миллийлигини, бирор халққа, этносга тааллуқли эканлигини белгилаб беради. Ушбу ўзак, ядро халқнинг тарихий-маданий бойликлари, ижтимоий тажрибалари, менталитета, яшаш тарзидир. Турмуш тарзининг ташки белгилари ва атрибутлари (масалан, икки-уч қаватли уйлар қуриш, кафе-ресторанларда овқатланиш, уй хизматчилари тутиш, репетиторлар ва тарбиячилар ёллаш ва бошқалар) тез ўзгариши мумкин, аммо ўзак, ядро турмуш тарздаги тарихий-маданий бойликнинг мавжудлик ва барқарорлик шарти сифатида сақланиб қолаверади. Айнан ушбу ўзак турмуш тарзининг субъектлари (поғоналари) бўлган шахс - оила - жамият тизимидаги манфаатларнинг уйғунлигини, алоқаларнинг барқарорлигини таъминлайди. Қаерда турмуш тарзининг субъектлари (поғоналари) ўртасида мустаҳкам диалектик боғлиқлик, манфаатлар уйғунлиги бўлмаса, ўша жойда миллий турмуш тарзида парокандалик, емирилиш юзага

келади. Ўзбекистон Республикасида миллий турмуш тарзини қайта тиклаш ва тараққий эттиришга даъват этаётган куч - ўзак, ядро - бу миллий истиклол ғоясидир.

Ўзбекона турмуш тарзининг этномаданий негизи эрамиздан аввалги даврларга бориб такалади. Унда бир-бирига диалектик боглиқ икки -ўлкамиз халқларига хос этник хусусиятлар, белгилар ва бошқа халқлар билан ижтимоий, иқтисодий ва маданий алоқалар жараёнида ўзлаштирган инновациялар уйғунлашиб келади. Ўзбек халқи ҳеч қачон миллий, этник қобикда биқиқ ҳолда яшамаган, у ички эҳтиёжлари, манфаатлари ва тарихий-маданий қадриятларига мие келган инновацияларни, бойликларни қабул қилган, шу тариқа ўзининг турмуш тарзида миллий ва умуминсоний қадриятларни шакллантириб, ривожлантириб келган. Ҳаттоки, эронийлар, араблар ва Чор Россияси босқинлари ҳам ўзбекона турмуш тарзини бутунлай ўзгартиролмади, балки унда миллий бирликнинг, миллий уйғунликнинг янада чуқурроқ илдиз олишига ундади.

Муаммога ретроспектив ёндашиш миллий турмуш тарзининг мустақиллик арафасидаги аҳволини, кейин эса ҳозирги тараққиёт хусусиятларини ўрганишни тақозо этди. Тадқиқот кўрсатадики, 70-90 йилларда Ўзбекистонда турмуш тарзини фаровонлаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилган. Янги маданий-маиший объектлар, таълим ва тарбия ўчоқлари, ноз-неъматлар, маҳсулотлар етиштириб берувчи корхоналар, фабрикалар, хўжаликлар ташкил этилган. Анъанавий турмуш тарзи янги анъаналар, тартиблар, нормалар, маиший ҳаёт техника воситалари, информацион технологик ускуналар билан бойитилган. Қардош ва бошқа республикалар билан интеграцион алоқалар кенгайган, ижтимоий-маданий тажрибалар алмашиш борасида замонавий қарашлар, институтлар пайдо бўлган. Халқимиз яратган ушбу ютуқлардан воз кечиш адолатдан эмас, балки, улар ўзбек халқининг ҳар қандай шароитда, ҳаттоки, шўролар мустабид тузуми ўз тазйиқини авж олдирган даврларда ҳам, ижтимоий маданий бойликлар яратишдан тўхтамаганини кўрсатади. Бироқ мустақиллик арафасида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда

турғунлик юзага келди. Миллий ўлкаларни марказга тўла итоат эттиришга интилувчи кучлар пайдо бўлди, натижада «марказ - республикалар» ўртасидаги зиддиятлар кучайди. Ушбу давр дан чиқариладиган энг муҳим хулоса шундаки, миллий ва кишилар манфаатларини менсимаслик, мавжуд муаммоларни рационал ҳал этиш ўрнига маъмурий буйруқбозлик, зўравонлик ўрнатиш ҳеч қачон яхши натижаларга олиб келмайди. Меҳнат аҳли, фуқаролар ўз меҳнатига яраша ҳақ олмас, фаровон яшамас экан уларнинг жамиятдан, мавжуд тузумдан бегоналашуви сақланиб қолаверади.

Мустақиллик йилларида халқимиз, миллатимиз турмуш тарзида жиддий ижтимоий-тарихий аҳамиятга молик ўзгаришлар содир бўлди. Биринчиси, кишиларимизнинг меҳнатга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Мулкчиликнинг турли шакллари юзага келди, фуқаролар ўзининг хусусий мулкига эга бўлдилар. Хусусий мулкка эга бўлиш халқимизнинг ижтимоий-тарихий ҳаётига хос ҳодиса эди. Мустақиллик туфайли ушбу анъана қайта тикланди.

Халқимиз ўзининг вақтига, умрига ниҳоятда талабчанлик билан ёндашган. Бу унинг «Вактинг кетди - бахтинг кетди» деган нақлида ҳам ўз ифодасини топган. Бозор муносабатлари таъсирида кишиларимиз ўзларида ишдан кейинги вақтларидан ва бўш вақтдан унумли фойдаланиш кўникмаларини шакллантира бошладилар. Бу энг аввало уларнинг маънавий-маданий эҳтиёжларини қондириш, турмуш тарзини фаровон қилиш учун зарур фаолият турлари билан шугулланишларида намоён бўлади. Тўғри, бу борада ҳали кенгроқ ва чуқурроқ таҳлил, бўш вақтнинг ҳажми, структураси ва шахс камолотига, турмуш тарзига таъсир қиладиган омилларини аниқлаш, шу асосда зарур тавсияномалар ишлаб чиқиш талаб этилади. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ бир нарса аён — кишиларимизнинг бўш вақтда мавжуд маданий, маиший ва ижтимоий-тарбиявий имкониятлардан фойдаланишга интилиши ошиб, ранг-баранглашиб бормоқда. Бу уларнинг турмуш тарзига ижобий таъсир этмай қолмайди.

Миллий турмуш тарзининг қайта тикланишида ва тараққиётида маънавиятнинг ўрни беқиёсдир. Миллий маънавий тараққиёт миллий истиклол гоёсига таянганидек, миллий турмуш тарзи тараққиёти ҳам миллий истиклол

гояси яратган концептуал қарашларга, йўналишлар ва тавсияларга таянади. Худди шунингдек, миллий турмуш тарзининг қайта тикланиши тарихий-маданий тажрибаларни (маҳалла, оилавий урф-одатлар, шарқона одоб-ахлоқ ва бошқалар), тараққиёти эса ижтимоий-маданий объектлар инфраструктураси (маиший ва физкультура, спорт объектлари, ижтимоий-педагогик институтлар, маданий-маърифий муассасалар, тиббиёт ва транспорт хизматлари ва бошқалар) ни ривожлантиришга ундайди. Бу борада республикада анча ишлар амалга оширилган бўлса-да, аҳолининг ўсиб бораётган маданий-маиший ва маънавий эҳтиёжлари кенг миқёсда дастур ишлаб чиқишни кун тартибига қўймоқда. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш, сервис жиддий изланишлар ўтказиш ва ўзгаришларни амалга оширишни талаб қилмоқда.

Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатдан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. “Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди” дейди донишмандлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”. Ш.М.Мирзиёев

Бугун ёшлар тарбияси ва уларни илмли, омилкор фарзанд сифатида камолга етказиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бола тарбияси билан кичик ёшидан бошлаб шуғулланиш масаласига катта эътибор қаратилиб, республика миқёсида барча шарт-шароити бор боғчалар ташкил этилиши, мактабгача ва мактаб таълими тизимида ҳамда олий таълимда амалга оширилаётган ислохотлар – барчаси фарзандлар тарбияси, эртанги кун учундир

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда муваффақиятли, бахтли, ҳаётдан қоникқан инсон бўлиш учун ҳар қандай инсон тайм-менежментдан бохабар бўлиши, самарали вақтни бошқариш усулларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Хулоса қилиб айтганда, талабалар ўзини ўзи ривожлантириш мақсадида: - кундалик вақтни режали тақсимлаши; - спорт ва китоб ўқишга вақт сарфлаши; - Смарт-мақсадлар, ярим соат назарияси, Эйзенхауэр жадвали, Кун

давомида миянинг иш унумдорлигини ошириш; - ўзини бошқара олиш қобилиятини шакллантириш; - ижтимоий назорат, бунда педагог ўқитувчилар масъул бўлмоғи, балки ёшларнинг бўш вақтидан самарали фойдаланишлари учун ота-оналарнинг таъсир доирасини ва масъулиятини ҳам кучайтириш, назорат қилиши лозим, деб уйлаймиз. Зеро, ҳалқимизда бугунги ишни эртага қўйма деган нақл асосида иш олиб бориш ва вақтни тўғри тақсимотига эътибор қаратиш муҳимдир.

Натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

1. Турмуш тарзини Буш вақтни ёшларимизга тугри фойдаланишга ургатиш;
2. Турмуш тарзи муаммоларини, унда содир бўлаётган ўзгаришларни ўрганиб, зарур прогноз-дастурлар ишлаб чиқувчи нодавлат тадқиқот марказини ташкил этиш;
3. Турмуш тарзи ёшларни меҳнатга ва илмга йуналтириш ва буш вақтни тугри ташкил қилиш ҳаёти учун аҳамиятга эга эканлигини тушунтириш(тил урганиш ,спорт ва);
4. «Турмуш тарзи» махсус нашрини (ёки иқтисодий муаммоларни ўрганувчи журналлар қошида қўшимча сон сифатида) чоп этиришни йўлга қўйиш;
5. Турмуш тарзибуш вақт тарихи, назарияси ва амалиётга оид иқтисод ва ижтимоий тараққиёт бўйича мутахассислар тайёрловчи ўқув юртларининг талабалари учун махсус курслар тайёрлаш;
6. Миллий турмуш тарзида буш вақтни прогнозлаш муаммоларига бағишланган илмий-назарий анжуманлар, давра суҳбатлари ва махсус нашрларда рукнлар уюштириш .
7. Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

8. Урта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

9. Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш.

Бу ўринда ёшлар маънавиятига интернетнинг мафкуравий таъсирини камайтириш учун қуйидаги амалий таклифларни бериш ўринли:

- Ёшларни зарарли ахборот оқимларидан ҳимоялаш учун, улар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш лозим;
- Ёшларда ахборот истеъмоли маданиятини шаллантириш ва интернет тармоғида маънавий-маърифий, мафкуравий тарғиботни кучайтириш зарур;
- Ёшлар назоратини амалга ошириш учун оила, таълим муассасалари ва маҳалла ҳамкорлигини янада кенг йўлга қўйиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда ёшларнинг истак ва хоҳишларини инобатга олиш, унда ҳар қандай зўрлик ва мажбурловлардан воз кечиш, ёшларнинг асосий қизиқиши ва фаолият доирасини ташкил этаётган турли хил соҳаларни тарбия жараёнида тўлиқ қамраб олиш. Бунда, ахборотли технологиялар (оммавий ахборот воситалари – газета, журнал, радио, телевидения ва интернет) хизматидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш, миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирадиган интернет сайтлари, мултимедиа ва роликларни кўпайтириш. Ёшлар онгига ижобий таъсир этувчи мусиқа ва кино санъатининг тарбиявий имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим.

Шундай экан ундаги ба'зи бир хавфларнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги тавсияларга эътибор қаратиш зарур:

- Фарзандингиз тармоқдан фойдаланмоқчи бўлганида уни назоратдан четда қолдирмаслик;

-Фарзандларимизни тармоққа биринчи қадамлариданоқ, Интернетда фақатгина "яхши" эмас, балки "ёмон" ахборотларни ҳам учратиши мумкинлигини тушунтиринг;

- Интернетдан бирор манбани сақлаб олишда эътибор қаратиш зарур бўлган қоидаларни тушунтириш;

- Ёшларга тармоқда ҳам ҳақиқий ҳаётдаги каби тартиб-интизом қоидаларини унутмаслик зарурлигини таъкидланг;

Интернетдан фойдаланишида ба'зи ҳолларда чекловларни ўрнатиш;

-Ҳар куни фарзандингиз мулоқотларини кузатиб боришни ўзингизга одат қилинг;

-Фарзандингиз ва ўзингизнинг компьютер саводхонлигингизни мунтазам ривожлантириб бординг

-Ёшларимизнинг диди, онгу шуурига таъсир қиладиган, келажак авлод манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини шарҳлаб, ахборот хуружлари моҳиятини рўйи-рост очиб берадиган , келажак авлодни қизиқтирадиган саволларига жавоб бўладиган мавзуларни тезкор ёритиш ҳамда ёшлар муаммоларни кенг камровда танқидий– таҳлилий ёритадиган медиа маҳсулотларни тайёрлаш;

-Ёшларга оид мавзуларда қалам тебратадиган ёш профессионал ва ҳаваскор журналист ва ижодкорларни бирлаштириш, журналистика соҳасида устоз ва шогирд анъаналарни давом эттиришга хизмат қиладиган амалиётчи журналистлар билан доимий равишда ўқувлар ташкил этиш;

- Ҳаракат муассислигидаги ОАВларини марказда матбуот, телевидение, радио ва интернет йўналишида тажриба ва малака ошириётган ёшларнинг ижод маҳсулотлари билан доимий тўлдириб бориш;

- Ҳаракат ҳақида тайёрланган ахборотларни мамлакатимиз ҳудудида узатилишини таъминлайдиган ягона ахборот ресурс базасини яратиш,

Ҳаракатнинг медиа таъсир воситалари, усуллари, стратегиясини аниқ белгилаб, бошқа давлат ва нодавлат ОАВларида бериладиган махсус медиа-лойиҳаларни ишлаб чиқиш.

-Ҳаракат сайтида ёшларнинг ўзаро мулоқотга киришишлари учун яратилган шароитдан фойдаланиб, ижтимоий мавзудаги форумларни кўпайтириш лозим.

- Нафақат реал ҳаётда, балки виртуал маконда ҳам ёшлар ўз-ўзини ифода этиши учун турли танловлар, кўргазмалар, акциялар ўтказиш, уларни рағбатлантириб бориш ҳам уларни Интернет тармоғидаги фаолиятини тартибга солишга, вақтини фойдали нарсаларга сарф қилишларига имкон яратади.

- Шунингдек, ахборот хавфсизлиги бўйича ҳуқуқий меъёрларни яратишда ёшлар ташкилоти сифатида уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари, қолаверса, маънавий ҳимояси бўйича аниқ таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳам Ҳаракат олдидаги муҳим вазифалардан саналади.

Адабиётлар

1. ЎзР Конституцияси Тошкент Ўзбекистон 2017й
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Т.Ўзбекистон 2017
3. М Мирзиёев Ш. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Т.Ўзбекистон 2017
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. Т.: Ўзбекистон 2017й
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т. Ўзбекистон 2017
6. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид давлат дастурининг ўрганиш бўйича илмий услубий рисола Т.: Маънавият 2017
7. Каримов И.А. асарлар тўплами 1-23 ж. Тошкент Ўзбекистон 1996-2016й
8. Каримов И.А юксак маънавият енгилмас куч Тошкент Маънавият 2008й

9. Каримов И.А. Ўзбекистони мустақилликка эришиш оstonасида. Тошкент Ўзбекистон 2011й
10. Каримов И.А. Она юртимиз бахт иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. Т. Ўзбекистон 2015
11. Мамашакиров С. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг гоаявий мафкуравий масалари. Т.: маънавият 2007
12. Отамуродов С. Ўзбекистонда маънавий рухий тикланиш т.: Янги аср авлоди 2003
13. Умаров Б. , Жабборов Ш. Глобаллашув ва маънавий ахлоқий тарбия Т.Академия 2010й
14. Норкулов Д. Вақт ва унинг ижтимоий қиммати.//Тафаккур,1998,2-сон.-22 б.; Человек и его образа жизни (Социологические аспекты).- Вильнюс,1987.-С106.
15. Алимасов В А. Особенности развития культурно- просветительных учреждений в условиях перехода Узбекистана к рыночным отношениям.
16. Автореф.дисс. на соиск. учен.ст. док-ра.филос. наук, 2001.-С. 27-30; Енгулатова Д.И. Повышение социально- духовного потенциала учащейся молодёжи Узбекистана а условиях независимости. Автореф.дисс. на соиск. учен.ст. канд. филос. наук, 1999.-С.17. 2.Қаранг: Ўша жойда.
17. Қорабаев У.Ўзбек халқи байрамлари.-Т.:Шарқ,2002.-69 б.
18. Мазаев А.И. Праздник как социально-художественное явление,-М.: Наука, 1978.-С.6.
19. Проблемы измерения и прогнозирования в области культуры.-М.:1993; Проблемы управления и прогнозирования художественной культуры.- М.:Наука,1986;
20. Орлова Э.А. Современная городская культура и человек.-М: Наука, 1987 ва б.
21. Асадемис Ресерч ин Едусатионал Ссиенсес Волуме 3 | Иссуе 6 | 2022
ИССН: 2181-1385 Сите-Фастор: 0,89 | СИС: 1,12 | СЖИФ: 5,7 | УИФ: 6,1 753
Жуне, 2022 хтttp://т.me/арес_уз Мултидисциплинарй Ссиентифис Жоурнал
22. Жамият ва инновациялар — Общество и инновации — Сосиетй анд инноватионс Спесиал Иссуе — 07 (2022) / ИССН 2181-1415
23. Иконникова С.Н. Диалог о культуре.- Л.:Лениздат, 1987.- 143 б.
24. Соифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. - Т.: Шарқ, 2001. – 29 б.

25. Саифназаров И. Оила барқарорлигининг маънавий асослари. - Т.: - 17-18 б.;
26. Саифназаров И. Иқтисодий манфаатлар уйғунлиги ва баркамол инсон тарбияси.- Т.: Янги аср авлоди, 2002. 17 б.
27. Алишер Навоий. Ҳикматли сўзлар. - Т.: 1985. - 117 б. Бундай фикрларни Саъдий, Ғузулий каби мутафаккирлар ижодидан ҳам келтиришимиз мумкин.
28. Корабоев У. Буш вақт ва дам олиш маданияти.- Т.: Ўзбекистон,
29. Ширматова Г. Общение в условиях взаимодействия культур как фактор духовного формирования личности //Культурная среда и духовное формирование личности.-Т.:Фан,1981.-с.62
30. Академис Ресерч ин Едусационал Ссиенсес Волуме 3 | Иссуе 6 | 2022
ИССН: 2181-1385 Сите-Фастор: 0,89 | СИС: 1,12 | СЖИФ: 5,7 | УИФ: 6,1
753 Жуне, 2022 https://t.me/arcs_uz Мултидисциплинарй Ссиентифис
Жоурнал
31. Человек и социальное развитие.- М.:Политиздат, 1989.-С.308.
32. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари.-Т.:Ўзбекистон, 1997.-27-29 б; Человек и социальное развитие.-М.:Политиздат.1989.-С.307.
33. Миролимов Ш. Маҳалла меҳри.-Т.: 1994.-15-22 б.
- 34.: Митрикас А. Время в изучении образа жизни//Человек и его образ жизни (Социологический аспект).-Вильнюс, 1987.-С.5. 2. Қаранг Ўша жойда.-с.7.
35. Шайхова Х. Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот.- Т.: 1992.- 35 б. 2. Қаранг: Наршахий Абу Бакр. Бухоро тарихи.-Т.:Фан,1966.- 120-128 б.
36. Тўраев Ш. Муҳаммадиева О. Миллий ғоя тарихи ва назарияси Т.2016й
31. Юсупов Э. Ва бошқалар Миллий ғоясининг халқни бирлаштиришдаги Гаффарли М.М.
- Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели тинчлик ва барқарорлик омили Т.: Ўзбекистон 2000

32. Диний экстремизм ва терроризмга карши курашнинг маънавий ва маърифий асослари (маъсул мух А.Очилдиев) –Т.: ТИУ 2008й
33. Жакбаров М. Аббосова Ш. Ва б миллий ғоя хавфсизлик ва барқарорлик омили Т.: Турон замин зиё 2014й
34. Комилов К. Глобаллашув ва диний жараёнлар Т.: ТИУ 2014
35. Комилов Н. Ва б. Мустақиллик тафаккури, демократик дунёқараш ва миллий менталитет Т.: Маънавият, 2011
36. Маънавият асосий тушунчалар изохли луғат Назаров қ тахрири остида Т.маънавият 2009
37. Миллий ғоя : тарғибот технологиялари ва атамалари луғати Т.: Академия 2007
38. Миллий истиқлол ғояси ва асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Янги аср авлоди 2001
39. Мустақиллик : изохли илмий оммабоп луғат Хонназаров Қ.Х тахрири остида Т.: Шарқ 2000
40. Мухторов А. Миллий ғоя ва миллий манфаат Т.: Фан ва технология 2014
41. Муминов А. Ўзбекистон ахборотлашган жамият сари Т.Турон замин зиё 2013
42. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар Т.: Шарқ 2013
43. Туйчиев Б. Политическая культура и демонстрации общество. Т.: НУ УЗ 2010
44. Тураев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя Т.2008
45. Хоразм Маъмун академияси ва унинг дунё илм тараққиётидаги ўрни ЎзМУ 2007
46. Эргашев И., Жакбаров М., Назаров қ Жамиятни демократлаштириш ва миллий ғоя Т.: Академия 2007
47. Шамадалиев Ш. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт.- Тошкент, 2003.-201 б.

48. Мирхамидова М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. - Т.: Университет, 2003. - 26 б.
49. Қаранг: Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. - Т.: Шарқ, 2001. - 7-8 б.

50. Хоназаров К. Интернациональное воспитание в условиях независимости. - Т.: Катартол-Камолот, 1997. - С. 41.

51. Саифназаров И. Маънавият ва билим - баркамоллик қанотлари. - Т.: 1999. - 3

52. Проблемы измерения и моделирования образа жизни. - М.: 1988. С. 74-84;

53. Образ жизни проблемы духовных потребностей. - Фрунзе, 1986. - С. 104-10

54. **ПТ Худойбергенова. ЎЗБЕКОНА ТУРМУШ ТАРЗИДА БЎШ ВАҚТДАН
ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

55.Sattorova Dildor Gapparovna, Xudaybergenova Patma Toshpulatov
IMPROVING THE QUALITY OF MEDICAL SERVICES IN IMPROVING THE
GENE POOL OF THE POPULATION IN OUR COUNTRY

56.П.Т Худойбергенова. *БУГУНГИ КУНДА ЁШЛАРНИНГ ОНГИ ВА ҚАЛБИНИ
ЭГАЛЛАШДА ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ КИЛИНАЁТГАН МАФКУРАВИЙ ХУРУЖЛАР*

Интернет сайтлари:

1. www.lex.uz
2. www.ziynet.uz
3. www.edu.uz
4. www.manaviyat.uz
5. www.faylasuf.uz

